

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши

СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф
этилган нормалари

ўқув қўлланма

Тошкент-2022

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 30 декабрдаги 429-сонли буйруғига асосан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

УЎК _____

КБК _____

5A240121 – Суд фаолияти. Судлар фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари: ўқув қўлланма/ ... ва бошқалар. – Т.: нашриёт номи, 2022 й. – 220 бет

Х. Ёдгоровнинг умумий таҳрири остида

Муаллифлар жамоаси:

М.П.Қаландарова – *Ўзбекистон Республикаси*

Судьялар олий кенгаши судьяси, ю.ф.н., доцент

Д.Ж.Чориев – *Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси*

Х.М.Турсунов – *Қариш туманлараро иқтисодий суди судьяси, ю.ф.н.*

З.А.Амиров – *Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши*
ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ўқитувчиси (PhD)

Тақризчилар:

К.Рашидов – профессор, юридик фанлари доктори

Г.Юлдашева – профессор, юридик фанлари доктори

Мазкур ўқув қўлланма судьялик лавозимларига номзодлар, судьялар ва суд аппарати ходимларини ўқитишда, суд амалиёти ходимларининг суд ишларини юритишида суд органлари мустақиллигининг асосий принципларидан фойдаланиш ва унга амал қилиш, халқаро конвенцияларлардан фойдаланишда қулайликлар яратиш ҳамда уни қўллаш кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда, Ўзбекистон Республикаси барча юридик ва жисмоний шахсларининг ҳуқуқлари мамлакат ичида ва ташқарисида судлар томонидан ҳимояланишида ҳамда мамлакатда яшаб, фаолият юритиб келаётган чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишида юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш учун илмий-амалий қўлланма сифатида тайёрланган.

Ўқув қўлланма 5A240121 – Суд фаолият(фаолият турлари бўйича) судьялар ва суд аппарати ходимлари, судьялик лавозимларига номзодлар, адвокатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ва ҳуқуқшунослик соҳасига қизиқувчи барча китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN _____

© Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, 2022

Сўз боши

Замонавий жамиятнинг бош мақсади бўлган демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, адолат қарор топишида суд органлари конституция ва халқаро нормаларга таяниши шарт. Нима учун, деган ҳақли савол туғилади.

Биринчидан, конституция – давлатчиликнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб, кадриятлар тизими, хусусан, инсоннинг яшashi ва фаолият кўрсатиши билан боғлиқ фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини ўзида мужассамлаштиради. Унда жамият тараққиётининг энг муҳим тамойиллари белгиланади.

Иккинчидан, бирон-бир давлат ёки жамият фақат ўзининг қобиғига ўралиб, ташқи дунёдан ажралиб, халқаро ҳамжамият билан интеграцияга кирмасдан тараққиётга эриша олмайди. Интеграцияга киришиш эса, халқаро ҳуқуқнинг субъектлари томонидан умумэтироф этилган нормалар ва қоидаларнинг устунлигини тан олишни тақоза этади.

Сизга тақдим этилаётган мазкур ўқув қўлланмада мамлакатимиз суд органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ва бу бўйича суд ҳужжатларининг намуналари ўз аксини топган.

Ўқув қўлланма асосан 4 та бобдан иборат бўлиб, уларда халқаро ҳуқуқ ва судлар фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатлари, инсон ҳуқуқлари – халқаро ҳуқуқ – Конституция ва суд ҳокимиятининг ўзаро боғлиқлиги, Конституция ва халқаро нормаларни суд амалиётида қўллашга доир миллий тажриба ҳуқуқий ёндашувлар асосида қиёсий таҳлил этилади.

Унда алоҳида қайд этилганидек, суднинг қарори Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартнома ва конвенцияларга зид келмаслиги лозим. Чунки, суд давлат номи билан иш юритувчи муҳим орган ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан суд қарорини (ҳукмини) низога давлатнинг ёндашуви натижаси, деб қараш ўринли бўлади.

Аҳамиятлиси, ушбу ўқув қўлланмада меҳнатга оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жазо қўллаш, ҳақорат қилганлик учун жиноий жазо тайинлаш, мажбурий меҳнатга жалб этганлик учун маъмурий жазо қўллаш, болани ўз тарбиясига олиш, иш ҳақини ундириш ва бошқа жуда кўплаб низолар юзасидан суднинг барча инстанциялари, жумладан биринчи суд инстанцияларидан тортиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг турли судлов ҳайъатлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари намуна сифатида келтирилган.

Ушбу суд ҳужжатларида мамлакатимиз томонидан имзоланган бир қатор халқаро Конвенциялар, Пактлар ва Шартномаларда кўрсатиб ўтилган принцип ва нормалар қўлланганлигини кўришимиз мумкин.

Ўқув қўлланманинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, ундан суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва судьялар мақомига оид халқаро стандартларни қамраб олган 10 дан ортиқ муҳим халқаро ҳужжатлар ўрин олган.

Хулоса ўрнида айтганда, ўқув қўлланма судьялар иш фаолиятида ниҳоятда амалий аҳамият касб этиб, конституциявий нормаларни ва халқаро принципларни қўллашда зарур кўникмаларни пайдо қилади. Ва судьяларимизнинг адолат мезонлари асосида қонуний суд ҳужжатларини қабул қилишига кўмакчи бўлади.

I. СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИҚЎЛЛАШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

Судлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларининг қўлланилиши зарурати. Илмий-назарий ёндашувларнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили.....

“Ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқий тизимини бошқа миллий ҳуқуқий тизимлар ва халқаро ҳуқуқ билан боғламасдан ўрганиб бўлмайди. Бундай ҳуқуқий “учбурчак” умумий ҳуқуқий ҳудуд сифатида хизмат қилади. Унда турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзаро таъсирда бўлади, тўқнашади ва биргаликда фаолият кўрсатади. Бундай алоқаларда қонунийлик ва барқарорлик, қарама-қаршилик ва тасодифийлик бор. Уларнинг негизида давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини мустаҳкамловчи умумий интеграция жараёнлари ётади”¹.

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро-ҳуқуқий позицияси, умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини миллий ҳуқуқий тизимда устуворлигини амалда таъминлаш, Ўзбекистонга тегишли халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни бажаришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш, халқаро ҳуқуқ нормаларини судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалда қўллаш механизминини ишлаб чиқиш, халқаро ҳуқуқ соҳаларини ўрганиш каби мавзулар амалий ва назарий аҳамиятга эга. Халқаро ҳуқуқ бўйича диссертация, илмий мақола ва асарларда баён этилган таклифларни умумлаштириш ва амалиёт органларига тақдим этиш тизимини яратиш лозим”².

“Халқаро ҳуқуқ нормалари ўзига хос усулда шаклланади: **биринчидан**, агар миллий ҳуқуқ нормалари бир давлат органлари томонидан қабул қилинса, халқаро ҳуқуқ нормалари

1. Саидов А.Х. Ҳозирги замон асосий ҳуқуқий тизимлари. – Тошкент.: ТДЮИ. 2004. – Б.387.

2. Саидов А.Х. Мустақиллик ва халқаро ҳуқуқ фанининг ривожланиши // Тошкент давлат юридик институти Ахборотномаси. 2006. №4. – Б.142.

халқаро ҳуқуқнинг субъектлари (давлатлар, халқаро ташкилотлар) томонидан яратилади.

иккинчидан, халқаро ҳуқуқ ўз моҳияти билан миллий ҳуқуқий тизимдан фарқ қилади. Агар миллий ҳуқуқ нормалари муайян бир давлатнинг мазмун-моҳияти ва табиатини намоён этса, халқаро ҳуқуқ нормалари умуминсоний ва умумдемократик хусусият касб этади.

учинчидан, халқаро ҳуқуқ ўзининг тартибга солиш объекти билан ҳам ажралиб туради. Агар миллий ҳуқуқ нормалари бир давлат доирасидаги ижтимоий муносабатларни, шу жумладан, чет эл элементи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солса, халқаро ҳуқуқ нормалари, авваломбор, давлатлараро муносабатларни ёки кенгроқ маънода давлатлараро тизим субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ ўз фаолияти кўлами ва воситалари билан ҳам миллий ҳуқуқдан фарқ қилади. Агар миллий ҳуқуқнинг ҳаракати ва унинг қўлланиши муайян бир давлатнинг ижроия ва суд органлари билан боғлиқ бўлса, халқаро ҳуқуқ нормаларининг ҳаракат қилиш механизмида эса ижроия ва суд органлари йўқдир. Халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш давлатлар томонидан бевосита ёки билвосита мажбурлаш орқали амалга оширилади”³.

“Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимига халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари киритилди. Шу зайл Конституция цивилизация ютуқларини, жумладан, башарий кадриятлар тизимини, ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принципларини, инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари ва эркинликларини ўзида мужассам этди.

Ўзбекистон шу йўл билан инсониятнинг юксак ғояларини қабул қилди ва ривожлантирди. Бунда гап миллий ҳуқуқни халқаро ҳуқуқ билан алмаштириш тўғрисида бораётгани йўқ. “Умум эътироф этилган принциплар ва нормалар” тушунчасининг ўзи универсал хусусиятга эга бўлиб, халқаро мулоқотлар қатнашчиси

3. Лукашук И.И. Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари. – Тошкент.: Адолат, 2006. – Б. 24-25.

бўлган давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон томонидан эътироф этилганликни англатади; иккинчидан, миллий ҳуқуқий тизимга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари киритилди.

Конституциянинг Муқаддимасига биноан, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг нормалари, агар давлат ички қонунлари нормалари уларга зид келадиган бўлса, давлат ички қонунлари нормаларига нисбатан устувор эканлиги белгилаб қўйилган. Халқаро шартнома билан миллий қонун ўртасида зиддият аниқланган тақдирда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қонунга эмас, балки халқаро шартномада ёзилган нормаларга амал қилишлари лозим; учинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий принциплар ва нормаларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши эътироф этилди. Судлар ва бошқа давлат муассасалари тегишли халқаро- ҳуқуқий ҳужжатларга бевосита амал қилишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлари ўз-ўзидан унинг миллий ҳуқуқий тизимининг бир қисмига айланади ва тегишлича турли давлат органлари ва судлар томонидан қўлланилиши мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, бу ҳол манфаатдор жисмоний ва юридик шахслар ўзаро низоларни, шунингдек давлат органлари, муассасалар ва ташкилотлар билан юзага келган низоларни ҳал этиш чоғида бевосита инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларига таянишлари мумкин”⁴.

“Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари Конституциявий суд амалиётида қонун ҳамда бошқа норматив ҳужжатларнинг конституциявийлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади”⁵.

Россия Федерациясининг фавқулотда ва мухтор элчиси, хизмат қўрсатган юрист О.Н.Хлестов “XXI асрда халқаро ҳуқуқни

4. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. – Тошкент.: Konsauditinform – Nashr. 2006. – Б.93-94.

5. Саидов А.Х. Сравнительное правоведение. – Тошкент.: Адолат. 1999. – С. 473-474.

демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан бораётган мамлакатлар ички ҳаётига татбиқ этиш жараёни жадаллик билан ривожланишда давом этади. Мазкур жараёнда халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг қандай усул ва йўллар орқали қўлланишига алоҳида эътибор қаратиш зарур”⁶ – деган фикрни илгари суради.

“Суднинг қарори Ўзбекистон Республикасида имзоланган халқаро шартнома ва конвенцияларга зид келмаслиги лозим. Чунки суд давлат номи билан иш олиб борувчи органдир. Суд қарорини (ҳукмини) давлатнинг ёндашуви натижаси деб қараш мумкин. Халқаро-ҳуқуқий меъёрларга риоя қилинмаган ҳолда қабул қилинган суд қарорлари давлатнинг ўзга давлатлар билан муносабати бузилишига, ўзаро низолар келиб чиқишига олиб келиши мумкин. Айти пайтда судларда халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг қўлланилиши халқаро-ҳуқуқий норма таъсирида миллий ҳуқуқ ривожланишига ҳам сабаб бўлади.

Давлат судлари халқаро ҳуқуқ нормасини қўллаш чоғида уларни талқин қилиши ва шу билан бир вақтда ўз давлатида мавжуд бўлган қоидаларни ҳам ҳисобга олиши зарур бўлади. Суд ишга тааллуқли бўлган миллий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ўрганиб, таққослаб, уларни амал қилиш ҳолатларини аниқлаши имплементация жараёнини енгиллаштиради. Қўлланаётган халқаро ҳуқуқ нормасига миллий ҳуқуқда ўз ўрнини эгаллашга ёрдам беради.

Бугунги кунда янги ҳуқуқий тизимнинг шаклланиш жараёни амалга ошяпти; халқаро шартномаларни, халқаро нормаларни қўллаш республика судлари учун бутунлай янги муаммо; судьялар халқаро ҳуқуқ бўйича етарлича малака ва тажрибага эга эмас; бу масалага оид илмий ишлар жуда оз.

Халқаро-ҳуқуқ нормаларининг давлатлар томонидан қўлланилиши ёки қўллаш учун миллий ҳуқуқнинг такомиллашуви, ижро механизмларининг мавжуд бўлиши судлар томонидан халқаро-ҳуқуқий нормаларни тобора кўпроқ қўллашга олиб

7. Хлестов О.Н. Прогнозы развития международного права в XXI веке // Московский журнал международного права. 2001. №2. – С. 21.

келади. Айни пайтда судларда халқаро ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши халқаро-ҳуқуқий норма таъсирида миллий ҳуқуқнинг такомиллашувига ва ривожланишига сабаб бўлади.

Халқаро ҳуқуқ нормалари қанчалик тўлиқ ва аниқ бўлишидан қатъий назар, миллий ҳуқуқ санкцияси бўлмаса, миллий ҳуқуқда қўлланилиши амри маҳол. Ҳар қандай халқаро ҳуқуқ нормаси миллий ҳуқуқда қўлланилиш жараёнида миллий ҳуқуқнинг ёрдамига таянади, чунки миллий ҳуқуқ нуқтаи-назаридан қаралганда, ҳар бир халқаро норма ижроси давлатнинг аниқ органига юклатилган бўлади. Миллий ҳуқуқда қўлланилиши учун халқаро ҳуқуқ нормаси аниқ ифода этилган бўлиши лозим”⁷.

“Судлар томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш миллий ҳуқуқ нормаларини қўллашдан унчалик ҳам фарқ қилмайди, аммо, айни пайтда ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш босқичи куйидагилардан иборат: а) фактик ҳолатларни аниқлаш; б) ҳолатларнинг ҳуқуқий таснифи, яъни улар халқаро ҳуқуқнинг таъсирига тегишлими, йўқми, агар тегишли бўлса, айнан қандай таъсир доирасига тегишлилигини аниқлаш; в) ишга тааллуқли нормаларнинг юридик тавсифи, уларнинг таъсир доираларини, айниқса берилган субъектларга нисбатан таъсир доираларини аниқлаш (махсус ҳуқуқий талқин этиш); г) нормалар мазмунини аниқлаш, яъни умумий шарҳлаш; д) нормаларни берилган ҳолатлар бўйича қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш; е) қабул қилинган қарорни амалга оширишни таъминлаш.

Ҳуқуқшунос олим И.И.Лукашукнинг фикрича “Халқаро шартнома халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида бир томондан келишувни англатса, бошқа томондан, қонуннинг аналогиясидир. Судлар халқаро шартномаларни миллий ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида қўллаши лозим. Шу боис, қонунлар қандай талқин этилса, халқаро шартномалар ҳам ана шундай тартибда ва халқаро ҳуқуқ талаблари асосида талқин этилиши керак”⁸.

7. Маткаримова Г.А. Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон ҳуқуқий тизими. – Тошкент.: ТДЮИ. 2002. – Б.17.

8. Лукашук И.И. Международное право. Общая часть. 2-е изд. – Москва.: Бек. 2001. – С.210-211.

Шунингдек, у халқаро ҳуқуқнинг давлатлар миллий ҳуқуқий тизимига бўлган таъсири консерватив руҳда кучайиб бораётганлиги ҳамда деярли барча конституцияларда халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги ва улар асосида қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши тан олинганлигини таъкидлайди⁹.

Дарҳақиқат, ҳар қандай миллий ҳуқуқий тизим ҳозирги замон талабларидан келиб чиқувчи илғор, мукамал нормаларни яратишга интилади. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликка сингдирилиши халқаро ҳуқуқ ва ички қонунчилик тизимида ўзаро уйғунликни таъминлаш вазифасидан келиб чиқади. Бугунги кунда катта тизимга эга бўлган, халқаро муносабатларнинг барча жабҳаларини ақс эттирувчи халқаро ҳуқуқ нормаларини ички қонунчиликка қўллаш, энг аввало, уни мукамаллаштиришга хизмат қилади¹⁰.

Бирок, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, республиканинг ақсарият инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалари кўп ҳолларда ҳаракатсиз қолмоқда. Халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг қўлланилиши муҳимлиги ва зарурлигига қарамасдан судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар буни эсдан чиқаришади. Бунинг энг катта сабабларидан бири эса судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг халқаро ҳуқуқ нормаларини билмаслиги ва қўллаш механизмларининг мавжуд эмаслигидир¹¹.

Ваҳоланки, халқаро ҳуқуқ нормасининг давлат ички ҳуқуқида ҳаракатини таъминлашда суднинг алоҳида ўрни бор. Суд

9. Лукашук И.И. Взаимодействие международного и внутригосударственного права в условиях глобализации // Журнал российского права. 2002. №3. – С. 120.

10. Саидова Л. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига халқаро нормаларни имплементация қилишнинг баъзи бир жиҳатлари. Қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари. Илмий-амалий семинар материаллари // Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Тошкент. 2006. – Б. 105.

11. Нурматов Т.А. Международные договоры в правовой системе Кыргызской Республики (теоретико-правовой анализ): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Бишкек: 2009. – С. 18.

халқаро ҳуқуқ нормаларини, айниқса, инсон ҳуқуқларига оид нормаларни татбиқ этиш устидан суд назоратини олиб боради¹². Қолаверса, умум эътироф этилган принципларда, авваломбор, инсонларнинг табиий ҳуқуқлари кафолатланган бўлиб, уларни ҳимоя қилиш вазифаси судлар зиммасидадир¹³.

А.Ниёзов ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Халқаро-ҳуқуқий меъёрларни миллий қонунчиликда амалга ошириш суд фаолиятининг асосий вазифаларидан. Чунки, инсон ҳуқуқларига тааллуқли халқаро-ҳуқуқий меъёрларни қўллаш устидан назоратни суд таъминлайди. Алоҳида ҳолатларда суд халқаро- ҳуқуқий меъёрларни шарҳлаб беради, аниқлайди”¹⁴. Ушбу ўринда Америкалик юрист, ташқи сиёсат бўйича аналитик, сиёсатшунос Анн-Мари Слотер қуйидаги фикрларни илгари суради – “Давлат судлари халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш ва талқин қилиш билан шуғулланмас экан, шубҳасиз, уларнинг таъсири кам бўлади”¹⁵.

Дарҳақиқат, “Агар миллий судлар қарор қабул қилишда халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланса, халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқий тизимдаги ҳаракати ҳам кескин суръатда самарали кечади”¹⁶.

Халқаро-ҳуқуқий нормаларни мамлакат ички қонунчилиги-га имплементациялаш самарадорлиги аксарият ҳолларда суд амалиётидан келиб чиқиб белгиланади. Фақат судгина халқаро ҳуқуқ нормаларини амалда татбиқ этилишини таъминловчи асосий орган ҳисобланади¹⁷ ва ҳокимиятнинг алоҳида органи

12. Алексеева Л.Б. Жуйков В.М. Лукашук И.И. Международные нормы о правах человека и применение их судами Российской Федерации. – Москва.: Права человека. 1996. – С. 17.

13. Нешатаева Т.Н. Суд и общепризнанные принципы и нормы международного права // Вестник ВАС РФ. №3. 2004. – С.137.

14. Ниёзов А. Халқаро ҳуқуқий меъёрлар: улар судлар томонидан қандай қўлланилмоқда? // Ҳаёт ва қонун. 2004. №2. – Б.48.

15. Slaughter, Anne-Marie. A Typology of Transjudicial Communication, in International law decisions in national courts. Ed. By Thomas M. Frank. Gregory H.Fox. Irvington-on-Hudson, New York, Transnational Publishers, Inc. 1996. – P.60.

16. Қаранг.: Мингазов Л.Х. Эффективность норм международного права. Теоретические проблемы. Казан. 1999. – С. 232-233.

17. Danilenko G.M. Implementation of International Law in CIS States: Theory and Practice // European Journal of International Law. 1999. №10. – P. 69.

сифатида халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш орқали давлатнинг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини реал жиҳатдан бажаришда иштирок этади”¹⁸.

“Халқаро-ҳуқуқий меъёрларни судларда қўллаш миллий ҳуқуқий тизимга катта таъсир ўтказди. Судларнинг қарори маълум даражада ҳуқуқий онгнинг шаклланишига, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга таъсир қилади, чунки судлар амалдаги меъёрларни жамлаб, аниқлаштириб, миллий ҳуқуқда қўллаш бўйича андозаларни ишлаб чиқади. Бу эса ўз навбатида халқаро ҳуқуқнинг ривожланишига олиб келади”¹⁹ дея таъкидлайди Г.А.Маткаримова.

Асосий муаммо конвенциялар ёки турли халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва келишувларини ратификация қилишдангина иборат бўлмай, балки уларнинг ижроси, миллий қонунчиликни мувофиқлаштириш, фуқароларнинг хабардорлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан қарор чиқаришда халқаро ҳужжатларнинг қўлланилиши билан боғлиқдир²⁰. Демак, халқаро ҳужжатларнинг ратификация қилиниши муаммонинг тўлиқ ечими эмас экан. Муаммонинг ечими юқорида таъкидланганидек, биринчидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатларнинг миллий қонунчиликка сингдирилиши бўлса, иккинчидан уларнинг судлар томонидан амалда қўлланилишидир.

Халқаро ҳужжатларнинг миллий қонунчиликка сингдирилиши ва уларнинг судлар томонидан амалда қўлланилиши борасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист М.Х.Рустамбаев фикрлари – Ўзбекистонда қўлланилиши учун умум эътироф этилган халқаро шартномаларнинг меъёрлари мамлакатимиз қонунчили-

18. Рациборинская К.Н. Применение международного права Российскими судами // Международное публичное и частное право. 2004. №1. – С. 26.

19. Маткаримова Г.А. Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон ҳуқуқий тизими. – Тошкент.: ТДЮИ. 2002. – Б.65.

20. Насырова Н. Правовые нормы международных организаций и национального законодательства в сфере международных трудовых отношений // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2006. №1. – С.74.

гига, жумладан кодексига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар шаклида киритилиши лозим. Бу шундан келиб чиқадики, биринчидан, кўпгина халқаро шартномалар (конвенциялар) фақат иштирокчи давлатларнинг у ёки бу турдаги жиноятлар билан курашиш ниятинигина билдиради; иккинчидан, агар халқаро шартнома у ёки бу ижтимоий хавфли қилмишнинг белгиларини аниқлаган ҳолда ҳам, у одатда, тегишли жазони белгилаб бермайди; учинчидан, мабодо, жазони кўрсатган ҳолда ҳам шартнома унинг қўлланиш чегаралари ва шартларини кўрсатмайди. Ҳатто, Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган халқаро шартномалар қоидалари ҳам амалдаги жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш киритмасдан туриб қўлланилмайди²¹.

Бундан ташқари, шуни унутмаслик керакки, миллий ҳуқуқий тизимга халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилишга оид қоидаларнинг киритилиши уларнинг давлат ҳудудида тўла амал қилишини англатмайди. Ушбу қоидалар халқаро мажбуриятлар асосида тўғри квалификация қилинишини тақозо этади. Шунинг учун халқаро ҳуқуқни ижро этувчи ва қўлловчилар, айниқса, судлар халқаро ҳуқуқни қандай тушуниш ва талқин этишдан хабардор бўлиши зарур²². Қолаверса, бунинг учун судьялар, адвокатлар ва давлат хизматчиларини халқаро ҳуқуқ бўйича профессионал жиҳатдан тайёрлаш, уларнинг билими ва малакасини мунтазам ошириб бориш лозим²³.

Албатта, судларнинг хабардор қилиниши ва малакаси ошириб борилиши мақсадга мувофиқ. Бирок, бизнингча уларга йўналиш бериш ва наъмуна кўрсатиш энг долзарб масала саналади. Ушбу ўринда йўналиш берувчи ва наъмуна кўрсатувчи бош орган – бу Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судидир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий

21. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Тошкент.: Yuridik adabiyotlar publish. 2021. – Б. 11.

22. Strategy for an Era Application of International law – Action Plan adopted by the UN Senior Management Group and Approved by the UN Secretary-General, June 2000.

23. Қаранг.: Global Judges Symposium on Sustainable Development and the Role of Law. Johannesburg, South Africa 19 august 2002.

суди Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинадиган халқаро ҳужжатлар, давлатлараро келишувлар ва бошқа ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди. Шубҳасиз, давлат ичидаги ҳар қандай норматив ҳужжат конституция тамойилларига мос бўлиши шарт. Борди-ю бирор бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциявий суднинг суд муҳокамаси натижасида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ эмас деб топилса, бу ҳақда тегишли қарор чиқарилади ва ўша ҳужжат ёки унинг тегишли қисми бекор қилинади. Бундай ҳужжатни қабул қилган давлат органи Конституциявий суднинг қарори асосида ўз ҳужжатини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштириши шарт.

Ушбу конституцион қоидалар суднинг жамият ва давлат ҳаётида тутган ролини анчагина оширади, унга инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида ўта муҳим вазифани юклайди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистоннинг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларига сўзсиз риоя қилиш мамлакатимиз судларининг бош вазифаларидан биридир²⁴.

Масалан, рус олими В.Д.Зорькин Конституциявий суд томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши муҳимлигини қуйидагича асослайди. “Конституциявий суд томонидан халқаро ҳуқуқ нормалари, айниқса “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида”ги Европа конвенциясининг қўлланилиши Россия ҳуқуқининг ривожланиши ҳамда умумевропа ҳуқуқининг бир қисмига айланишида муҳим роль ўйнайди. Миллий суд органи сифатида Россия Федерацияси Конституциявий суди фаолияти миллий ҳуқуқий тизим, миллий қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида”ги Европа конвенциясига мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда”²⁵.

24. Юлдашева Г. Халқаро ҳуқуқий нормаларнинг Ўзбекистон Республикаси суд тизими томонидан қўлланилиши. – Тошкент.: ТДЮИ. 2004. – Б. 15.

25. Зорькин В.Д. Конституционный Суд России в европейском правовом поле // Журнал Российского права. 2005. № 3. – С. 9.

Шубҳасиз, Суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишда Конституциявий суд Конституциядаги энг устувор йўналишларни тавсия бериши керак. Булар нималардан иборат:

1

демократик ҳуқуқ ижодкорлиги;

2

амалда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган тизимни яратишга бошчилик қилиш;

3

халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонун ҳужжатлари билан бир хилда ижро этилиши таъминланишини кузатиб бориш²⁶.

Профессор Леа Брилмайер ўз илмий қарашларида Америка судлари кўп ҳолларда давлатлар ўртасидаги горизонтал низо-ларга нисбатан давлат ва индивид муносабатидан келиб чиқадиган вертикал низолар бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаётганлигини таъкидлайди²⁷. Суд амалиёти учун халқаро ҳуқуқнинг моҳияти ва аҳамиятини шундан ҳам билса бўладики, тараккий этган давлатларнинг фуқаролик ёки жиноят ишлари бўйича судлари нафақат халқаро хусусий ёки жиноят ҳуқуқи-га оид, балки аксарият ҳолларда халқаро оммавий ҳуқуқга тегишли масалаларни ҳам ҳал этишга дуч келади²⁸.

Ўзбекистоннинг халқаро шартномаси устуворлиги республика миллий ҳуқуқига нисбатан нафақат шартнома ва қонун ўртасида зиддият келиб чиққанда, балки давлат ички ҳужжати мавжуд бўлмаган ҳолатда, кучга кирган республика халқаро шартномасининг предмети бўлган муносабатни тартибга солиши билан ҳам белгиланади²⁹.

26. Олимжонов Х. Суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофа-за қилувчи органлар билан матбуот ўртасидаги муносабат // Ўзбекистон Республика-си Конституциявий судининг Ахборотномаси. №9. 2004. – Б.65.

27. Brilmayer L. International Law in American Courts: A Modest Proposal / Yale Law Journal. Vol. 100.

28. Қаранг.: Мартенс Ф.Ф. Современное международное право цивилизованных народов. Т.1. – Москва.: Юридический колледж МГУ. 1996. – С. 150-151.

29. Умарухонов И.М. Применение международных договоров судами Республи-ки Узбекистан // Судебная защита прав человека: проблемы теории и практики. – Ташкент.: ТГЮИ. 2003. – С. 82.

Араб мамлакатлари конституциявий қонунчилигида, ўз ташқи сиёсатининг асосларини аниқлашда муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола қилишга интилиш ёки бирон-бир халқаро муаммони ҳал қилишда халқаро принципларга мурожаат қилиш ҳоллари кузатилмоқда. Конституцияларда БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси каби халқаро ҳужжатларнинг мақсадлари ва принципларини далил қилиб кўрсатиш, баъзи Конституцияларда эса ирқий камситишга қарши кураш олиб бориш зарурлигини кўрсатиш ҳоллари учрамоқда. Конституциялар матнида акс эттирилган араб мамлакатлари ташқи сиёсатининг асосий принциплари, асосан халқаро ҳуқуқ умумий принципларига мувофиқ келади³⁰.

Қуйида халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш ва халқаро ҳуқуқ принципларига амал қилишда аниқлик киритиб олиниши лозим бўлган масалалар хусусида олимларимиз томонидан илгари сурилган фикрларга тўхталиб ўтамыз.

Д.Ю. Саттаров: Халқаро ҳуқуқнинг қайси принциплари Ўзбекистон миллий ҳуқуқида ўз ўрнини эгаллаши лозим?

➡ халқаро ҳуқуқнинг асосий ва бошқа принциплари Ўзбекистон миллий ҳуқуқининг иерархиясида қандай ўрнини эгаллаши лозим?

➡ халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг мутаносиблиги қандай белгиланиши лозим?

➡ халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари миллий судлар ва бошқа давлат органлари томонидан қандай қўлланмоғи лозим?³¹.

Т.Э. Арипов: Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган

30. Юнусов А.Л. Халқаро ҳуқуқнинг араб доктринаси: Автореф. дисс. ... ю.ф.н. – Тошкент.: ЖИДУ. 2010. – Б.19.

31. Саттаров Д.Ю. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари БМТ Халқаро суди фаолиятининг асоси сифатида: Автореф. дисс. ... ю.ф.н. – Тошкент.: ЖИДУ. 2008. – Б.14.

нормалари устуворлиги тушунчаси илмий жиҳатдан тадқиқ этишни талаб этади. Ушбу тоифадаги нормаларни қўллашнинг амалий жиҳатларини назарий томондан ёритиб бермасак, уларни нотўғри талқин қилишимиз ва ҳуқуқни қўллаш жараёнида муайян қийинчиликларга дуч келишимиз мумкин³².

Ҳ.М. Турсунов: Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари Конституцияда умумий тарзда тан олинган, шунинг учун уларнинг миллий ҳуқуқий тизимда ўрни белгиланмаган деб бўлмайди. Сабаби, биринчидан, гарчи, аксарият давлатлардан фарқли ўларок, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларининг устуворлиги умумий тарзда тан олинган бўлса-да, бугун халқаро ҳуқуқ нормалари, унинг асосий принциплари миллий қонунчилик тизимини янгилаш ва такомиллаштиришнинг реал устунига айланди, иккинчидан, Конституция халқаро ҳуқуқда умум эътироф этилган принциплар ва нормаларнинг шунчаки устуворлигини эмас, балки уларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ҳаракатини ҳам бирдек кафолатлаган, учинчидан, Ўзбекистон Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва тамойиллари устуворлиги тан олинган экан, ушбу қоида унинг Муқаддимаси ёки моддасида белгиланганлигидан қатъий назар, олий юридик кучга эга ҳисобланади. Чунки, Конституция ўз ҳуқуқий табиатига кўра, мамлакат ҳудудида тўғридан-тўғри ҳаракатда бўлувчи асосий қонундир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган “халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларининг устуворлиги” принципи ҳар қайси давлат органи, жумладан, судлар зиммасига ҳар бир масалага (низога) миллий ва халқаро-ҳуқуқий, умум тан олинган принциплар нуқтаи-назаридан ҳам баҳо беришни талаб этади. Чунки, халқаро ҳуқуқ нормалари билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиққан муайян низони нотўғри ҳал этиш халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойилларининг ҳам бузилишига сабаб бўлиши мумкин³³.

32. Арипов Т.Э. О некоторых аспектах имплементации норм международного права в законодательство Республики Узбекистан // Халқаро муносабатлар. 2002. №2. – Б.61.

33. Турсунов Ҳ.М. Халқаро ҳуқуқ нормаларини судларда қўллаш муаммолари. Автореф. дисс. ... ю.ф.н. – Тошкент.: ТДЮИ. 2011.

А.С. Турсунов: Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари устуворлиги тан олинганлиги ўзининг хусусияти ва шаклига кўра олий юридик кучга эга принцип ҳисобланади³⁴.

Л.Саидова: Ички қонунчилигимизда халқаро шартномаларни қўллаш Конституциядаги халқаро ҳуқуқнинг устуворлик қоидасидан келиб чиқар экан, Олий Мажлис халқаро шартномаларни қонун билан тасдиқлаши, демак у тўғридан-тўғри қўлланиши мумкин деган хулосани беради³⁵. Аниқроғи, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида” қонунининг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ халқаро шартномани ратификация қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисида қонун қабул қилиш орқали амалга оширилади” деб, белгилаб қўйилган³⁶.

Г.А. Маткаримова: Барча қонунчилик ҳужжатлари Конституция мазмунидан келиб чиқиши керак. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Муқаддимасида “халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги тан олган ҳолда” дейилгани халқаро шартномалар миллий ҳуқуқда тўғридан-тўғри қўлланилади, деган гап эмас. Чунки, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва бошқа норматив ҳужжатлар орасида катта фарқ бор. Бундан ташқари, юқоридаги ибора Конституциянинг алоҳида моддасида эмас, Муқаддимасида берилган³⁷.

34. Турсунов А.С. Конституционные основы внешней политики Республики Узбекистан. – Ташкент.: Фан ва технология. 2008. – С.67.

35. Саидова Л. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига халқаро нормаларни имплементация қилишнинг баъзи бир жиҳатлари // Қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари. Илмий-амалий семинар материаллари. Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Тошкент.: 2006. – Б. 107.

36. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 06.02.2019 йилдаги ЎРҚ-518-сон.

37. Маткаримова Г.А. Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон ҳуқуқий тизими. – Тошкент.: ТДЮИ. 2002. – Б.35.



Юқорида билдирилган фикрларга қарши ўлароқ баъзи олимларимиз қуйидаги фикрларни билдириб ўтганлар.

Н.Нугманов: Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунлардан устуворлигини тан олувчи махсус модданинг йўқлиги, шубҳасиз, муаммодир ва уни Конституцияга тегишли қўшимча киритиш билан ҳал этиш лозим³⁸.

В.Хошимов: Халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги тамойили Конституциянинг “Муқаддима”сида белгиланган бўлса-да, асосий қисмида халқаро шартноманинг ҳуқуқий кучи ўз аксини топмаган. Шунинг учун ҳам баъзи олимлар ва мутахассислар томонидан “Муқаддима”даги халқаро ҳуқуқ устуворлигининг юридик кучи шубҳа остига олинмоқда³⁹.

Б.И. Исмаилов: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддаси судларга одил судловни амалга оширишда фақат қонунга бўйсунишини белгилаган. Фактик жиҳатдан ушбу конституциявий норма судьялар томонидан халқаро ҳуқуқ нормалари бевосита қўлланилмаслигини англатади⁴⁰.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида миллий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқ ўртасидаги муносабатлар муаммоси ҳали-ҳануз ўз ечимини топгани йўқ. Қонунчилик амалиётида халқаро ҳуқуқнинг умумий қоидалари устуворлигидан ташқари халқаро-ҳуқуқий нормаларни татбиқ этишни кўзда тутувчи алоҳида норма мавжуд эмас⁴¹.

38. Нугманов Н. Применение международно-правовых норм по правам человека в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент.: УМЭД, 2005. – С. 13.

39. Хошимов В. Халқаро ҳуқуқ меъёрларини миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг айрим масалалари // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2006. №3. – Б.55.

40. Исмаилов Б.И. Правовые основы системы ювенальной юстиции. – Ташкент.: ТГЮИ. 2002. – С.63.

41. Исмаилов Б.И. Реализация рекомендаций тематических комитетов ООН в законодательстве Республики Узбекистан // Ҳуқуқ, Право.Law. январь-март, 2005. – С. 70-72.

II. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ СУД ҲОКИМИЯТИ ОРҚАЛИ ҲИМОЯСИ

Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини қўллашга оид миллий, минтақавий ҳамда универсал халқаро ҳужжатлар нормалари...

КЎЧИРМА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

13-модда. Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

24-модда. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

25-модда. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмас.

26-модда. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйикқа дучор этилиши мумкин эмас.

27-модда. Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши

ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

43-модда. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

44-модда. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

45-модда. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

46-модда. Хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлидирлар.

48-модда. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

53-модда. Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

54-модда. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўрикланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

64-модда. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонун

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни

4-модда. Суднинг асосий вазифалари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, халқаро шартномаларида, шунингдек инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда кафолатланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси⁴²

12-модда. Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиб, уй-жойи ва дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

42. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1991 йил 30 сентябрдаги 366-X11-сонли қарори

23-модда. Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

“Ҳуқуқнинг устуворлиги ва барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Йоханнесбург принциплари⁴³

Миллий, минтақавий ёки универсал даражада одил судловни олиб боровчилар халқаро ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро мослигини, имплементациясини ҳамда ижро этилишини таъминлашда ҳал қилувчи ўринда туради. Судьялар миллий ҳуқуқ доирасида халқаро шартномаларни тўғридан-тўғри қўллашга ўтишлари лозим.

“Судьяларнинг ҳуқ-атвориға оид” Бангалор принциплари⁴⁴

Судья инсон ҳуқуқлари бўйича нормалар мустаҳкамланган халқаро қонунчиликдан, хусусан халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатлардаги ўзгаришлардан доимо хабардор бўлиши керак.

“Одил судлов мустақиллиги тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси”

Судьялар халқаро конвенциялар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги меъёрлар белгиланган бошқа воситалар ҳақида хабардор бўлишлари ҳамда уларни миллий конституция ва қонунларда кўзда тутилган имкониятлар даражасида фойдаланишга ҳаракат қилишлари керак.

Ушбу принциплар ва андозалар судлов вазифаларини бажарувчи барча шахслар, жумладан халқаро судьялар, кичик амалдор (ассессор)лар, арбитраж суди судьялари, жамоат қораловчилари ва прокурорлар орасида ҳам кенг тарқалиши керак.

43. Johannesburg Principles on the Role of Law and Sustainable Development // Zanger, 2002. –№9. – P.9-11.

44. Электронный ресурс. Режим доступа: [https://www.unhchr.ch/html/menu3/b_h_comp34.htm] свободный.

“Давлатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига оид халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисида”ги декларация

“Ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни сидқидилдан бажариши керак. Ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқ, халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни сидқидилдан бажариши лозим”.

“БМТнинг балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликни олдини олишга қаратилган дастурий принциплари” (Ар-Риёд дастурий принциплари)⁴⁵

Мазкур Дастурий принциплар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Бола ҳуқуқлари декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенциянинг кенг қўламли доираси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юриштишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари) ва барча болалар ҳамда ўсмирлар ҳуқуқлари, манфаати ва фаровонлигига тааллуқли бошқа ҳужжатлар ва нормалар мисолида талқин этилади ва қўлланилади.

“Меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқ ва принциплар тўғрисида”ги декларация

Мажбурий ва зўраки меҳнатнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш меҳнат соҳасидаги фундаментал принцип ҳисобланади⁴⁶.

45. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 271.

46. Халқаро меҳнат ташкилотининг 1998 йил қабул қилинган ва 2022 йил ўзгартиришлар киритилган “Меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқ ва принциплар тўғрисида”ги декларациясининг 2-моддаси / https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/--declaration/documents/normativeinstrument/wcms_716594.pdf

“Одил судлов ва жиноятчилик тўғрисида”ги Вена декларацияси

Биз шуни тан оламизки, БМТнинг жиноятчиликни олдини олиш ва одил судловга оид нормалари ва стандартлари жиноятчиликка қарши курашда муҳим ўрин тутди. Биз жиноятчиликни олдини олиш ва жиний судлов бўйича БМТнинг стандартларини миллий қонунчиликка тадиқ этиш ва амалиётда қўллашга эришишга ҳаракат қиламиз⁴⁷.

Европа Кенгашининг Вазирлар қўмитасининг қарори⁴⁸

Конвенцияда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлар, авваломбор, миллий ҳуқуқ даражасида ҳамда миллий органлар томонидан қўллаш орқали ҳимоя қилиниши керак.

“Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида”ги Вена конвенцияси

26-модда. Ҳар бир шартнома *pacta sunt servanda* тамойилига мувофиқ, унинг қатнашчилари учун мажбурий ҳисобланади ва сидқидилдан бажарилиши керак⁴⁹.

“Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт⁵⁰

2-модда. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз ҳудудидаги ва ўз юрисдикциясида бўлган шахсларнинг мазкур Пактда эътироф этилган ҳуқуқларини ҳеч бир айирмачиликсиз, жумладан, ирки, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий

47. БМТнинг Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича 2000 йил бўлиб ўтган 10чи Конгрессида қабул қилинган “Одил судлов ва жиноятчилик тўғрисида”ги Вена декларациясининг 7 моддаси / <https://www.un.org/ruleoflaw/files/4r3e.pdf>

48. Применение Европейской конвенции о защите прав человека в судах России / Под ред. А.Л.Буркова. – Екатеринбург: Уральского университета, 2006. – С. 130-147.

49. БМТнинг 1969 йилда қабул қилинган “Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида”ги Вена конвенциясининг 26 моддаси / https://legal.un.org/ilc/texts/instruments/english/conventions/1_1_1969.pdf

50. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 127-1-сонли қарори.

ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкый аҳволи, туғилиши ёки ўзга ҳолатидан қатъи назар ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади.

6-модда. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди.

9-модда. Ҳар бир инсон озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Ҳзч ким қонун билан белгаланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Ҳибсга олинаётган ҳар бир кишига ҳибсга олиш вақтида қамалиш сабаблари айтилади ва дарҳол унга қўйилган айб маълум қилинади.

Жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиш ҳуқуқига эга. Иши судда ҳал этилиши кутилаётган шахсларни ҳибсда тутиб туриш умумий қоида бўлмаслиги, бироқ озод қилиш, судга келиш, судда иш кўриб чиқиладиганда унинг ҳар қандай босқичига келиш кафолатларини беришга, зарур ҳолларда ҳукми ижро этиш учун келишга боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

17-модда. Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашиш, унинг уй-жой дахлсизлигига ёки ёзишмалари сирлари дахлсизлигига, ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилиш ва унинг ор-номуси ва шаънига тажовуз қилиниши мумкин эмас.

Барча кишилар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир камситишсиз қонун орқали тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

26-модда. Барча кишилар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир камситишсиз қонун орқали тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

“Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги⁵¹ халқаро Пакт

7-модда. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг адолатли ва қулай шарт-шароитга эга бўлган меҳнат қилиш ҳуқуқини, жумладан барча меҳнаткашларга тенг қийматга эга меҳнат учун ҳеч бир тафовутсиз адолатли иш ҳақи ва тенг даромад бериши лозим.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция⁵²

1-модда. Ушбу конвенциянинг мақсадлари учун 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай инсон зоти, агар болага нисбатан қўлланидиган қонун бўйича у эртароқ балоғатга етмаган бўлса, бола ҳисобланади.

3-модда. Болаларга нисбатан барча хатти-ҳаракатларда, улар ижтимоий таъминот масалалари билан шуғулланувчи давлат ёки хусусий муассасалар, судлар, маъмурий ёки қонун чиқарувчи органлар томонидан содир этиладими-йўқми, бундан қатъий назар, боланинг манфаатлари яхшироқ таъминланишига биринчи даражали эътибор берилади.

9-модда. Иштирокчи давлатлар бола ўз ота-онасидан уларнинг хоҳишларига зид равишда айрилиб қолмаслигини таъминлайдилар, ваколатли органлар суд қарорига биноан қўлланган қонун ва тартиб-русумга мувофиқ бундай айрилиш боланинг энг яхши манфаатлари йўлида зарур деб топган ҳолатлар бундан мустаснодир. Бундай ажрим, масалан, ота-она болага шафқатсизлик билан муносабатда бўлган ёки у ҳақда ғамхўрлик қилмай қўйган ёхуд ота-она алоҳида яшаётган ҳамда бола яшайдиган жойга нисбатан қарор қабул қилиш зарурияти пайдо бўлган у ёки бу аниқ ҳолатда зарур бўлиши мумкин.

51. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1994 йил 31 августдаги 126-1-сонли қарори.

52. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-X11-сонли қарори.

19-модда. Иштирокчи давлатлар болани жисмоний ва рухий зўравонликнинг, ҳақоратлаш ва суиистеъмолликлар, ғамхўрлик кўрсатмаслик ёки бепарволик билан муомалада бўлиш, қўпол муомалада бўлишдан ҳимоялаш мақсадида жамики зарур қонуний, маъмурий, ижтимоий ва маърифий чора-тадбирларни кўриши лозим.

“Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция⁵³

Иштирок давлатлар зиммасига хотин-қизларнинг камситадиган бирон бир хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан тийилиш, давлат органлари ва муассасалари ушбу мажбуриятга мувофиқ фаолият кўрсатишларига кафолат бериш, хотин-қизларнинг иш билан банд бўлиш соҳасидаги ҳуқуқлари камситилишини бартараф этиш, барча инсонларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш мажбурияти юклатилган.

Иштирокчи давлатлар эркаклар билан тенглик асосида аёлларнинг ҳуқуқлари юридик жиҳатдан ҳимояланишни ўрнатиш, ваколатли миллий судлар ва давлат муассасаларининг ёрдамида хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишига қарши уларнинг самарали ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-конвенцияси⁵⁴

26-модда. Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатга ноқонуний жалб қилиш жинойий тартибда таъқиб қилиниши ҳамда ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси қонунда кўрсатилган санкцияларнинг чинакам самарадорлигини ва уларга қатъий риоя қилинишини таъминлаши шарт. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси уни ўз

53. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995-йил 6 майдаги 87-И-сонли қарори.

54. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 30 августдаги 492-1-сонли қарори.

суверенитети остида бўлган ҳудудда ёки юрисдикциясида қўллашга мажбур.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-конвенцияси⁵⁵

Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатни тугатиш ва унинг ҳар қандай шаклларини ишлатмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади

“Эркак ва аёл меҳнаткашлар учун тенг муомала ва тенг имкониятлар тўғрисида”ги 156-конвенция⁵⁶

9-модда. Ушбу Конвенция қонунчилик ёки низомлар, коллектив шартномалар, корхонанинг ички меҳнат тартибот қоидалари, арбитраж қарорлари, суд қарорлари ёки шу усулларнинг жамини қўшиш воситасида ёки миллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда миллий амалиётга тўғри келадиган бошқа исталган усулда амалга оширилиши мумкин.

55. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 498-1-сонли қарори.

56. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: Адолат, 2004. – Б. 130.

БМТ қўмиталарининг Ўзбекистон судлари томонидан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини қўллаш бўйича тавсиялари.....

БМТнинг Аёлларга нисбатан ирқий камситишларни тугатиш қўмитасининг тавсияси:

“Қўмита иштирокчи давлатдан аёлларнинг мақомини ошириш ва гендер тенглигини таъминлашга қаратилган барча зарур чораларни кўришни ҳамда ҳокимиятнинг барча тармоқлари, суд органлари Конвенциядан етарли даражада хабардор бўлиши ва унинг қоидаларини барча қонунларнинг, суд қарорларининг асоси сифатида қўллашни сўрайди. Шунингдек, қўмита иштирокчи давлатни Конвенция ва тақдим этилган тавсиялар ҳамда тегишли қонун ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд тизимида профессионал кадрлар тайёрлаш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилишига чақиради”⁵⁷.

“Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт қоидаларининг давлатлар судлари томонидан татбиқ этилиши борасида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг тавсияси:

“Пактда кафолатланган “барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир”, “жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар қандай киши қонунга мувофиқ айби исботланмагунча бегуноҳ деб саналиш ҳуқуқига эга”, “ҳибсга олинаётган ҳар бир кишига ҳибсга олиш вақтда қамалиш сабаблари айтилади ва дарҳол унга қўйилган айб маълум қилинади”, “озодликдан маҳрум этилган барча шахслар инсонларча муомала қилиниши ва инсон шахсига хос бўлган қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга” каби нормалар давлатлар судлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан лозим даражада бажарилмаяпти”⁵⁸.

57. CEDAW/C/UZB/Q3/ADD.1.

58. CCPR/C/GC/32.

БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши
“Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги
ҳалқаро Пакт қоидаларининг Ўзбекистонда
бажарилиши бўйича тавсияси:

“Қўмита шуни камчилик сифатида таъкидлайдики, миллий судлар томонидан қабул қилинган суд ҳужжатларида Пакт қоидаларига ҳавола қилинганлик амалиёти мавжуд эмас”⁵⁹.

“Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги
ҳалқаро Пакт қоидаларининг бажарилиши бўйича
БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг тавсияси:

“Қўмита шуни таъкидлайдики, халқаро шартномалар тўғрисидаги қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси иштирокчи ҳисобланган халқаро шартномалар тўғридан-тўғри татбиқ этилиши ва қўлланилиши керак. Гарчи, халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуқдан устувор деб тан олинсада, ҳали-ҳануз Пакт қоидаларидан тўла хабардорлик ва уларни амалиётда қўллаш бўйича бўшлиқлар мавжуд”⁶⁰.

59. CCPR/C/UZB/CO/3.

60. CCPR/C/UZB/CO/3.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ПРИНЦИПЛАРИ ҲАМДА НОРМАЛАРИ СУДЛАР АМАЛИЁТИДА

Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини қўллашга оид суд ҳужжатларидан намуналар.....

*Ҳақорат қилганлик учун жиноий
жазо тайинлаш ҳақида ҳукм намунаси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2019 йил август ойининг 7 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди Самарқанд шаҳар “Пахтакор” маҳалла фуқаролар йиғини биносида ўтказилган очиқ сайёр суд мажлисида судья Ф.Нусратовнинг раислигида, У.Эсанкуловнинг котиблигида, Самарқанд шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Х.Ҳамраев, жабрланувчи Г.Худайкулова, судланувчи Р.Овлиякулов ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Абдиевнинг иштирокида,

1976 йил 6 январда Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта махсус, оилали, ишламайди, муқаддам жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2019 йил 10 январдаги қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси билан 33-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 (бир) баравари миқдорида 223 000 (икки юз йигирма уч минг) сўм жарима солинган, жазо ижро этилган, судланмаган, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, Самарқанд шаҳар “Пахтакор” МФЙ Наво кўчаси 51-уйда яшайди, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 31 июль куни

олган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми билан айбланган **Овлиякулов Рузбойга** нисбатан юритилган 1-13-54-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, давлат айбловчиси ва ҳимоячининг фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Овлиякулов Рузбой ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситгани учун маъмурий жавобгарликка тортилгандан кейин 2019 йил 8 июнь куни соат 17:30 атрофида Самарқанд шаҳар “Байналминал” МФЙ Сайқал кўчаси 5-уй 3-хонадонда яшовчи шаръий никоҳ асосида яшаган собиқ турмуш ўртоғи Худойкулова Гулбахор Турсуновнани уйига маст ҳолда бориб, уни уятли сўзлар билан сўкиб, шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасдан таҳқирлаган.

Судланувчи Р.Овлиякулов суд мажлисида айбига тўлиқ иқроор бўлиб, 2019 йил 8 июнь куни соат 17:30 атрофида собиқ турмуш ўртоғи Г.Худойкуловани уйига ярашиш мақсадида боргани, озгина спиртли ичимлик истеъмол қилгани сабабли Г.Худойкуловани қўпол муомаласига жавобан уни сўкиб юборганлиги ҳақида кўрсатув бериб, ушбу қилмишларидан пушаймонлигини билдириб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Жабрланувчи Г.Худайкулова суд мажлисида собиқ турмуш ўртоғи Р.Овлиякулов билан 2008 йилдан буён бирга яшамаслиги, турмушидан уч нафар фарзанди борлиги, Р.Овлиякулов доимий равишда келиб, жанжал қилиши, 2019 йил 8 июнь куни соат 17:30 атрофида фарзандлари билан уйида бўлганида Р.Овлиякулов ўта маст ҳолатда уйига келиб, жанжал кўтаргани, бақариб ҳақорат қилгани, у билан ярашмаслиги ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ А.Овлиякулов суд мажлисида онаси Г.Худайкулова билан юқорида кўрсатилган манзилда яшаши, отаси А.Овлиякулов улар билан яшамаслиги, бироқ онаси билан тез-тез жанжаллашиб туришлари, 2019 йил 8 июнь куни соат 17:30 атрофида онаси ва укалари билан уйда бўлган вақтда отаси маст ҳолатда

келгани, онаси унга эътироз қилганида отаси уятли сўзлар билан ҳақорат қилгани ҳақида кўрсатув берди.

Р.Овлиякуловнинг ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасдан таҳқирлаш жиноятини содир этганликдаги айби унинг айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари жабрланувчи Г.Худайкулованинг кўрсатувлари, баённома, маъмурий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисидаги суд қарори ва судда текширилган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

БМТнинг 1966 йил 19 декабрдаги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг 17-моддасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 127-1-сонли қарорига асосан пактга Ўзбекистон Республикаси кўшилган) ҳеч кимнинг ор-номуси ва шаънига тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 140-моддасида шахснинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасдан таҳқирлаш, башарти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса жиноий жавобгарлик белгиланган.

Р.Овлиякулов маъмурий жазо қўлланилгандан кейин Г.Худойкуловани сўкиб, шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасдан таҳқирлаб, ҳақорат қилганликда ифодаланган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Суд томонидан жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандида берилган тушунтиришларига амал қилиб, Р.Овлиякуловга жазо тури ва меъёрини белгилашда жиноятни маст ҳолатда содир этганлигини оғирлаштирувчи ҳолат, унинг содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини эса енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, унга Жиноят

кодекси 140-моддаси санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468-моддаларига амал қилиб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Овлиякулов Рузибой Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Р.Овлиякуловга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берган жойда ўталсин.

Жазо ўташ муддати ахлоқ тузатиш ишлари бошланган кундан ҳисоблансин.

Р.Овлиякуловга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Манфаатдор шахсларга ўзларига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози бўлган шахс ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси берилган кундан эътиборан шу муддат ичида, ҳукм чиқарган суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор эса протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ф.Нусратов

*Меҳнатга оид қонун ҳужжатларини бузганлик
учун маъмурий жазо қўллаш ҳақида қарор намунаси*

Қ А Р О Р **(маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида)**

2022 йил март ойининг 25 куни жиноят ишлари бўйича Фориш туман суди ўз биносида очик суд мажлисида судья Ф.Нусратовнинг раислигида, У.Эсонқуловнинг котиблигида, ҳуқуқбузар А.Тошмухамедов ва унинг адвокати А.Ахмедовнинг иштирокида:

1983 йил 1 январда Жиззах вилояти, Фориш туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзанди бор, Фориш туман тиббиёт бирлашмаси марказлашган ҳисобхона бош ҳисобчиси вазифасида ишловчи, мукаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, Жиззах вилояти Фориш тумани “Навбахор” МФЙ Бунёдкор кўчаси 3/1-уйда яшовчи **Тошмухамедов Азам Рўзикуловичга** нисбатан

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49-моддаси 1-қисми билан юритилган 3-411-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, ҳуқуқбузарнинг тушунтириши, гувоҳнинг кўрсатувини эшитиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Фориш туман адлия бўлими томонидан Фориш туман тиббиёт бирлашмаси ходимларининг меҳнат ҳуқуқи нормалари бузилгани ҳақидаги шикоятларига асосан 2022 йил 15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги 799-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларига риоя этилиши ҳолати юзасидан ўтказилган текшириш натижасида А.Тошмухамедов Фориш туман тиббиёт бирлашмаси марказлашган ҳисобхона бош ҳисобчиси вазифасида ишлаб келиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 170, 171-моддаларида назарда тутилган иш билан боғлиқ харажатларни қоплаш

хамда хизмат сафари даврида кўчиб юриш билан боғлиқ ишларда харажатларни тўлаш ҳақидаги талабларни бажармасдан 2022 йил 1 январь ҳолатига 568 нафар ходимларга 31 462 300 сўм миқдорда малакасини ошириш учун бошқа шаҳарларда бўлган тиббиёт ходимларининг хизмат сафари харажатларини тўлаб бермасдан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги аниқланган.

Ҳуқуқбузар А.Тошмухамедов суд мажлисида айбига иқрор бўлиб, Фориш туман Тиббиёт бирлашмаси марказлашган ҳисобхона бош ҳисобчиси вазифасида ишлаб келаётгани, Фориш туман адлия бўлими томонидан ўтказилган текшириш натижасида 2022 йил 1 январь ҳолатига 568 нафар ходимларга 31 462 300 сўм миқдордаги малакасини ошириш учун бошқа шаҳарларда бўлган тиббиёт ходимларининг хизмат сафари харажатларини тўлаб бермасдан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги аниқлангани, эътиборсизлиги туфайли ушбу қонун бузилишига йўл қўйгани, ҳозирги кунда барча қонун бузилишларини бартараф қилгани, келгусида бу каби ҳолатларни такрорламаслиги ҳақида тушунтириш бериб, жавобгарликдан озод қилишни сўради.

Гувоҳ Б.Ахмедов суд мажлисида Фориш туман адлия бўлими бошлиғи вазифасида ишлаши, туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари томонидан уларнинг меҳнат ҳуқуқи бузилаётганлиги, хизмат сафари билан боғлиқ харажатлари тўланмаётганлиги ҳақида шикоят келиб тушгани, шикоятга асосан тиббиёт бирлашмасида ўтказилган текшириш натижасида бош ҳисобчи А.Тошмухамедов томонидан 2022 йил 1 январь ҳолатига 31 462 300 сўм миқдорда малакасини ошириш учун бошқа шаҳарларда бўлган тиббиёт ходимларининг хизмат сафари харажатлари тўлаб берилмагани аниқланиб, А.Тошматовга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги тўғрисида баённома тузилгани ҳақида кўрсатув берди.

А.Тошмухамедовнинг маъмурий ҳуқуқбузарликни содир қилганликда айби, унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган тушунтиришидан ташқари, гувоҳнинг суд мажлисидаги кўрсатуви, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, тушунтириш хатлари,

текшириш далолатномаси, маълумотномалар ва судда текширилган бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси **Конституциясининг** 37-моддасига мувофиқ ҳар бир шахс адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 170 – моддасида иш билан боғлиқ харажатларнинг компенсацияси ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ кўшимча харажатлар (171, 172, 173-моддалар) қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари ва келишувлари, шунингдек меҳнат шартномаларида белгиланган шартлар ва тартибда иш берувчи томонидан қопланиши;

ушбу Кодекснинг 171-моддасида хизмат сафари даврида тўланиши лозим бўлган йўл қира, доимий турар жойидан бошқа жойда яшаш, шу жумладан уй-жой ижараси билан боғлиқ харажатлар ҳамда ходим томонидан иш берувчининг руҳсати ёки розилиғи билан қилинган бошқа харажатлар тўланиши лозимлиғи белгиланган.

Конституция ва меҳнат қонунчилигида белгиланган меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги нормаларни бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 49-моддаси 1-қисмида жавобгарлик белгиланган.

А.Тошмухамедов бош ҳисобчи вазифасида ишлаб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 170, 171-моддаларида назарда тутилган иш билан боғлиқ харажатларни қоплаш ҳамда хизмат сафари даврида кўчиб юриш билан боғлиқ ишларда харажатларни тўлаш ҳақидаги талабларни бажармасдан, малакасини ошириш учун бошқа шаҳарларда бўлган тиббиёт ходимларининг хизмат сафари харажатлари билан боғлиқ харажатларни тўлаш чораларини кўрмасдан, мансабдор шахс бўлгани ҳолда меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузишда ифодаланган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49-моддаси 1-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган.

Суд А.Тошмухамедовга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда унинг шахси, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари бор-

лиги, яшаш ва иш жойидан ижобий тавсифланиши, айбига иқроп бўлиб, қилмишидан пушаймонлиги, ҳуқуқбузарлик оқибатлари бартараф этилганини маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори тушунтиришларига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 33-моддасини қўллаб, 49-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жарима жазосини қўллашни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 245, 309, 310-моддаларига амал қилиб,

ҲУҚМ ҚИЛАДИ:

Тошмухамедов Азам Рўзиқулович Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49-моддаси 1-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилсин.

А.Тошмухамедовга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49-моддаси 1-қисми билан 33-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 (бир) баравари миқдорида 270.000 (икки юз етмиш минг) сўм жарима солинсин.

Қарордан норози бўлган шахс қарор ўқиб эшиттирилган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, ўзига нисбатан суд қарори чиқарилган шахс ва жабрланувчи томонидан эса, қарорнинг кўчирма нусхалари унга топширилган ёки улар томонидан ушбу кўчирма нусхалар олинган кундан эътиборан худди шу муддатда, қарор чиқарган суд орқали Жиззах вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ф.Нусратов

Қ А Р О Р **(маъмурий жазо қўллаш тўғрисида)**

2022 йил март ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Боғот туман суди ўз биносида ўтказилган очик суд мажлисида судья Н.Эшонқуловнинг раислигида, Б.Камоловнинг котиблигида,

1980 йил 5 мартда Навоий вилояти, Боғот туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, Боғот туманидаги “Бунёдкор” хусусий корхонаси раҳбари, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, Боғот тумани, 3-митти тумани, 186-уй, 15-хонадонда яшовчи **Журабоев Жасур Каримовичга** нисбатан

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 51-моддаси билан юритилган 3-236-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, ҳуқуқбузар, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, маъмурий иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ж.Жўрабоев Боғот туманидаги “Бунёдкор” хусусий корхонасини раҳбари вазифасида ишлаб, хусусий корхона ҳайдовчиси А.Рашидовни 2021 йил 19 октябрь куни Янгибозор туманидаги “Янгибозор учар лочини” фермер хўжалигига, 2021 йил 25, 26, 27 октябрь кунлари Боғот туманидаги “Қувондиқов Сохиб” фермер хўжалигига, 2021 йил 29 октябрь куни Боғот туманидаги “Юлдош ота” фермер хўжалигига, 2021 йил 8 ноябрь кун Боғот туманидаги “Эгамбердиева Асал” фермер хўжаликлариغا пахта теримига маъмурий тарзда мажбурлаб жалб қилган.

Ҳуқуқбузар Ж.Жўрабоев судда айбига иқрорлик билдирмасдан, Боғот туманидаги “Бунёдкор” хусусий корхонасини бошқариб келиши, корхона ходимларини, хусусан корхона ҳайдовчиси А.Рашидовни фермер хўжаликлариغا пахта теримига

маъмурий тарзда мажбурлаб жалб қилмагани, А.Рашидов ўзига юклатилган ҳайдовчилик вазифасини бажармасдан ишга ўз вақтида келмагани ва корхонага тегишли “Ласетти” русумли автомашинани таъмир талаб ҳолда ташлаб қўйиб, ишга келмаганлиги учун уни ишдан бўшатгани сабабли жабрланувчи тухмат қилаётгани ҳақида тушунтириш бериб, ишни қонуний кўриб чиқишни сўради.

Жабрланувчи А.Рашидов суд мажлисида, 2018 йилдан буён Боғот туманидаги “Бунёдкор” хусусий корхонасида ҳайдовчи вазифасида ишлаши, корхона раҳбари Ж.Жўрабоев уни 2021 йил пахта мавсумида Боғот ва Нишон туманларидаги фермер хўжаликларига пахта теримига мажбурий жалб қилгани, пахта теримига ўзи чикмасдан ўрнига фермер хўжаликларига ёлланма ишчи юборгани, Ж.Жўрабоев уни 2021 йил 28 октябрь куни пахта теримига чикмадинг деб ишдан бўшатиб юборгани тўғрисида кўрсатув бериб, Ж.Жўрабоевга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ Б.Тошматов суд мажлисида Нишон туманидаги “Нишон учар лочини” фермер хўжалиги раҳбари эканлиги, 2021 йил пахта йиғим-терими мавсумида А.Рашидов ёлланма ишчиларни олиб келиб, “Бунёдкор” хусусий корхона номидан пахта теришларини айтгани, тўлов қайдномаларига асосан айнан қайси кунлари А.Рашидов ишчи ёлланма олиб келгани ҳақида давлат меҳнат инспекцияси ходимига берган маълумотни тўғрилигини тасдиқлаши ҳақида кўрсатув берди.

Суд, Ж.Жўрабоевнинг маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликдаги айби жабрланувчининг аризаси ва кўрсатувлари, гувоҳнинг кўрсатуви, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, тушунтириш хатлари, маълумотномалар ва судда текширилган бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Ж.Жўрабоевнинг айбига иқдор бўлмасдан, жабрланувчи А.Рашидовни маъмурий тарзда меҳнатга мажбурламагани ҳақидаги вазлари жабрланувчи А.Рашидовнинг кўрсатувларидан ташқари Нишон туманидаги “Нишон учар лочини”, Боғот

туманидаги “Қувондиқов Соҳиб”, “Юлдош ота”, “Эгамбердиева Асал” фермер хўжаликлари томонидан берилган 2021 йил пахта йиғим-терими мавсумида А.Рашидов пахта териш учун ёлланма ишчиларни олиб келгани тўғрисидаги маълумотномалар билан инкор этилади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-конвенциясининг 25-моддасида (Женева, 1930 28 июнь, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йилд 30 августдаги 492-І-сон Қарори) зўраки ёки мажбурий меҳнатга ноқонуний жалб қилиш жиноий тартибда таъқиб қилиниши ҳамда ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси қонунда кўрсатилган санкцияларнинг чинакам самарадорлигини ва уларга қатъий риоя қилинишини таъминлаши шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси **Конституциясининг** 37-моддаси 2-қисмига мувофиқ суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 7-моддасида мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш таъқиқланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51-моддасида меҳнатга мансабдор шахс томонидан маъмурий тарзда мажбурлаш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ж.Жўрабоев хусусий корхона раҳбари вазифасида ишлаб, мансабдор шахс бўлгани ҳолда корхона ҳайдовчиси А.Рашидовни фермер хўжалиқларига пахта теримига маъмурий тарзда мажбурлаб жалб қилганликда ифодаланган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 51-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган.

Суд Ж.Жўрабоевга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда унинг қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлиги, яшаш ва иш жойидан ижобий тавсифланиши маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори тушунтиришларига амал қилиб, унга МЖтКнинг 51-моддаси санкцияси доирасида жазо қўлашни лозим деб топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 245, 309, 310-моддаларига амал қилиб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Журабоев Жасур Каримович Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 51 -моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ж.Журабоевга Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 51-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 (эллик) бараварида 13.500.000 (ўн уч миллион беш юз минг) сўм жарима солинсин.

Қарордан норози бўлган шахс қарор ўқиб эшиттирилган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, ўзига нисбатан суд қарори чиқарилган шахс ва жабрланувчи томонидан эса, қарорнинг кўчирма нусхалари унга топширилган ёки улар томонидан ушбу кўчирма нусхалар олинган кундан эътиборан худди шу муддатда, қарор чиқарган суд орқали Хоразм вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидир

Раислик этувчи

(имзо)

Ф.Нусратов

*Майда безорилик ва турар жой дахлсизлигини
бузганлик учун маъмурий жазо қўллаш ҳақида
қарор намунаси*

Қ А Р О Р **(маъмурий жазо қўллаш тўғрисида)**

2022 йил декабрь ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Кармана туман суди ўз биносида ўтказилган очик суд мажлисида судья Ф.Нусратовнинг раислигида, Ш.Исмоиловнинг котиблигида, ҳуқуқбузар М.Арзиев, жабрланувчи М.Астанованинг иштирокида,

1996 йил 3 июнда Навоий вилояти, Кармана туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, бир нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта махсус, ишламаган, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, Кармана тумани, “Пахтазор” МФЙда яшовчи, Арзиев Мухриддин Мустафо ўғлига нисбатан

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси билан юритилган 3-236-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, ҳуқуқбузар, жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

М.Арзиев 2021 йил 24 ноябрь куни соат 23:50 атрофида алкоголли ичимликдан маст ҳолда Кармана тумани “Пахтазор” маҳалласида яшовчи қўшниси М.Астанованинг яшаш уйига унинг рухсатсиз кириб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан М.АстANOVA ва унинг оила аъзолари осойишталигини бузиб, майда безорилик содир қилган.

2021 йил 25 ноябрдаги 234-сонли тиббий кўрикдан ўтказиш далолатномасига кўра, М.Арзиев ўрта даражадаги мастлик ҳолатида бўлганлиги аниқланган.

Ҳуқуқбузар М.Арзиев суд мажлисида айбига иқроп бўлиб, 2021 йил 24 ноябрь куни кечки овқат пайтида юз грамм ароқ

истеъмол қилгани, маст ҳолатда бўлганлиги сабабли қўшниси М.Астанованинг яшаш уйига рухсатсиз кириб, у билан гаплашмоқчи бўлгани, М.Астанова уйдан чиқиб кетишини айтганида жанжаллашиб қолгани, бақир-чақир бўлиб кетганлиги сабабли унинг фарзандлари ҳам олдига чиқиб, уйдан чиқиб кетишини талаб қилишгани, содир этган қилмишидан пушаймонлиги, келгусида бу каби ҳолатларни такрорламаслиги ҳақида тушунтириш бериб, суддан енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи М.Астанова суд мажлисида ҳуқуқбузар М.Арзиев қўшниси эканлиги, лекин у билан юзаки таниш бўлгани, 2021 йил 24 ноябрь куни кечаси М.Арзиев маст ҳолда ўзидан-ўзи, рухсатсиз уйига кириб келгани, уни уйдан чиқиб кетишини талаб қилганида, М.Арзиев ўзини кўрсатиб, у билан жанжаллашгани, уйдан фарзандлари чиқиб келиб, биргаликда М.Арзиевни чиқариб юборишгани ва бу ҳақда милиция таянч пунктига хабар қилгани ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ Ф.Ахмедов суд мажлисида 2021 йил 24 ноябрь куни уйда дам олаётган бўлгани, соат 23:50 атрофида қўшниси М.Астанованинг яшаш уйдан бақир-чақир овозларини эшитиб, кўчага чиққанида, М.Астанованинг уйда шу маҳаллада яшовчи М.Арзиев маст ҳолатда жанжаллашаётганлигини кўргани, ушбу ҳолат юзасидан ҳудуд профилактика инспекторига тушунтириш хати ёзиб бергани ҳақида кўрсатув берди.

М.Арзиевнинг маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликдаги айби унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган тушунтиришидан ташқари, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, тушунтириш хатлари, тиббиёт кўригидан ўтказиш далолатномаси ва суд томонидан текширилган бошқа далиллар билан тасдиғини топган.

БМТнинг 1966 йил 16 декабрдаги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактнинг 17-моддасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 127-1-сонли қарорига асосан пактга Ўзбекистон

Республикаси кўшилган) ҳеч кимнинг уй-жой дахлсизлигига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси **Конституциясининг** 27-моддасига асосан асосан ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлигига эга.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 45-моддасида турар жойга унда истиқомат қилувчиларнинг хошиш-иродасига хилоф равишда ноқонуний тарзда кирганлик учун жавобгарлик белгиланган.

М.Арзиев алкоғоли ичимликдан маст ҳолда кўшниси М.Астанованинг турар жойига унинг хошиш-иродасига хилоф равишда ноқонуний тарзда кириб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан М.АстANOVA ва унинг оила аъзолари осойишталигини бузганликда ифодаланган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 45, 183-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳукукбузарликларни содир этган.

Суд М.Арзиевга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда унинг қарамоғида вояга етмаган фарзанди борлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланиши маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ҳукукбузарликни маст ҳолатда содир этганлигини оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳукукбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори тушунтиришларига амал қилиб, унга МЖТКнинг 45, 183-моддалари санкцияси доирасида жазо қўллашни лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 245, 309, 310-моддаларига амал қилиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Арзиев Мухриддин Мустафо ўғли Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 45, 183-моддаларида назарда тутилган ҳукукбузарликларни содир этганликда айбли деб топилсин.

М.Арзиевга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 45-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1(бир) баравари миқдорида 270.000 (икки юз етмиш минг) сўм жарима солинсин.

М.Арзиев Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баравари миқдорида 1.350.000 (бир миллион уч юза эллик минг) сўм жарима солинсин.

М.Арзиевга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 34-моддаси тартибида узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баравари миқдорида 1.350.000 (бир миллион уч юза эллик минг) сўм жарима солинсин.

Қарордан норози бўлган шахс қарор ўқиб эшиттирилган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, ўзига нисбатан суд қарори чиқарилган шахс ва жабрланувчи томонидан эса, қарорнинг кўчирма нусхалари унга топширилган ёки улар томонидан ушбу кўчирма нусхалар олинган кундан эътиборан худди шу муддатда, қарор чиқарган суд орқали Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидир.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2021 йил 28 декабрь куни Фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро суди биносида очик суд мажлисида:

раислик этувчи А.А.Акбаров,

суд мажлиси котиби А.Сардаровдан иборат таркибда,

даъвогар Дилдора Тошева, жавобгар Мурод Бўриев ва уларнинг вакиллари адвокатлар С.Санаев ва М.Шаховаларнинг иштирокида,

даъвогар Дилдора Тошеванинг жавобгарлар Мурод Бўриев, Акмал Бўриев ва Хилола Бўриеваларга нисбатан **боланинг яшаш жойини белгилаш ва олиб бериш тўғрисидаги 2-11-20/15-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни**

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар Дилдора Тошева судга даъво аризаси билан му-рожаат қилиб, 2018 йил 6 июлда туғилган Акмалов Миржаҳон Муродович исмли **боласини яшаш жойини белгилаш ва жа-вобгарларнинг тарбиясидан ўзининг тарбиясига олиб беришни**, ҳамда ўзи томонидан судга даъво аризаси топширишда тўлан-ган 446.000 сўм давлат божи ва 15.610 сўм почта харажатла-ри тўловини ҳамда адвокатнинг юридик ёрдами учун тўланган 379.840 сўмни жавобгарлардан ундиришни сўраган.

Даъвогар Дилдора Тошева суд мажлисида даъво аризасини қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида сўралган жавобгар Мурод Бўриев даъвони тан олмасдан уни рад қилишни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қи-лингган жавобгарлар Акмал Бўриев ва Хилола Бўриевалар суд мажлисига келмаган ва келмаслик сабабини ҳам судга маълум қилмаган, шунингдек ишни ўзларининг иштирокисиз кўриш ҳақидаги илтимоснома билан ҳам муурожаат қилишмаган.

Шунга кўра, суд уларнинг судга келмаганлигини узрсиз деб топиб, Фуқаролик процессуал кодексининг 220-моддаси

3-қисмига асосан ишни уларнинг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд мажлисида сўралган Ромитан туман васийлик ва ҳомийлик органи вакили Хаким Хошимов тушунтиришида, тарафларнинг оилавий муносабатлари ўрганилганлиги, улар 2020 йил 11 февралдан буён тарафлар бирга яшамасликлари, уларнинг вояга етмаган Миржаҳон исмли фарзандлари отасининг тарбиясида эканлиги, болага бевосита бувиси Х.Буриева қараб тарбиялаб келаётганлигини, жавобгарларнинг уйида бола тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар мавжудлиги, улар маҳалладан ижобий тавсифланганлиги, лекин васийлик ва ҳомийлик органи вояга етмаган Миржаҳоннинг ёшини инобатга олиб, уни онаси Д.Тошеванинг тарбиясига олиб бериш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосага келганлигини билдирди.

Суд мажлисида сўралган Шофиркон туман васийлик ва ҳомийлик органи вакили Ботир Қодиров ўзининг тушунтиришида, даъвогарнинг бола тарбиялаш борасида уй шароитларини ўрганиб чиққанлигини, вояга етмаган Миржаҳоннинг ҳали жуда ёшлигини ҳисобга олган ҳолда уни онаси Д.Тошеванинг тарбиясига олиб бериш мақсадга мувофиқлигини билдирди.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини, мутахассисларнинг хулосасини ҳамда адвокат М.Шахованинг даъвони қаноатлантириш ҳақидаги ва адвокат С.Санаеванинг даъвони қаноатлантиришдан рад қилиш ҳақидаги музокара нутқларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қаноатлантиришни лозим топди.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар 2017 йил 25 октябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган. Уларнинг биргаликдаги турмушидан 2018 йил 6 июлда Акмалов Миржаҳон Муродович исмли фарзандлари туғилган. Тарафлар ўртасидаги қонуний никоҳ бекор бўлмаган. Оиладаги ўзаро келишмовчиликлар сабабли тарафлар 2020 йил 11 февралдан буён алоҳида яшаб келмоқдалар. Айти пайтда, вояга етмаган Миржаҳон жавобгарларнинг тарбиясида тарбияланиб келмоқда.

Болалар тарбияси борасида низо келиб чиққанлиги сабабли даъвогар Д.Тоҳирова судга ушбу мазмундаги даъво аризаси билан муружаат қилишга мажбур бўлган.

Суд томонидан вояга етмаганнинг онаси билан яшаш жойини белгилаш унинг соғлиги, жисмоний, рухий ва маънавий камолотига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатлар, далиллар аниқланмади.

Шу билан бирга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1979 йил 18 декабрдаги 34/180-сонли қарори билан қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 18 августдан кучга кирган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995-йил 6-майдаги 87-И-сонли қарорига асосан ушбу Конвенцияга қўшилган) “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенциянинг 16-моддаси, d) бандида, болаларга тааллуқли бўлган масалаларда оилавий шароитдан қатъий назар барча вазиятда болаларнинг манфаати устун турган ҳолда, эркак ва аёллар ота-она сифатида бир хилдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 71-моддасига асосан ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар (ота-оналик ҳуқуқлари).

Мазкур кодекснинг 73-моддасига кўра ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт.

Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, рухий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Мазкур Кодекснинг 75-моддасига биноан, ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Бунда суд, боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, боланинг ёшини, ота-онасининг ахлоқий

ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онасининг машғулоти тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини ҳисобга олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йилдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида” ги 23-сонли қарорининг 3-бандига кўра, суд ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳволи устунлигининг ўзи болани унга олиб бериш учун асос бўла оладиган шарт ҳисобланмаслигини назарга олган ҳолда, боланинг ота-онадан, ака-ука опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, ота-онадан қайси бири болаларига нисбатан кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётганлигини, болаларнинг ёшини ва ота-онадан қайси бирига кўнгил қўйганлигини, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни эътиборга олиши кўрсатилган.

Суд аниқланган ҳолатлар, қонун талаблари ҳамда бола манфаатларидан келиб чиқиб, боласини тарбиялашда даъвогарнинг моддий, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан муносиблиги, вояга етмаган 2018 йил 6 июлда туғилган Миржаҳоннинг ёшини, бу ёшда болага она меҳри ва тарбиясига кўпроқ зарурлигини, боланинг соғлом, тоза-озода юришида онасининг ўрни алоҳида аҳамият касб этишини ҳамда бу борада Ромитан ва Шофиркон туман халқ таълими бўлими ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик органларининг **болани яшаш жойини онаси билан белгилаб, унга олиб бериш мақсадга мувофиқлиги** тўғрисидаги хулосаларини, боланинг руҳий камолотини эътиборга олган ҳолда, шунингдек боланинг онаси тарбиясига олиб берилиши болани отаси билан кўришиб туриши ва унинг тарбиясида отасининг иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслигини инобатга олиб, даъвони қаноатлантиришни лозим топди.

Шу билан бирга суд, тарафлар вояга етмаганларнинг психо-эмоционал соғлиғига салбий таъсир этувчи ҳолат-

ларга йўл қўймасликлари, фарзандларига вазиятни тўғри англаши ва баҳолашига ёрдам беришлари зарурлигини таъкидлайди.

ФПКнинг 138-моддасига биноан ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Суд тарафлардан давлат божи ундириш масаласини муҳокама қилиб, даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилаётганлиги, яъни ҳал қилув қарори даъвогарнинг фойдасига чиқарилаётганлигини инобатга олиб, жавобгарлардан солидар тартибда даъвогарнинг фойдасига у томонидан судга даъво ариза топширишда давлат божи учун тўланган 446.000 сўм ва 15.610 сўм сарфланган почта харажатларини ундиришни лозим деб топди.

ФПКнинг 136-моддасига кўра ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан вакилнинг ёрдами учун тўлашга доир харажатларни оқилона миқдорларда ундириб беради.

Агар ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга адвокат белгиланган тартибга мувофиқ бепул ёрдам кўрсатган бўлса, бу сумма бошқа тарафдан адвокатлар бюроси (хайъати, фирмаси) фойдасига ундирилади.

2020 йил 17 мартдаги тўлов топшириқномасига мувофиқ, даъвогар томонидан адвокат М.Шаховага 379.840 сўм миқдорда тўлов амалга оширилган, шунга кўра даъвогар фойдасига жавобгардан 379.840 сўмни ундиришни лозим топди.

Бинобарин, суд иш материалларига асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 220,249-253-моддалари қўлланиб, қарор қилади

ҚАРОР:

Даъвогар Дилдора Тошеванинг жавобгарлар Мурод Бўриев, Акмал Бўриев ва Хилола Бўриеваларга нисбатан **болани яшаш жойини белгилаш ва олиб бериш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.**

Вояга етмаган 2018 йил 6 июлда туғилган Акмалов Миржаҳон Муродовичнинг яшаш жойини даъвогар Дилдора Тошева билан белгилансин.

Вояга етмаган 2018 йил 6 июлда туғилган Акмалов Миржаҳон Муродович жавобгарлар Мурод Бўриев, Акмал Бўриев ва Хилола Бўриевалардан даъвогар Дилдора Тошева тарбиясига олиб берилсин.

Жавобгарлар Мурод Бўриев, Акмал Бўриев ва Хилола Бўриевалардан солидар тартибда даъвогар Дилдора Тошеванинг фойдасига даъво аризаси топширишда давлат божи учун олдиндан тўланган 446.000 сўм, 15.610 сўм ва адвокатнинг юридик ёрдами учун сарфланган 379.840 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон, ҳал қилув қарор қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали бир ой муддат ичида Бухоро вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

(имзо)

А.А.Акбаров

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2021 йил 28 декабрь куни Фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро суди биносида очик суд мажлисида:

раислик этувчи А.Ашуров,

суд мажлиси котиби И.Сафаровдан иборат таркибда,

даъвогар вакили А.Обидов, жавобгарлар вакили А.Амонов ва С.Саатов, учинчи шахс вакили Қ.Холов иштирокида,

Ғиждувон туман адлия бўлимининг даъвогар Халиков Қобилжон Косимович манфаатида жавобгар Бухоро вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасига нисбатан ходимга тўланмай қолган тўловларни ундириш тўғрисидаги 2-2006-11/1-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ғиждувон туман адлия бўлими даъвогар Халиков Қобилжон Косимовичнинг манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўзининг даъво аризасида жавобгар Бухоро вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасидан манфаатдор шахс Қ.Халиковнинг фойдасига 2019 йил август ойининг 20 иш кунлиги учун 1.420.198 сўм компенсация, учинчи ой учун 1.775.248 сўм миқдорда ўртача ойлик иш ҳақи ва 1.775.248 сўм ишдан бўшатиш нафақаси жами 4.970.694 сўмлик тўловларни ундиришни ва сарф қилинган почта харажатларини ундиришни сўраган.

Суд мажлисида Ғиждувон туман адлия бўлими вакили А.Олимов даъвони қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида даъвогар Қ.Халиковлар даъвони қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар Бухоро вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси вакили С.Саатов даъвони тан олмасдан уни рад қилишни сўради.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, адвокатларнинг нутқларини тинглаб, иш хужжатларини

атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даввони қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Аниқланган ҳолатларга қараганда, Қ.Халиков Гиждувон маиший хизмат касб-хунар коллежида жисмоний тарбия фани ўқитувчиси лавозимида ишлаб келган.

Хукумат қарори билан Гиждувон маиший хизмат касб-хунар коллежи юридик шахс сифатида тугатилиши белгиланган.

Қ.Халиковга мазкур коллеж томонидан 2019 йил 01 июлда № 151-сонли огоҳлантириш хати юборилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 1-қисмига биноан у билан тузилган меҳнат шартномаси 2019 йил июлдан бошлаб бекор қилиниши, унинг 2019 йил июль-август ойлардаги иш ҳақи компенсация тарзида тўланиши, шу сабабли унинг 2019 йил 1 июлдан бошлаб иш қидириши учун имконият яратилиши ҳақида огоҳлантирилган.

Гиждувон маиший хизмат касб-хунар коллежининг 2019 йил 1 июлдаги К-221/4-сонли буйруғига кўра, ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари 2019 йил 1 июлдан бекор қилиниши, ходимларга 2019 йил июль-август ойларида пуллик компенсациялари ҳамда бир ойлик ишдан бўшатиш ҳисоб-китоб пуллари ўз вақтида тўлаб бериш вазифалари белгиланган.

Шундан сўнг, коллежнинг 2019 йил 10 августдаги К-26 сонли буйруғига асосан, Қ.Халиков билан тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 1-бандига мувофиқ 2019 йил 10 августда бекор қилинган.

Гиждувон маиший хизмат касб-хунар коллежи томонидан Қ.Халиковга икки ойлик компенсация тариқасида 2019 йил июль ойи учун 1.194.762 сўм ва август ойи учун 1.242.453 сўм миқдорда ойлик иш ҳақи тўлаб берилган.

Гиждувон тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг 2019 йил 11 декабрдаги № 01/324-сонли маълумотномасида фуқаро Қ.Халиковнинг мазкур марказда иш қидирувчи фуқаро сифатида рўйхатда туриши қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 ноябрдаги 14/1-2878-сонли топшириғи ижросини таъ-

минлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим Вазирининг 2019 йил 2 декабрдаги № 1101-сонли буйруғи ва унинг ижроси бўйича Бухоро вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасининг 2019 йил 28 декабрдаги А-125-сонли буйруғига биноан тегишли тартибда тузилган комиссия томонидан Ѓиждувон маиший хизмат касб-хунар коллежи юридик шахс сифатида тугатилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2019 йил 2 декабрдаги № 1101-сонли буйруғининг 6-бандида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари бошлиқлари зиммасига бошқа вазифалар билан бир қаторда барча педагог ва ишчи ходимлар билан ойлик маошлари тўлови, коллежнинг коммунал тўловлари, бино, иншоотларни сақлаш, моддий қийматликлар ва хизматлар хариди юзасидан тузилган шартномаларнинг якуний тўловлари, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати бўйича юзага келган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни тугатиш вазифаси ҳам юклатилган.

Қ.Халиковга 2019 йил август ойининг қолган 20 кунлик иш ҳақи 1.420.198 сўм ва ўртача ойлик иш ҳақи яъни 1.775.248 сўм миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси ҳамда ишсизлиги туфайли учинчи ой учун 1.775.248 сўм миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи тўлаб берилмасдан қолганлиги боис, Ѓиждувон туман адлия бўлими унинг манфаатида судга мурожаат қилган.

«Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (Халқаро Меҳнат Ташиқлотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари, 2008 йил, 180-бет) 95-Конвенциянинг 5-моддасига кўра иш ҳақи бевосита меҳнаткашга тўланади, агар миллий қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаси ёки арбитраж органининг қарори бунинг аксини кўзда тутмаса, ёки мазкур меҳнаткаш бунинг аксига розилик билдирмаган бўлса.

Ушбу Конвенциянинг 12-моддасига биноан, иш ҳақи мунтазам вақт оралиғида тўланади. Иш ҳақини мунтазам вақт оралиғида тўлашни таъминлайдиган тегишли механизм мавжуд бўлган ҳоллардан ташқари, иш ҳақи тўлани-

шининг мунтазам вақт оралиғи миллий қонун ҳужжатлар ёки жамоа шартномаси ёки арбитраж органининг қарорида белгиланади.

Меҳнат шартномаси тугаганда меҳнаткашга берилиши лозим бўлган иш ҳақининг якуний ҳисоб-китоби миллий қонун ҳужжатларига, жамоа шартномасига ёки арбитраж органининг қарорига биноан амалга оширилади, шундай қонун ҳужжатлари, шартнома ёки қарор бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси шартларини ҳисобга олган ҳолда мақбул вақт ичида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 109-моддасига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинган кўйидаги ҳолларда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади:

Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 110-моддасига кўра меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда ходимга тегишли иш ҳақи, унинг миқдори хусусида низо бўлмаса:

1) меҳнат шартномаси бекор қилинган кунга қадар ишлаётган ходимга – меҳнат шартномаси бекор қилинган куни;

2) меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ишламаётган ходимга, – у ҳисоб-китоб қилишни талаб этган куни тўланиши керак.

Суд даъво талабини муҳокама қилиб, қайд этилган қонун талабларига қўлланган ҳолда, даъвогарнинг талаби ишдаги далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топди деган хулосага келади.

Гарчанд, Гиждувон маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг манфаатдор шахс Қ.Халиков олдида унинг ойлик маошлари тўлови бўйича қарздорлиги мавжуд бўлса-да, бироқ коллежининг юридик шахс сифатида айни пайтда тугатилганлиги сабабли унинг бу борадаги мажбуриятлари юқоридаги буйруқда қайд қилинган раҳбарий кўрсатма талабига мувофиқ жавобгар Бухоро вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаси зиммасида бўлади.

Юқорида баён қилинган асосларга кўра, суд даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни, жавобгар Бухоро вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасидан манфаатдор шахс Қ.Халиковнинг фойдасига 2019 йил август ойининг қолган 20 кунлик иш ҳақи 1.420.198 сўм ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобидаги 1.775.248 сўм ишдан бўшатиш нафақаси ҳамда ишсизлиги туфайли **учинчи ой учун тўланиши лозим бўлган 1.775.248 сўм** билан жами 4.970.694 сўм ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 138-моддасига биноан ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Суд иш бўйича давлат божи ундириш масаласини муҳокама қилиб, жавобгар Бухоро вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасидан давлат фойдасига 223.000 сўм миқдорда давлат божи ҳамда Ғиждувон туман адлия бўлими фойдасига 15.610 сўм миқдорда сарф қилинган почта харажатларини ундиришни лозим топди.

Бинобарин, суд иш материалларига асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 249-253-моддаларига қўлланиб, қарор қилади

ҚАРОР:

Ғиждувон туман адлия бўлимининг даъвогар Халиков Қобилжон Косимович манфаатида жавобгар Бухоро вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасига нисбатан ходимга тўланмай қолган тўловларни ундириш тўғрисидаги даъво талаблари қаноатлантирилсин.

Жавобгар Бухоро вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасидан мустақил талаблар билан **даъвогар Халиков Қобилжон Косимович** фойдасига жами 4.970.694 сўм миқдордаги тўлов ундирилсин.

Жавобгар Бухоро вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасидан давлат фойдасига 223.000 сўм миқдорда давлат божи ундирилсин.

Жавобгар Бухоро вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасидан Вобкент туман адлия бўлими фойдасига 15.610 сўм миқдордаги сарф қилинган почта харажатлари ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон, ҳал қилув қарор қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали бир ой муддат ичида Бухоро вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

(имзо)

А.Ашуров

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2021 йил декабрь ойининг 28 куни фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

раислик этувчи Б.Собиров,

суд мажлиси котиби А.Салиховдан иборат таркибда,

даъвогар Рахимова Хилола Эгамовна, вакили, адвокат

А.Абдураззаковлар иштирокида

даъвогар Рахимова Хилола Эгамовнанинг жавобгар Хашимов Мансур Гуломовичга нисбатан жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги 2-22-1/13-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар Х.Рахимова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар М.Хашимовдан жиноят оқибатида соғлигига етказилган моддий зарар учун 66.800 сўм, адвокатларнинг юридик ёрдами учун сарфланган 1.000.000 сўм, етказилган маънавий зарар учун 15.000.000 сўм, судга даъво аризаси топширишда маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаби юзасидан давлат божи учун тўланган 368.600 сўм миқдордаги пулларни ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар Х.Рахимова ўзининг даъво аризасини қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар М.Хашимов суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлса-да, бироқ суд мажлисига келмади ва келмаслик сабабларини судга маълум қилмади ҳамда ишни ўзининг иштирокисиз кўриш ҳақидаги илтимоснома билан мурожаат қилмади.

Шу сабабли суд ишни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 220-моддаси 3-қисмига асосан жавобгарнинг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд даъвогарнинг тушунтиришларини ва адвокат А.Абдураззаковнинг даъвони қаноатлантириш ҳақидаги музокара нутқини тинглаб, иш юзасидан тўпланган ҳужжатларни

тўла ўрганиб чикиб, қуйидаги асосларга кўра даъвогарнинг даъво талабларини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Аниқланишича, жавобгар М.Хашимов 2018 йил 19 май куни тахминан соат 18:00 ларда Наманган тумани “Қавола” қишлоғидаги уйида собиқ келини Х.Раҳимова билан ўзаро оилавий келишмовчилик сабабли жанжаллашиб, уни ножўя сўзлар билан ҳақоратлаб, қасддан урган. Судга оид тиббий экспертизасининг 23.05.2018 йилдаги 53-сонли хулосасига кўра, Х.Раҳимовага соғлиғининг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган, соғлиғининг қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказилган.

Ушбу ҳаракати учун М.Хашимов жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2018 йил 20 августдаги ҳукмига асосан айбли деб топилган.

Даъвогар томонидан етказилган моддий зарар суммасини тасдиқловчи далил сифатида олган тан жароҳати юзасидан Кўп тармоқли тиббиёт маркази томонидан ўтгазилган тананинг қўл қисми рентгенографияси учун 2018 йил 21 май санасида 38.200 сўм миқдорда тўлов амалга оширилган. Мазкур ҳолат 3149-сонли қвитанция билан тасдиқланади.

Бундан ташқари, даъвогар Х.Раҳимова жавобгар М.Хашимовнинг айбли хатти-ҳаракати натижасида ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва ҳимоя қилиш мақсадида жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судларда адвокат А.Ҳақимов ва И.Нишоновларнинг юридик ёрдамидан фойдаланган ҳолда уларга (600.000+400.000=)жами 1.000.000 сўм миқдорда тўловларни амалга оширган. Мазкур ҳолатлар 2018 йил 7 августдаги ва 2018 йил 02 октябрдаги банкнинг тўлов қвитанциялари билан тасдиқланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1979 йил 18 декабрдаги 34/180-сонли қарори билан қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 18 августдан кучга кирган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995-йил 6-майдаги 87-И-сонли қаро-

рига асосан ушбу Конвенцияга қўшилган) “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенциянинг 2-моддаси с) бандида, иштирокчи давлатларнинг аёллар ҳуқуқларини эркаклар билан тенг равишда қонуний ҳимоя қилишни ўрнатиш ва ваколатли миллий судлар ва бошқа давлат институтлари орқали аёлларни ҳар қандай камситиш ҳаракатларидан сармарили ҳимоя қилишни таъминлашни мақсад қилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасига биноан ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 75-моддасига асосан, суд ҳаммага маълум деб топган ҳолатлар исботлашга муҳтож эмас. Жиноят иши бўйича қонуний кучга кирган суд ҳукми суд томонидан ҳукм этилган шахс ҳаракатларининг фуқаролик-ҳуқуқий оқибатлари тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган суд учун фақат шу ҳаракатлар содир этилганлиги ёки содир этилмаганлиги ва улар мазкур шахс томонидан содир этилганлиги ёки этилмаганлиги масалалари юзасидан мажбурийдир.

Мазкур Кодекснинг 72-моддасига кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Гарчанд, даъвогар Х.Раҳимова ўзининг даъво аризасида ва суд мажлисида шифокорнинг тавсиясига кўра, “Кальцевит ДЗ” сиропи, “Аксен форте” каби дорилар, “Бакстимс” суртмаси, “Наъматак” сиропи, “Бинт” ва бошқа дори воситаларини 67.500 сўмга сотиб олганлигини ва ушбу харажатларни жавобгардан ундиришни талаб қилган бўлса-да, бироқ суд мажлисида мазкур тавсиялар унинг жароҳати билан боғлиқлиги ва тавсия қайси тиббиёт муассасасидан берилганлиги, касаллик тарихидан кўчирма каби далилларни судга тақдим қила олмади. Қолавер-

са, судга тақдим этилган шифокор тавсияси тегишли тиббиёт муассасаси ёхуд шифокор томонидан тегишли штамп ёки муҳр билан тасдиқланмаган. Шу боис, суд мазкур тавсия ва унга илова қилинган чекларни ишга алоқадор бўлмаган номақбул далил сифатида баҳолайди.

Бундай ҳолатда суд, даъвонинг моддий зарар қисмига оид 38.200 сўм тўлов ва 1.000.000 сўм адвокатларга қилинган харажатлар қисмини асосли деб баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 2-бандига асосан, маънавий зарар, жумладан яқин қариндошини йўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қайғуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, оилавий, тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли, жисмоний оғриқ, соғлиққа бошқача етказилган ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлиши мумкин.

Бундан келиб чиқиб, маънавий зарарни қоплаш миқдорини етказилган мулкӣ ва бошқа моддий зарарни ундириш даъво талабининг қопланиш ҳажмига қараб белгилаш мумкин эмас. Зарарни қоплаш миқдорини белгилашда адолатлилиқ ва оқилоналиқ талаблари инobatга олинishi лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига кўра маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланади. Шунингдек, агар зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қати назар қопланади.

Ушбу кодекснинг 1022-моддасига асосан, маънавий зарар пул билан қопланади.

Суд, жавобгар М.Хашимов ўзининг жиноий ҳаракати туфайли даъвогарга қариндош-уруғлари, маҳалласи ва бошқа яқинлари орасида тан жароҳати етказиб, унинг шаъни, кадр-қиммати ва ор-номусини камситганлиги, Х.Рахимова олган тан жароҳати ҳамда руҳан сиқилиш натижасида азобланганини ҳисобга олган ҳолда, оқилоналик ва адолатлилиқ талаблари келиб чиқиб, етказилган маънавий зарар миқдорини 12.500.000 сўмга баҳолашни лозим топди.

Суд қайд этилган ҳолатлар ҳамда юқоридаги қонун ва раҳбарий кўрсатма талабларидан келиб чиқиб, даъвони қисман қаноатлантиришни, жавобгар М.Хашимовдан даъвогар Х.Рахимованинг фойдасига 38.200 сўм моддий зарар, 1.000.000 сўм адвокатларга қилинган харажатлар ва 12.500.000 сўм миқдорда маънавий зарарларни ундиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 138-моддасига биноан ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Суд тарафлардан давлат божи ундириш масаласини муҳокама қилиб, даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилаётганлиги, яъни ҳал қилув қарори даъвогарнинг фойдасига чиқарилаётганлигини инobatга олиб, жавобгардан даъвогарнинг фойдасига у томонидан судга даъво ариза топширишда давлат божи учун тўланган 368.600 сўмни ҳамда давлат фойдасига 184.300 сўм давлат божи ундиришни лозим деб топди.

Бинобарин, суд иш материалларига асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 249-253-моддаларига қўлланиб, қарор қилади

ҚАРОР:

Даъвогар Рахимова Хилола Эгамовнанинг жавобгар Хашимов Мансур Ғуломовичга нисбатан жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво талаблари қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар Ҳашимов Мансур Ғуломовичдан даъвогар Раҳимова Хилола Эгамовнанинг фойдасига етказилган 38.200 сўм моддий зарар, 1.000.000 сўм адвокатларга қилинган харажатлар, давлат божи учун тўланган 368.600 сўм ва етказилган 12.500.000 сўм миқдордаги маънавий зарар билан жами 3.906.800 сўм ундирилсин.

Жавобгар Ҳашимов Мансур Ғуломовичдан давлат фойдасига 184.300 сўм миқдорда давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон, ҳал қилув қарор қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали бир ой муддат ичида Наманган вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

(имзо)

Б.Собиров

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2021 йил декабрь ойининг 24 куни фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

раислик этувчи А.А.Муродов,

суд мажлиси котиби А.М.Маликовдан иборат таркибда,

даъвогар Т.А.Пулатов, жавобгар С.А.Пулатованинг иштирокида,

даъвогар Тохир Акбарович Пулатовнинг жавобгар Севара Алижоновна Пулатовага нисбатан бола билан кўришиб туриш тартибини белгилаш тўғрисидаги 2-12-20/71-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар Т.А.Пулатов судга даъво аризаси билан муружат қилиб, ўз даъво аризасида вояга етмаган 2017 йил 8 июнда туғилган Пулатова Дилроз Тохир қизи билан ҳар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари ўз уйига олиб бориб кўришиб туриш вақтини белгилаб беришни ва бунга жавобгар С.А.Пулатованинг зиммасига тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини юклашни ҳамда суд харажатларини жавобгардан унинг фойдасига ундиришни сўраган.

Даъвогар Т.А.Пулатов суд мажлисида даъво аризасини қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган жавобгар С.А.Пулатова суд мажлисига келмаган ва келмаслик сабабини ҳам судга маълум қилмаган, шунингдек ишни ўзининг иштирокисиз кўриш ҳақидаги илтимоснома билан ҳам муружаат қилмаган.

Шунга кўра, суд унинг судга келмаганлигини узрсиз деб топиб, Фуқаролик процессуал кодексининг 220-моддаси 3-қисмига асосан ишни унинг иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд мажлисида сўралган Ромитан туман халқ таълими бўлими ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” органи вакили Ў.Н.Ниёзов ўзининг тушунтиришида, жавобгар қаршилик кўр-

сатганлиги туфайли даъвогар ушбу мазмундаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга мажбур бўлганлиги, даъвогар боласи Дилроз билан учрашиш, унинг таълим тарбиясида иштирок этиш ҳуқуқига эгаллиги, жавобгар қаршилиқ кўрсатганлиги туфайли даъвогарнинг боласини ўз уйига олиб кетиш шарти билан кўришиб туриш тартибини белгилаш тавсия этилиши ҳақида хулоса берди.

Суд даъвогарнинг тушунтириши, мутахассиснинг хулосасини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, тарафлар 2016 йил 20 июлда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш куришган.

Турмушларидан бир нафар, 2017 йил 8 июнда Д.Т.Пулатова исмли фарзанди туғилган.

Оиладаги носоғлом муҳит туфайли тарафлар 2019 йил 28 майдан буён бирга яшамайди ва вояга етмаган Дилроз эса онаси С.А.Пулатованинг тарбиясида бўлиб, улар Ромитан туман “Тошрабат” МФЙ, “Элобод” қишлоғида жавобгарнинг ота-онасининг уйида яшаб келмоқда.

Тарафлар ўртасида бола тарбиясида иштирок этиш борасида низо келиб чиққанлиги боис, даъвогар дастлаб тумандаги васийлик ва ҳомийлик органига боласи билан кўришиб туриш тартибини белгилаб бериш борасида мурожаат қилган.

Ромитан туман васийлик ва ҳомийлик органининг 2020 йил 1 июндаги қарори билан даъвогарга боласи билан ҳар ҳафтанинг шанба кuni соат 10-00дан 17-00гача ўз уйига олиб боришга ҳамда байрам кунлари соат 10-00дан 15-00гача кўнгил очар масканларга С.А.Пулатованинг ҳамроҳлигида олиб боришга рухсат берилган. Бироқ, мазкур қарорнинг амалга оширилишига жавобгарнинг қаршилиги туфайли даъвогар судга ушбу мазмундаги даъво аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Ромитан туман халқ таълими бўлими ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” органининг 2020 йил 16 июндаги судга тақдим этган хулосасида, даъвогар Т.А.Пулатовнинг вояга етмаган боласи Дилроз билан учрашиб, унинг тарбиясида иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида хулоса қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 66-моддасига кўра, бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Ота ва она алоҳида яшаган ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Ушбу кодекснинг 71-моддасига асосан ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар (ота-оналик ҳуқуқлари).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг 7-банди, 7-қисмига асосан, суд алоҳида турадиган ота ёки онанинг боласини тарбиялашда иштирок этиш тартибини белгилайди ва бола билан бирга турадиган ота ёки онага бунга қаршилик кўрсатмаслик мажбуриятини юклайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-сессиясида қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХII-сонли қарори билан ратификация қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 7-моддасига мувофиқ, бола иложи борича, ўз ота-онасини билиш ва уларнинг ғамхўрликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларини олишга ҳақли ҳисобланади.

Ушбу Конвенциянинг 9-моддасида, иштирокчи-давлатлар ота-онасининг биттаси ёки ҳар икковидан ҳам айрилган боланинг улар билан мунтазам равишда шахсий муносабатлар ва тўғридан-тўғри алоқалар боғлаб туриш ҳуқуқини ҳурмат қилишлари белгиланган.

Бинобарин, суд юқоридаги қонун талаблари ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб, даъвогар кўришиб туриш тартибини белгилаб беришни сўраётган бола онасига боғланиб қолиб, узоқ вақт-

дан буён онаси ва онасининг яқин қариндошлари билан бирга яшаб келаётганлиги, унинг ёшлиги ва ўз ҳаракатларини тўлиқ мустақил амалга ошира олмаслиги, бу ёшда бола тез-тез онасининг эътибори ва кўмагига муҳтож бўлиб туриши, бу ёшда болани онасидан узоқлаштириш, яъни даъвогар ўз уйига олиб кетиши бола манфаатларига зид бўлиб ҳисобланиши, бола даъвогарни кўриб, унга кўпроқ ўрганиши ва меҳр қўйиши лозимлиги, шунингдек унинг ухлаш, ўйнаш ва дам олиш кун тартибини инобатга олиб ҳамда бола манфаатларидан келиб чиқиб, даъвогарга вояга етмаган 2017 йил 8 июнда туғилган Дилроз исмли боласи билан кўришиб, унинг тарбиясида иштирок этиш тартибини ҳар ойнинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи якшанба кунлари соат 10⁰⁰ дан 17⁰⁰ га белгилаш ва бунга жавобгарнинг зиммасига қаршилик кўрсатмаслик мажбуриятини юклаш тўғрисида тўхтамга келади.

Шу билан бирга суд тарафларга боланинг улғайиб бориши, қариндошлар ўртасидаги муносабатлар ёки яшаш, иш, уй шароитлари ўзгариши мумкинлигидан келиб чиқиб, бола билан кўришиш тартибини ўзгартириш бўйича кейинчалик яна судга умумий тартибда янги асослар бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқлари мавжудлигини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 138-моддасига биноан ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Суд тарафлардан суд харажатларини ундириш масаласини муҳокама қилиб, даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилганлигини инобатга олиб, жавобгардан даъвогарнинг фойдасига у томонидан судга даъво ариза топширишда давлат божи учун тўланган 446.000 сўм ва почта харажатлари учун тўланган 15.610 сўмни ундиришни лозим деб топди.

Бинобарин, суд иш материалларига асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 220, 249-253-моддаларига қўлланиб, қарор қилади

ҚАРОР:

Даъвогар Тохир Акбарович Пулатовнинг жавобгар Севара Алижонова Пулатовага нисбатан бола билан кўришиб туриш тартибини белгилаш тўғрисидаги даъвоси қисман қаноатлангилсин.

Вояга етмаган 2017 йил 8 июнда туғилган Дилроз Тохир кизи Пулатова билан даъвогар Тохир Акбарович Пулатовнинг кўришиб, унинг тарбиясида иштирок қилиш вақти ҳар ойнинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи якшанба кунлари соат 10⁰⁰ дан 17⁰⁰ га қадар белгилансин ва бунга жавобгар Пулатова Севара Алижоновнанинг зиммасига қаршилиқ кўрсатмаслик мажбурияти юклатилсин.

Жавобгар Севара Алижонова Пулатовадан даъвогар Тохир Акбарович Пулатовнинг фойдасига у томонидан судга даъво ариза топширишда давлат божи учун тўланган 446.000 сўм ва почта харажатлари учун тўланган 15.610 сўм ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон, ҳал қилув қарор қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали бир ой муддат ичида Бухоро вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция шикояти, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

(имзо)

А.А.Муродов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2021 йил декабрь ойининг 28 куни фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

раислик этувчи А.А.Муродов,

суд мажлиси котиби А.М.Маликовдан иборат таркибда,

даъвогар С.С.Собирова, жавобгар С.А.Собировнинг

иштирокида,

даъвогар Севара Солижоновна Собированинг жавобгар Сардор Анварович Собировга нисбатан болани ўз тарбиясига олиш тўғрисидаги 2-1002-2107/2711-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар С.С.Собирова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъво аризасида 2018 йил 16 сентябрда қайнукаси боласини уч кунда қайтаришга ваъда бериб ва бунга ишонтирган ҳолда қилган илтимосига биноан ўғли Русланни унга бериб юборишга мажбур бўлганлиги, бироқ жавобгар Россиядан келгач, боласини унга қайтармасдан ҳанузга қадар уни овора қилиб келаётганлигини кўрсатиб, вояга етмаган 2012 йил 30 сентябрда туғилган Собиров Руслан Сардор ўғли исмли боласини жавобгар С.А.Собировдан унинг тарбиясига олиб беришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар С.С.Собирова даъво аризасини қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида сўралган жавобгар С.А.Собиров, даъвони тан олмасдан уни рад қилишни сўради.

Суд мажлисида сўралган Жондор туман халқ таълими бўлими ҳузуридаги васийлик ва хомийлик кенгаши вакили М.А.Худойкулова ўзининг баёнотида, тарафларнинг оилавий муносабатлари ўрганилганлиги, тарафларнинг сўзига кўра, улар 2011 йил 22 декабрда қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қурганлиги, уларнинг биргаликдаги турмушларидан 2012 йил 30 сентябрда Руслан исмли фарзанди туғилганлиги, ўзаро келишмовчиликлар

сабабли тарафлар ҳозирда алоҳида яшаши, тарафларнинг уйда бола тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар мавжудлиги, бу ҳақда хулоса тузилганлиги, лекин даъвогар С.С.Собирова яшаб келаётган уй-жой марҳум бобоси Т.А.Ёдгоровнинг номида бўлиб, унинг муқобил яшаш жойи йўқлиги, у вақтинча ҳеч қаерда ишламаслиги, ота-онасининг қарамоғида эканлиги, болани таъминлашга қийналишини инобатга олиб, даъвогарнинг яшаш ва иш жойи бўлгунга қадар болани отаси С.А.Собировнинг тарбиясига вақтинча қолдириш, даъвогар С.С.Собированинг боласи билан кўришиш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса берди.

Суд тарафларнинг тушунтиришлари, мутахассиснинг хулосасини тинглаб, иш ҳужжатларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, куйидаги асосларга кўра даъвони қаноатлантиришни лозим топди.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, тарафлар 2011 йил 22 декабрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган.

Турмушидан бир нафар, яъни 2012 йил 30 сентябрда Руслан исмли фарзанди туғилган.

Оиладаги ўзаро келишмовчиликлар сабабли тарафлар ҳозирда алоҳида яшаб келмоқдалар, тарафлар никоҳдан ажратилмаган.

Жавобгар С.А.Собиров 2018 йил апрелда Россия Федерациясига кетиб, 2018 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга қайтиб келган. Укаси орқали боласи Русланни 2018 йил 16 сентябрда даъвогарнинг тарбиясидан вақтинча олиб, уни онасига қайтармасдан келганлиги боис даъвогар С.С.Собирова судга ушбу мазмундаги даъво аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 73-моддасига кўра, ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт. Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Мазкур Кодекснинг 75-моддасига биноан, ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаши ота-онанинг келишувига биноан белгиланади. Ота-она ўртасида келишув бўлмаса, низо суд томонидан болалар манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг

фикрини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Бунда суд, боланинг ота-онадан, ака-ука, опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, боланинг ёшени, ота-онасининг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни, болани тарбиялаш ва унинг камолоти учун шарт-шароитлар (ота-онасининг машғулот тури, иш тартиби, моддий ҳамда оилавий аҳволи ва бошқалар) яратиш имкониятини ҳисобга олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йилдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида” ги 23-сонли қарорининг 3-бандига кўра, суд ота-онадан бирининг моддий-маиший аҳволи устунлигининг ўзи болани унга олиб бериш учун асос бўла оладиган шарт ҳисобланмаслигини назарга олган ҳолда, боланинг ота-онадан, ака-ука опа-сингилларидан қайси бирига боғланиб қолганлигини, ота-онадан қайси бири болаларига нисбатан кўпроқ ғамхўрлик ва эътибор кўрсатаётганлигини, болаларнинг ёшени ва ота-онадан қайси бирига кўнгил қўйганлигини, ота-онанинг ахлоқий ва бошқа шахсий фазилатларини, ота-онанинг ҳар бири билан бола ўртасидаги муносабатларни эътиборга олиши кўрсатилган.

Гарчанд, Жондор туман ҳокимлиги халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлими ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” Кенгашининг судга тақдим этган 2018 йил 22 ноябрдаги хулосасида, болани отаси С.А.Собировнинг тарбиясида қолдирилиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулоса қилинган бўлсада, бироқ суд мазкур хулоса билан келишмайди.

Чунки, хулосада даъвогар С.С.Собированинг моддий-маиший аҳволи етарли даражада эмаслигига эътибор қаратилган холос. Ҳолбуки, бу борада жавобгарнинг устунлиги болани унинг тарбиясида қолдиришнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланмайди. Қолаверса, даъвогар С.С.Собирова боласига нисбатан оналик ҳукукидан маҳрум қилинмаган ва унинг оналик ҳуқуқлари чекланмаган. Аслида, вояга етмаган бола 2018 йил

16 сентябрга қадар ўз онаси С.С.Собированинг тарбиясида бўлган. Аксинча, жавобгар С.А.Собиров ушбу даврга қадар боласининг тарбиясидан йироқда Россия Федерациясида бўлиб, Ўзбекистонга келгач, боласини укаси орқали олишга эришган ҳолда уни ихтиёрий онасига қайтаришдан бўйин товлаб келган. Шунингдек, даъвогарнинг вақтинчалик ишсизлиги боласининг таъминоти учун жавобгардан алимент олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Мазкур ҳолатлар васийлик ва ҳомийлик органининг эътиборидан четда қолиб, асоссиз равишда шошма-шошарлик билан бола манфаатига тескари хулоса қилинган.

Шу билан бирга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-сессиясида қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХП-сонли қарори билан ратификация қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”-ги Конвенциянинг 18-моддасига мувофиқ, иштирокчи-давлатлар бола тарбияланиши ва ривожланиши учун ота-онанинг умумий ва бир хил жавобгарлиги тамойили эътироф этилишини таъминлашга қаратилган барча мумкин бўлган куч-ғайратларни сафарбар этадилар. Ота-она ёки тегишли ҳолатларда қонуний васийлар боланинг тарбияланиши ва ривожланиши учун асосий жавобгар бўладилар. Боланинг энг яхши манфаатлари улар кўрсатадиган асосий ғамхўрликнинг предмети ҳисобланади.

Ушбу Конвенцияда баён қилинган ҳуқуқларнинг амалга оширилишини кафолатлаш ва кўмаклашиш мақсадида иштирокчи-давлатлар ота-она ва қонуний васийларга бола тарбияси бўйича мажбуриятларини бажаришларига тегишли ёрдам кўрсатадилар ҳамда болалар муассасалари тармоғининг ривожланишини таъминлайдилар.

Иштирокчи-давлатлар ота-онаси ишлайдиган болалар учун мўлжалланган хизматлар ҳамда болалар парвариш қилинадиган муассасалардан болаларнинг фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

Суд аниқланган ҳолатлар, халқаро Конвенция, қонун ва раҳбарий тушунтириш талаблари ҳамда бола манфаатларидан келиб чиқиб, ўз боласини тарбиялашда даъвогарнинг ҳуқуқлари чекланмаганлиги, боланинг соғлом, тоза-озода юришида онасининг ўрни алоҳида аҳамият касб этиши, даъвогарда болалар тарбиясига салбий таъсир қилувчи омиллар мавжуд эмаслиги, ҳамда боланинг руҳий камолотини эътиборга олган ҳолда уни онасининг тарбиясига олиб берилиши боланинг манфаати ва ижтимоий адолат тамойилига тўла мос келиши, боланинг онаси тарбиясида қолиши фарзандни отаси ва бошқа яқинлари билан кўришиб туриши ҳамда унинг тарбиясида отасининг иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслигини инobatга олиб, жавобгарга боланинг тарбиясида иштирок этиб, у билан кўришиб туриш тартибини белгилаш борасида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтирган ҳолда даъвони қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 138-моддасига биноан, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Суд тарафлардан давлат божи ундириш масаласини муҳокама қилиб, даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилганлигини инobatга олиб, жавобгардан даъвогарнинг фойдасига у томонидан судга даъво ариза топширишда давлат божи учун тўланган 368.600 сўмни ундиришни лозим деб топди.

Бинобарин, суд иш материалларига асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 249-253-моддалари қўлланиб қарор қилади

Қ А Р О Р :

даъвогар Севара Солижонова Собированинг жавобгар Сардор Анварович Собировга нисбатан болани ўз тарбиясига олиш тўғрисидаги даъвоси қаноатлантирилсин.

Вояга етмаган 2012 йил 30 сентябрда туғилган Собиров Руслан Сардор ўгли жавобгар Сардор Анварович Собировдан даъвогар Севара Солижонова Собированинг тарбиясига олиб берилсин.

Жавобгар Сардор Анварович Собировдан даъвогар Севара Солижонова Собированинг фойдасига даъво аризаси топширишда давлат божи учун олдиндан тўланган 368.600 сўм ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон, ҳал қилув қарор қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали бир ой муддат ичида Бухоро вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

(имзо)

М.М.Муродов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2021 йил декабрь ойининг 21 куні фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

раислик этувчи А.А.Саломов,

суд мажлиси котиби А.М.Маликовдан иборат таркибда,
даъвогар Д.А.Холдоралиев, жавобгар А.А.Холдоралиеванинг иштирокида,

даъвогар Дилшод Абдурахимович Холдоралиевнинг жавобгар Анаора Анваровна Холдоралиевага нисбатан бола билан кўришиб туриш тартибини белгилаш тўғрисидаги 2-12-27/11-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Д.А.Холдоралиев судга даъво ариза билан мурожаат этиб, ўзининг даъво аризаси ва суд мажлисида берган тushунтиришида даъво аризасини қўллаб-қувватлаб, 2010 йилда қонуний никоҳдан ўтмасдан бирга яшаганлиги, ўрталарида бир нафар Камрон исмли фарзанди туғилганлиги, боласи тақдирини ўйлаб жавобгар билан яшаш учун ҳаракат қилганлиги, бироқ қайнонаси, қайнотаси турли хил жанжал ва келишмовчиликлар келтириб чиқарганлиги сабабли фарзанди ва турмуш ўртоғини олиб кетганлиги, шундан сўнг фарзандини кўриш учун тўсқинлик бўлганлиги, ажралиш сабабига онаси ва қайнонаси сабабчи эканлигини кўрсатиб, фарзанди билан кўришиб туриш тартибини белгилаб беришни сўради.

Суд мажлисида сўралган жавобгар А.А.Холдоралиева даъво талабини тан олмасдан, унга эътироз билдириб, даъвогар билан 2010 йилда шаърий никоҳ асосида турмуш қурганлиги, ўрталарида бир нафар 2011 йил 6 ноябрда туғилган Холдоралиев Камрон Дилшодович борлиги, шундан сўнг уни уйдан фарзанди билан чиқариб ҳайдаб юборганлиги, 10 йил давомида бирор марта ҳам фарзандини ўйлаб келмаганлиги, яқинда алиментни тўлашни талаб қилганидан сўнг даъво қилаётганлиги, аслида агар алиментдан воз кечсагина уни тинч қўйишни айтганлиги,

фарзанди отаси борлигини билмаслиги, чунки отасиз ўсганлиги учун отаси ҳақида тасаввури йўқлиги, у жуда таъсирчан бола бўлиб уни руҳиятига бу ҳолат таъсир кўрсатиши мумкинлиги, фарзанди катта бўлса ўзи мустақил қарор қабул қилиши мумкинлиги, ҳозирда отаси билан кўришишини истамаслигини баён этиб, даъво аризасини қаноатлантиришни рад қилишни сўради.

Суд муҳокамасида иштирок этган Қарши шаҳар ҳокимлиги Болаларни ҳимоя қилиш шўъбаси вакили А.А.Боқиев ўзининг тушунтиришида, боланинг манфаатлари устун эканлиги, у ҳозирда отаси билан кўришишни истамаслигини инобатга олишни сўради.

Суд муҳокамасида иштирок этган психолог З.Қ.Файзиёва ўзининг тушунтиришида, вояга етмаган Камрон билан яқка тартибда суҳбат ўтказиб, уни ички дунёси билан танишганлиги, бола отаси ҳақида тасаввурга эга эмаслиги, чунки 10 йил ўтибдики, ота фарзандини кўрмаганлиги, бола ўзини тушунтиришида йиғлаб отаси билан кўришишни истамаслигини айтганлиги, уни мажбурлаб учраштириш боланинг руҳиятига таъсир кўрсатиш мумкинлиги, ҳозирча боланинг отаси билан учрашиш тартибини белгилаб бериш мақсадга мувофиқ эмаслигини инобатга олишни баён этди.

Суд тарафларнинг тушунтиришлари, мутахассисларнинг фикрларини тинглаб, иш бўйича ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, тўпланган далилларга тегишлича ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги ҳулосага келди.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, тарафлар шаръий никоҳдан ўтган ҳолда бирга яшаб келишган.

Ўрталарида 2011 йил 6 ноябрда бир нафар, Камрон исмли фарзанд туғилган.

Оилавий келишмовчиликлар сабабли, тарафлар 2011 йилдан буён биргаликда яшамайди. Вояга етмаган Камрон жавобгар А.А.Холдоралиеванинг қаромоғида яшаб келмоқда.

Даъвогар бола билан кўришиш масаласида жавобгар ўртасида низо келиб чиққанлиги сабабли судга мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 66-моддасига кўра, бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Ота ва она алоҳида яшаган ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Ушбу кодекснинг 71-моддасига асосан ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар (ота-оналик ҳуқуқлари).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг 7-банди, 7-қисмига асосан, суд алоҳида турадиган ота ёки онанинг боласини тарбиялашда иштирок этиш тартибини белгилайди ва бола билан бирга турадиган ота ёки онага бунга қаршилик кўрсатмаслик мажбуриятини юклайди.

Шу билан бирга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-сессиясида қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХП-сонли қарори билан ратификация қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”-ги Конвенциянинг 1-моддасига кўра, ушбу конвенциянинг мақсадлари учун 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай инсон зоти, агар болага нисбатан қўлланадиган қонун бўйича у эртароқ балоғатга етмаган бўлса, бола ҳисобланади.

Конвенциянинг 9-моддасига асосан иштирокчи давлатлар бола ўз ота-онасидан уларнинг хоҳишларига зид равишда айрилиб қолмаслигини таъминлайдилар, ваколатли органлар суд қарорига биноан қўлланган қонун ва тартиб-русумга мувофиқ бундай айрилиш боланинг энг яхши манфаатлари йўлида зарур деб топган ҳолатлар бун-

дан мустаснодир. Бундай ажрим, масалан, ота-она болага шафқатсизлик билан муносабатда бўлган ёки у ҳақда ғамхўрлик қилмай қўйган ёхуд ота-она алоҳида яшаётган ҳамда бола яшайдиган жойга нисбатан қарор қабул қилиш зарурияти пайдо бўлган у ёки бу аниқ ҳолатда зарур бўлиши мумкин. Конвенциянинг ушбу моддаси талабидан келиб чиқиб, суд муҳокамасида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, бола отаси билан 10 йил давомида бирга яшамаган ва ота томонидан болага нисбатан шу муддат ичида моддий ёки маънавий ва бошқа жиҳатдан ҳеч қандай ғамхўрлик кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, ушбу конвенциянинг 9-моддаси 2-қисмида ишни ҳар қандай шароитда кўриб чиқиш жараёнида барча манфаатдор томонларга муҳокамада қатнашиш ва ўз нуқтаи-назарини баён қилиш имконияти берилиши лозимлиги, 12-моддасида иштирокчи давлатлар ўзининг қарашларини шакллантиришга қодир болага ана шу қарашларни болага тааллуқли барча масалалар бўйича эркин ифода этиш ҳуқуқини таъминлашлари лозимлиги, 13-моддасида эса бола ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасида, оилада ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода этишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама жараёнида сўзлашга ҳақлидир. Бунда қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъий назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши кераклиги кўрсатилган.

Суд юқорида қайд этилган қонун талаблари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмалари, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун талабларига таянган

холда баҳо бериб, вояга етмаган болани отаси ҳақида тасаввурга эга эмаслиги, чунки 10 йилдан буён ота фарзандини кўрмаганлиги, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш боланинг руҳиятига таъсир кўрсатиши мумкинлиги, вояга етмаган боланинг манфаатини устунлигини инобатга олиб, даъво аризасини қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

Бинобарин, суд иш материалларига асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 249-253-моддалари қўлланиб, қарор қилади

ҚАРОР:

Даъвогар Дилшод Абдурахимович Холдоралиевнинг жавобгар Анора Анваровна Холдоралиевага нисбатан бола билан кўришиб туриш тартибини белгилаш тўғрисидаги даъво аризаси рад этилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон, ҳал қилув қарор қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали бир ой муддат ичида Қашқадарё вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти, прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

А.А.Саломов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2021 йил декабрь ойининг 24 куни фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

раислик этувчи – судья: М.Жалолова

суд мажлиси котиби Ж.Муҳаммадиевдан иборат таркибда, Учтепа туман прокурори ёрдамчиси А.Атабеков, даъвогар Тожиева Ситора Мирзаевна, учинчи шахс Валиев Эргаш Салимовичлар иштирокида даъвогар Тожиева Ситора Мирзаевнанинг жавобгар Жаҳонгиров Раҳмат Илёсовичга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича кўзғатилган 2-18-06/34-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар С.М.Тожиева судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, ўзининг даъво аризасида ва судда берган тушунтиришида, жавобгар билан 2009 йил 6 сентябрь куни қонуний никоҳдан ўтганлиги, ўрталарида 2010 йил 5 май куни туғилган Жаҳонгирова Муштарий Илёс қизи ва 2011 йил 1 июлда туғилган Жаҳонгиров Ўлмасжон Илёс ўғли туғилганлиги, фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманларо судининг 2021 йил 29 октябрдаги ҳал қилув қарори билан ўрталаридаги никоҳ бекор қилинганлиги, фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманларо судининг 2014 йил 05 декабрдаги суд буйруғи билан икки нафар фарзандлари учун алимент ундириш белгиланганлиги, бироқ 2018 йил 1 январь кунидан 2020 йилнинг 1 февраль кунига қадар 25 ой мобайнида ундирилиши лозим бўлган 11.694.410 сўм алиментни тўлашдан бош тортиб келганлиги сабабли Учтепа туман маъмурий судининг 2020 йил 04 февралдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 474-моддаси қўлланиб 15 сутка маъмурий қамок жазосига тайинланганлиги, бундан ташқари, 2020 йил 1 ноябрь кунидан 2021 йил 1 май кунига қадар тўланиши лозим бўлган

13.821.699 сўм алимент пулини тўлашдан бўйин товланганлиги учун жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2021 йил 18 майдаги қарорига асосан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганлиги, алиментдан қарздорлиги 31.377.703 сўмни ташкил қилганлиги, икки марта алимент пулини тўламаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилишига қарамасдан алимент пуллари тўлашдан бош тортиб келаётганлиги сабабли оталик ҳуқуқидан маҳрум қилишни сўради.

Жавобгар Р.И.Жаҳонгиров ариза тақдим қилиб, даъво талабини тан олиши, суд мажлисида иштирок эта олмаслигини кўрсатиб, ишни ўзини иштирокисиз кўришни сўраган.

Шунга кўра, суд мазкур фуқаролик ишини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (кейинги ўринда – ФПК деб юритилади)нинг 220-моддаси 4-қисмига асосан жавобгар Р.И.Жаҳонгировнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд мажлисида иштирок этган Учтепа тумани ҳокимлиги болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси вакили Э.С.Валиев ўзининг тушунтиришида ҳақиқатан ҳам жавобгар Р.И.Жаҳонгиров томонидан вояга етмаган фарзандларининг тарбиясида иштирок этмаётганлиги, алимент тўлашдан бўйин товлаб келаётганлиги, ушбу ҳолатлар оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун асос бўла олишини баён этди.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришини тинглаб, прокурорнинг даъвои қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, даъво аризасини қуйидаги асосларга кўра қаноатлантиришни лозим топди.

Суд муҳокамаси давомида аниқланган ҳолатларга кўра, даъвогар С.М.Тожиева жавобгар Р.И.Жаҳонгиров билан 2009 йил 6 сентябрь куни қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлар. Ўзаро турмушларидан 2010 йил 5 май куни туғилган Жаҳонгирова Муштарий Илёс қизи ва 2011 йил 1 июлда туғилган Жаҳонгиров Ўлмасжон Илёс ўғли бор.

Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманларо судининг 2014 йил 05 декабрдаги суд буйруғи билан икки нафар вояга етма-

ган фарзандлари 2010 йил 5 май куни туғилган Жаҳонгирова Муштарий Илёс кизи ва 2011 йил 1 июлда туғилган Жаҳонгиров Ўлмасжон Илёс ўғли вояга етгунга қадар 1/3 миқдорида алимент ундириш белгиланган.

Учтепа туман маъмурий судининг 2020 йил 04 февралдаги қарорига асосан Р.И.Жаҳонгиров Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47⁴-моддаси 15 сутка маъмурий қamoқ жазосига тайинланган.

Бундан ташқари, 2020 йил 1 ноябрь кунидан 2021 йил 1 май кунига қадар тўланиши лозим бўлган 13.821.699 сўм алиментни тўлашдан бўйин товланганлиги учун Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2021 йил 18 майдаги қарорига асосан 15 сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинланган ва ҳозирда алиментдан қарздорлиги 31.377.703 сўмни ташкил қилади.

Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2021 йил 29 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, тарафлар ўрталаридаги никоҳдан ажратилганлар.

Даъвогар вояга етмаган фарзандларини ёлғиз ўзи тарбиялаб келаётганлиги, жавобгар фарзандларини тарбияси ва моддий таъминоти билан шуғулланмаганлиги сабабли жавобгарга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

Суд даъво талабини бола ҳуқуқларига оид миллий қонун ҳужжатлари ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида баҳо бериб, қуйидагиларга кўра даъвони асосли деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** 64-моддасига асосан ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-сессиясида қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХП-сонли қарори билан ратификация қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияни 19-моддасига мувофиқ иштирокчи давлатлар болани жисмоний ва руҳий зўравонликнинг, ҳақоратлаш ва

суистеъмолликлар, ғамхўрлик кўрсатмаслик ёки бепарволик билан муомалада бўлиш, қўпол муомалада бўлишдан ҳимоялаш мақсадида жамики зарур қонуний, маъмурий, ижтимоий ва маърифий чора-тадбирларни кўриши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 79-моддасида ота-она (улардан бири) ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа, ота-оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 15-бандида тушунтирилишича, ота-она (улардан бири) Оила кодексининг 79-моддасига биноан ота-оналик ҳуқуқидан ўзларининг айбли хулқ-атвориغا кўра, агар улар ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа, узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, ўқув-тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш муассасалардан олишдан бош тортса, ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса, ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига Учтепа қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Мазкур ҳолатда жавобгар томонидан вояга етмаган фарзандини боқиш ва тарбиялаш билан боғлиқ конституциявий бурч бажарилмасдан бола ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатлари ва конвенция талаблари қўпол равишда бузилган.

Суд юқоридаги ҳолатлар, Оила кодекси талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий

кўрсатмаларига таянган ҳолда даъвогар С.М.Тожиевнинг даъво аризасини муҳокама қилиб, жавобгар Р.И.Жаҳонгиров икки нафар ояга етмаган фарзандларининг тарбияси, моддий таъминоти билан шуғулланмаганлиги, боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳамда жавобгар даъвони тан олганлигини ҳам инobatга олган ҳолда, даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 80-моддаси 4-қисмига мувофиқ, суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда боланинг таъминоти учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онадан (уларнинг биридан) алимент ундириш масаласини ҳал қилади.

Суд юқорида қайд қилинган қонун талабидан келиб чиқиб, фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2014 йил 05 декабрдаги суд буйруғига асосан даъвогар С.М.Тожиева фойдасига жавобгар Р.И.Жаҳонгиров ҳисобидан икки нафар вояга етмаган фарзандлари учун иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундирилганлигини инobatга олишни лозим топди.

Суд давлат божи ундириш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси ФПК 138-моддасига асосан даъво ариза билан мурожаат қилишда тўланган 300.000 сўмни жавобгар Р.И.Жаҳонгировдан даъвогар С.М.Тожиевнинг фойдасига ундиришни лозим топди.

Бинобарин, суд иш материалларига асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 220, 226, 249-253-моддалари қўлланилиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Тожиева Ситора Мирзаевнанинг жавобгар Жаҳонгиров Раҳмат Илёсовичга нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар Жаҳонгиров Раҳмат Илёсович 2010 йил 5 май куни туғилган Жаҳонгирова Муштарий Илёс қизи ва 2011 йил 1 июлда туғилган Жаҳонгиров Ўлмасжон Илёс ўғлига нисбатан оталик ҳуқуқидан маҳрум этилсин.

Жавобгар Жаҳонгиров Раҳмат Илёсовичдан даъвогар Тожиева Ситора Мирзаевна фойдасига даъво ариза беришда тўланган 300.000 сўм давлат божи суммаси ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг уч кун ичида қарорнинг нусхаси Учтепа туман ФХДЁ бўлимига юборилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон, ҳал қилув қарор қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали бир ой муддат ичида Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судов ҳайъатига апелляция шикояти, прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

М.Жалолова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2021 йил ноябрь ойининг 22 куни фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

раислик этувчи судья И.Валиев,

суд мажлиси котиби Ш.Қобиловадан иборат таркибда, тарафлар иштирокида даъвогар Каримова Саодат Кулдашбековнанинг жавобгар Учтепа туманидаги 27-сонли умумтаълим мактабига нисбатан буйруқни ғайриқонуний деб топиш, ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи, моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича кўзгатишган 2-10-06/63-сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар С.К.Каримова жавобгар Учтепа туманидаги 27-сонли умумтаълим мактабига нисбатан буйруқни ғайриқонуний деб топиш, ишга тиклаш, мажбурий прогул бекор юрган кунлари учун иш ҳақи, моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, унда меҳнат шартномаси ноқонуний равишда бекор қилганлигини кўрсатган.

Даъвогар С.К.Каримова суд мажлисида берган тушунтиришида, даъво талабларини қувватлаб, 2005 йилдан буён 2021 йилнинг 31 июль кунига қадар Учтепа туманидаги 27-сонли умумтаълим мактабида ўқитувчи лавозимида ишлаб келганлиги, таътилдан қайтгандан сўнг умумтаълим мактаб жамоаси йиғилишида пенсия ёшига етганлиги сабабли иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатилиши ҳақида унга айтилганлиги, 2021 йил 31 июль куни 54-К сонли буйруқ асосида Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 7-бандига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги, бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 07 мартдаги “Хотин қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-

сон Қарорининг 1-бандида 2019 йил 1 майдан аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланиши белгиланганлиги, касаба уюшмасининг розилиги олинмаганлигини баён қилиб, даъво аризасини ишга тиклаш ва иш ҳақини ундириш ҳақидаги талабини қаноатлантиришни, маънавий ва моддий зарарни ундириш талабини кўрмасдан қолдиришни сўради.

Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2021 йил 22 ноябрдаги ажрими билан даъвогар С.К.Каримовнинг жавобгар Учтепа туманидаги 27-сонли умумтаълим мактабга нисбатан моддий ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво талаби кўрмасдан қолдирилган.

Суд мажлисида ишироқ этган жавобгар Учтепа туманидаги 27-сонли умумтаълим мактаб директори Х.Бориев даъвогарнинг даъво талабини тан олмасдан, даъвогар пенсия ёшига етганлиги муносабати билан асосли бўшатирилганлиги, тўлиқ ҳисоб-китоб қилинганлиги, буйруқ билан таништирилганлигини баён қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад қилишни сўради.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, иш бўйича тўпланган ҳужжатлар билан танишиб ва далилларга тегишлича баҳо бериб, қуйидаги хулосага келди.

Фуқаролик ишида тўпланган ҳужжатлар ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, Учтепа туманидаги 27-сонли умумтаълим мактаб директорининг 2005 йил 14 ноябрдаги 109-сонли буйруғи билан даъвогар С.К.Каримова ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилинган.

Учтепа туманидаги 27-сонли умумтаълим мактаб директорининг 2021 йилда 31 июлдаги 54К-сонли буйруғи билан даъвогар С.К.Каримова билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 2-қисми 7-бандига асосан 2021 йил 31 июль кунидан бекор қилинган.

Ўзбекистон Таълим ва Фан Касаба уюшмаси Учтепа шаҳар бўлинмаси кенгашининг 2021 йил 25 октябрдаги қонунбузилиш кўрсатмасида ҳамда иш берувчи томонидан ходим С.К.Каримова билан ноқонуний меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги, меҳнат қонунбузилиши ҳолатлари бўйича бартараф этилиши қайд этилган.

Даъвогар тарафлар ўртасида тузилган меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинганлиги сабабли ўз лавозимига тиклаш ҳамда жавобгар томонидан бош тортилганлиги туфайли бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун судга мурожаат қилган.

Суд даъвогарнинг талабларини иш ҳужжатлари, меҳнатга оид қонун ҳужжатлари ва халқаро ҳужжатлар асосида муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра даъвони асосли деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** 37-моддасига кўра, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Конституциянинг 43-моддасига асосан давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-моддасида (*БМТ, 10.12.1948 йил, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 30.09.1991 йилдаги 366-Х11-сонли қарори*) ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига асосан суднинг асосий вазифалари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, халқаро шартномаларида, шунингдек инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда кафолатланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг

хуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 101-моддаси 1-қисмида меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишига тикланиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги қарорининг 401-бандида тушунтирилишича, судлар ушбу туркумдаги ишларни кўришда иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантирилганлигини текширишлари керак.

Жавобгар томонидан даъвогар билан меҳнат шартномасини бекор қилишда икки ойлик огоҳлантириш муддатига риоя қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари ва Жўқорғи Кенгес қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари, давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик ва ижроия органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлардан иборатдир.

Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4235-сон Қарорининг 1-банди олтинчи хатбошисида аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланиши назарда тутилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1979 йил 18 декабрдаги 34/180-сонли қарори билан қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси учун 1995 йил 18 августдан кучга кирган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995-йил 6-майдаги 87-И-сонли қарорига асосан ушбу Конвенцияга қўшилган*) “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенциянинг 2-моддаси с) бандида иштирокчи давлатларнинг аёллар ҳуқуқларини эркаклар билан тенг равишда қонуний ҳимоя қилишни ўрнатиш ва ваколатли миллий судлар ва бошқа давлат институтлари орқали аёлларни ҳар қандай камситиш ҳаракатларидан самарали ҳимоя қилишни таъминлашни мақсад қилиши, 11-моддасида эса хотин-қизларнинг иш билан банд бўлиш соҳасидаги ҳуқуқлари камситилишини бартараф этиш, барча инсонларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш мажбурияти юклатилган.

Мазкур ҳолатда таълим муассасаси томонидан даъвогар С.К.Каримованинг миллий қонунчилик ва халқаро

ҳуқуқий ҳужжатлар билан кафолатланган меҳнат қилиш билан боғлиқ ҳуқуқлари бузилган.

Шунингдек, даъвогар томонидан жавобгар билан меҳнат шартномасини бекор қилишда жамоа шартномасининг 15-банди талабларига зид равишда касаба уюшмаси кўмитасининг розилигини олмасдан барвақт қарор қабул қилиб, ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини кўпол равишда бузган.

Суд Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг раҳбарий кўрсатмаларига таянган ҳолда, жавобгар томонидан даъвогар билан меҳнат шартномасини бекор қилишда икки ойлик огоҳлантириш муддатига риоя қилинмаганлиги, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда касаба уюшмаси кўмитасининг розилиги олинмасдан, у билан тузилган меҳнат шартномаси ноқонуний равишда бекор қилинганлигини инобатга олиб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириб, жавобгар Уchteпа туманидаги 27-сонли умумтаълим мактабнинг 2021 йил 31 июлдаги 54К-сонли буйруғини ғайриқонуний деб топиб бекор қилишни, даъвогарни аввалги ишига тиклашни лозим топади.

Суд даъвогарнинг мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундириш ҳақидаги талабини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 275-моддасининг 3-қисмига асосан меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги, бошқа ишга ғайриқонуний равишда ўтказилганлиги ёки ишдан ғайриқонуний равишда четлатилганлиги оқибатида келиб чиққан мажбурий прогул вақти учун ходимга ҳақ тўлаш тўғрисидаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш чоғида меҳнат низоларини кўрувчи орган томонидан ходимнинг пул ундиришга доир талаблари бир йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қондирилади.

“Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли Қарорида ўртача ойлик иш

хақи кейинги икки календарь ойидаги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланиши кўрсатилган.

Фуқаролик иши ҳужжатларига тикилган ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномага кўра, даъвогар С.К.Каримованинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 5.000.000 сўмни ташкил қилади.

Мажбурий бекор юрган кунлари меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан суд ҳал қилув қарори қабул қилган кунга қадар 4 ойни ташкил қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд даъвогарнинг фойдасига жавобгардан мажбурий бекор юрган кунлари учун 20.000.000 сўм (5.000.000 сўм x 4 ой) миқдорида (солиқ ва барча мажбурий тўловлар чегирилган ҳолда) иш ҳақи ундиришни лозим топади.

Суд Ўзбекистон Республикаси ФПК 138-моддаси талабидан келиб чиқиб, иш бўйича суд харажатларини ундириш масаласини муҳокама қилиб, жавобгар буйруқни ғайриқонуний деб топиш ва ишга тиклаш бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробари, яъни 600.000 сўм, давронинг мажбурий бекор юрган учун иш ҳақи ундириш қисми бўйича 800.000 сўм (20.000.000 сўмни 4 фоизи) миқдорида, давлат божини давлат фойдасига ундиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига олдидан тўланган почта харажатлари учун 18.900 сўм ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 266-моддаси 2 ва 4-бандларига кўра суднинг қуйидаги, жумладан ходимга уч ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган иш ҳақини ундириб бериш тўғрисидаги ва меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ходимни ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилиши шарт.

Суд юқоридаги қонун талабидан келиб чиқиб, ҳал қилув қарорининг буйруқни бекор қилиб ишга тиклаш ва иш ҳақини ундириш ҳақидаги қисмларини дарҳол ижрога қаратишни лозим топади.

Бинобарин, суд иш материалларига асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 249-253-моддаларига қўлланиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Каримова Саодат Кулдашбековнанинг жавобгар Учтепа туманидаги 27-сонли умумтаълим мактабига нисбатан буйруқни ғайриқонуний деб топиш, ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундириш ҳақидаги даъво талаблари қаноатлантирилсин.

Жавобгар Учтепа туманидаги 27-сонли умумтаълим мактабининг 2021 йил 31 июлдаги 54К-сонли буйруғи ғайриқонуний деб топилиб, бекор қилинсин.

Даъвогар Каримова Саодат Кулдашбековна ўзининг аввалги Учтепа туманидаги 27-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчиси лавозимида ишга тиклансин.

Жавобгар Учтепа туманидаги 27-сонли умумтаълим мактаби ҳисобидан даъвогар Каримова Саодат Кулдашбековна фойдасига мажбурий бекор юрган кунлари учун 20.000.000 сўм иш ҳақи ва 18.900 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар Учтепа туманидаги 27-сонли умумтаълим мактаби ҳисобидан давлат фойдасига 1.400.000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарорининг ишга тиклаш ва 3 ойлик иш ҳақи ундириш ҳақидаги қисми дарҳол ижрога қаратилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон, ҳал қилув қарор қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали бир ой муддат ичида Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судов ҳайъатига апелляция шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

И.Валиев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ А Ж Р И М И

2021 йил май ойининг 27 куни Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг очиқ, видеоконференцалока режимдаги суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

раислик этувчи Ж.Хафизов,

ҳайъат аъзолари судьялар Ж.Собиров ва Р.Исмаев,

суд мажлиси котиби С.Нарзуллаевдан иборат таркибда, даъвогар Н.Амиркулова, жавобгар Ш.Хуррамов, адвокат Д.Рахманова, васийлик ва ҳомийлик органи вакили Ю.Жуманазаровлар иштирокида,

даъвогар Наргиза Азизованинг жавобгар Шавкат Халиловга нисбатан болани яшаш жойини белгилаш, болани ўз тарбиясига олиш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2020 йил 2 мартдаги ҳал қилув қарори ва фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 9 июндаги ажримига нисбатан жавобгар Ш.Халиловнинг келтирган кассация шикоятини иш ҳужжатлари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар Н.Азизова жавобгар Ш.Халиловга нисбатан болани яшаш жойини белгилаш, болани ўз тарбиясига олиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, унда жавобгар Ш.Халиловдан 2015 йил 20 февралда туғилган Халилов Шерзод Шавкат ўғлини ўзининг қарамоғига олиб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2020 йил 12 мартдаги ҳал қилув қарори билан Н.Азизованинг даъво талаби қаноатлантирилиб, 2015 йил 20 февралда туғилган Халилов Шерзод Шавкат ўғли жавобгар Ш.Халиловнинг қарамоғидан даъвогар Н.Азизовага олиб берилган ва боланинг яшаш жойи даъвогар билан белгиланган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2020 йил 9 июндаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳужжатларига нисбатан жавобгар Ш.Халилов томонидан кассация тартибида шикоят келтирилган.

Судлов ҳайъати иш бўйича маърузани, тарафларнинг тушунтиришини тинглаб, шикоят важларини иш материаллари асосида муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Ишдаги аниқланган ҳолатларга қараганда, тарафлар Н.Азизов ва Ш.Халиловлар 2012 йил 24 августда никоҳларини қонуний қайд эттирмасдан турмуш қуришган.

Уларнинг биргаликдаги турмушидан 2015 йил 20 февралда Шерзод исми ўғил туғилган ва унга нисбатан ФХДЁ бўлимида жавобгар Ш.Халиловнинг оталиги белгиланган.

Тарафлар ўртасидаги ўзаро оилавий келишмовчилик сабабли даъвогар Н.Азизова 2015 йил 3 июнда фарзанди Шерзод уч ойлик эмизикли чақалоқ бўлган вақтида ота-онасини уйига кетган.

Ўтган вақт давомида тарафларнинг вояга етмаган фарзанди Шерзод жавобгар Ш.Халилов ҳамда унинг ота-онаси У.Халилов ва Х.Халилованинг қарамоғида тарбияланиб келган.

Даъвогар Н.Азизова жавобгар Ш.Халилов томонидан фарзандини бериш ва уни кўрсатишдан бош тортганлигини асос қилиб, судга ушбу даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Судлар даъвони қаноатлантириш ҳақидаги хулосага келишда, вояга етмаган Шерзоднинг бу ёшида кўпроқ она тарбиясига муҳтож бўлишини асос қилганлар.

Судлов ҳайъати қуйидагиларга асосан судларнинг ушбу хулосаси билан келишмайди.

Учтепа туман васийлик ва ҳомийлик органи томонидан судга тарафларнинг турмуш шароитларини текшириш ва низо моҳияти юзасидан 2020 йил 5 февралда хулоса тақдим этилган.

Ушбу хулосада, ҳар икки тараф истиқомат қилиб келаётган уй-жойда вояга етмаган боланинг тарбияси учун шароитлар етарли эканлиги, бола кимда қолиши масаласи судга ҳавола этилган.

Судлов ҳайъатида аниқланишича, вояга етмаган Шерзод туғилганидан бошлаб “Сурункали энтероколит” ва қўшимча “Ичак энтерабиози” касаллиги ташхиси билан рўйхатдан турган ҳолда, жавобгар Ш.Халилов ҳамда унинг ота-онаси У.Халилов ва Х.Халиловалар томонидан доимий даволатиб келган.

Айни вақтда жавобгар Ш.Халилов 2017 йил 18 октябрда фуқаро Х.Бозорова билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган ва ундан бир нафар яъни 2019 йил 19 августда туғилган Малика исмли фарзандли бўлишган.

Гарчи, даъвогар Н.Азизова судлардаги тушунтиришида 2017 йилга қадар боласини тарбиясида иштирок этганлигини ва ж килса-да, аммо судлов ҳайъатида ўтказилган савол-жавоб натижасида тарафларнинг берган тушунтириши ва иш ҳужжатларида мавжуд бўлган ёзма далиллар билан унинг ушбу важи инкор этилади.

Юқорида қайд этилиб, суд томонидан аниқланганидек, судлов ҳайъати болани даъвогарга олиб бериш бола манфаатларига мос келмайди деб ҳисоблайди.

Хусусан, даъвогар Н.Азизова болани уч ойлигида жавобгарларга қолдириб кетиб, боланинг кейинги тақдири билан қизиқмаган, хабар олмаган ва тарбиясида иштирок этмаган, бола ҳатто онасини танимайди, ҳозирда бола отаси, бобо ва бувиси ҳамда ўғай онаси билан яшаб келиб, уларга нисбатан тўлиқ кўникма пайдо бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 72-моддасига мувофиқ ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шартлиги қайд этилган.

Демак, бунда жавобгар Ш.Халиловда фарзанди Шерзоднинг таълим-тарбияси билан шуғулланиши учун етарлича имконият борлиги кўринади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-сессиясида қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХП-сонли қарори билан ратификация қилинган ва 1994 йил 29 июлдан кучга кирган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 9-моддасига кўра, иштирокчи-давлатлар бола ўз ота-онасидан уларнинг хоҳишларига зид равишда айрилиб қолмаслигини таъминлайдилар, ваколатли органлар суд қарорига биноан қўлланилган қонун ва тартиб-русумга мувофиқ тарзда бундай айрилиш боланинг энг яхши манфаатлари йўлида зарур деб топган ҳолатлар бундан мустасно-

дир. Бундай ажрим, масалан, ота-она болага шафқатсизлик билан муносабатда бўлган ёки унга ғамхўрлик қилмай қўйган ёхуд ота-она алоҳида яшаётган ҳамда бола яшайдиган жойга нисбатан қарор қабул қилиш зарурати пайдо бўлган у ёки бу аниқ ҳолатда зарур бўлиши мумкин.

Биринчи инстанция суди эса даъвони қаноатлантиришда қайд этилган иш ҳолатлари ва қонун талабларини инобатга олмаган.

Бундай ҳолатда суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги, моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги кўринади ва шу боис суд қарорларини қонуний, асосли ва адолатли деб бўлмайди.

Бинобарин, суд иш материалларига асосланиб ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 419, 419¹-моддаларига қўлланиб, судлов хайъати ажрим қилади,

А Ж Р И М :

Мазкур иш юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2020 йил 12 мартдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатининг 2020 йил 9 июндаги ажрими бекор қилинсин.

Иш бўйича янги ҳал қилув қарори қабул қилинсин. Унга кўра: даъвогар Н.Азизованинг жавобгар Ш.Халиловга нисбатан болани яшаш жойини белгилаш, болани ўз тарбиясига олиш ҳақидаги даъво талаби рад қилинсин.

Даъвогар Н.Азизовадан Олий суднинг депозит ҳисоб рақамига (ҳисобварағи: 401410101, СТИР: 20561, ғазна ҳисоб рақами: 23401010, банк: МБ ББ ҲКМ Тошкент шаҳри, МФО: 00014, СТИР (ғазна): 2012919 реквизитлари бўйича) суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ тўлов сифатида 61.250 (олтмиш бир минг икки юз эллик) сўм ундирилсин.

Кассация шикоятни қаноатлантирилсин.

Раислик этувчи

(имзо)

Ж.Хафизов

Ҳайъат аъзолари

(имзо)

Ж.Собиров

(имзо)

Р.Исमतов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ А Ж Р И М И

2021 йил май ойининг 22 кунин Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг очиқ, видеоконференца-лоқа режимидаги суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

раислик этувчи Ж.Темиров,

ҳайъат аъзолари судьялар Р.Мадрахимов ва Х.Эшдавлатов, суд мажлиси котиби С.Нарзуллаевдан иборат таркибда, адвокатлар М.Жуманиязова ва С.Аллаяров, васийлик ва ҳомийлик органи вакили Ю.Раджабов ва тарафларнинг иштирокида, даъвогар Малика Давлатованинг жавобгар Нодир Давлатовга нисбатан болани ўзининг тарбиясига олиш ва болани яшаш жойини белгилаш ҳақидаги даъво талаби юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2020 йил 7 декабрдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 27 январдаги ажримига нисбатан жавобгар Н.Давлатовнинг кассация шикоятини фуқаролик иши билан ўрганиб чиқиб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар М.Давлатова жавобгар Н.Давлатовга нисбатан болани ўзининг тарбиясига олиш ва болани яшаш жойини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, унда жавобгар Н.Давлатовдан 2014 йил 18 ноябрда туғилган Давлатов Рамиз Нодир ўғлини ўзининг тарбиясига олиб бериб, болани яшаш жойини ўзи билан белгилашни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2020 йил 7 декабрдаги ҳал қилув қарори билан М.Давлатованинг даъвоси қаноатлантирилиб, 2014 йил 18 ноябрда туғилган Рамиз жавобгар Н.Давлатовдан даъвогар М.Давлатованинг тарбиясига олиб бериш белгиланган.

Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 27 январдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳужжатига нисбатан жавобгар Н.Давлатов томонидан кассация шикоят келтирилган.

Судлов ҳайъати иш бўйича маърузани, тарафларнинг тушунтиришини тинглаб, шикоят важларини иш материаллари асосида муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Ишдаги аниқланган ҳолатларга қараганда, тарафлар М.Давлатова ва Н.Давлатовлар 2014 йил 15 февралда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган ва биргаликдаги турмушидан бир нафар яъни 2014 йил 18 ноябрда туғилган Давлатов Рамиз Нодир ўғли исмли фарзандли бўлишган.

Тарафлар ўртасидаги ўзаро оилавий келишмовчилик сабабли улар 2017 йил сентябрь ойидан бошлаб алоҳида истиқомат қилиб келишиб, 2021 йил 5 январда тарафлар суднинг ҳал қилув қарори билан никоҳдан ажратилганлар.

Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2017 йил 20 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан Н.Давлатовнинг даъвоси қаноатлантирилиб, вояга етмаган Рамиз билан ҳар ҳафтанинг шанба куни соат 10-00 дан 18-00 га қадар жавобгар М.Давлатовадан алоҳида ўз уйига олиб кетган ҳолда кўришиб туриш тартиби белгиланган.

Ўтган вақт давомида тарафларнинг вояга етмаган фарзанди даъвогар М.Давлатованинг қарамоғида 2020 йил июнь ойига қадар тарбияланиб келган.

Даъвогар М.Давлатова жавобгар Н.Давлатов томонидан фарзандини бериш ва уни кўрсатишдан бош тортганлигини асос қилиб, судга болани ўз тарбиясига олиб бериш ҳақида мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантириш ҳақида хулосага келишда, даъвогар М.Давлатованинг хатти-ҳаракатларида болани тарбиясига монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд эмаслигини асос қилган ҳамда суднинг ушбу хулосаси билан апелляция инстанцияси ҳам келишган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 12-сонли қарорининг 3-бандига кўра, ҳал қилув қарори, у процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ва ушбу ҳуқуқий

муносабатга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ нормаларига мос равишда қабул қилинган, зарур ҳолларда қонун ўхшашлиги ёки ҳуқуқ ўхшашлигини қўллашга асосланган бўлсагина, қонуний ҳисобланади.

Судлов ҳайъати куйидагиларга асосан судларнинг ушбу хулосаси билан келишмайди.

Ушбу хулосада, ҳар икки тараф истиқомат қилиб келаётган уй-жойда вояга етмаган боланинг тарбияси учун шароитлар етарли эканлиги, жавобгар Н.Давлатов вояга етмаган Рамизни 2020 йил июнь ойидан бошлаб тарбиялаб келаётганлиги ва ушбу оилада ҳамжиҳатлик яхши эканлиги, Н.Давлатовнинг шахсида фарзандини тарбияси учун салбий таъсир қиладиган ҳолатлар кузатилмаганлиги, хулоса тузган мутахассис ва ўрганишда иштирок этган психолог томонидан вояга етмаган Рамиз отаси билан қолиши ва онасини уйига боришдан бош тортиши, бола отада қолишини истаганлиги ва бу психологик методларда ҳам аниқланганлигидан келиб чиқиб, вояга етмаган Рамизни отаси Н.Давлатов тарбиясида қолдириш лозимлиги баён этилган.

Гарчи, судлар ушбу хулосани далил сифатида эътироф этмаган бўлса-да, судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 80-моддасига асосан, кассация инстанциясида аниқланган бошқа инкор этиб бўлмайдиган фактлар билан бирга ушбу хулосани ишончли, алоқадор ва мақбул далил сифатида қабул қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 68-моддасига мувофиқ, оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақлидир. Бунда қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши керак.

Бирок, судлар қайд этилган қонун талаби ва иш ҳолатидан келиб чиқиб, Рамизнинг бу ёшида мустақил фикрлаши шаклланиб, атрофдаги шахси билан боғлиқ жараёнларга ўзининг нуқтаи-назари асо-

сида баҳо бера олишини, ота ёки онадан бири билан қолиш хоҳиши аввало унинг истаги ва хоҳиши асосида шаклланиши, шундан келиб чиқиб унинг судда уни сўраш ва фикрини ота-онанинг шахсига оид бошқа далиллар асосида ҳуқуқий баҳо бериш чорасини кўрмасдан даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Судлов ҳайъатида аниқланишича, даъвогар Тошкент шаҳрининг М.Давлатова “Гулистон” МФЙ, жавобгар Н.Давлатов “Гулшан” МФЙ да истиқомат қилиб келган бўлиб, қонуний ниқоҳ асосида оила қурмаган.

Айни вақтда даъвогар М.Давлатова Тошкент шаҳар 4-сонли МТТда 0,5 ставкада ҳамшира, жавобгар Н.Давлатов эса Учтепа туманидаги “Карим савдо” МЧЖда 1 ставкада қоровул (кунлик 4 соатдан ошмаган ҳолда) вазифасида ишлаб келган бўлиб, унда фарзанди Рамизнинг таълим-тарбияси билан шуғулланиши учун етарлича имконият мавжуд бўлган.

Ўз навбатида даъвогар М.Давлатованинг даъво талабидаги вояга етмаган Рамизни отаси олиб кетиб уни қайтариб бермаганлиги ҳақидаги важи ва бу хусусида берилган МФЙ далолатномалар билан қуйидаги асосларга кўра келишиб бўлмайди.

Судлов ҳайъатида аниқланишича, вояга етмаган Рамиз онаси М.Давлатованинг тарбиясида бўлган вақтда бир неча мартаба отаси Н.Давлатовнинг олдига ўзи ёлғиз келган.

Бу ҳақда даъвогар М.Давлатова 2018 йил 3 июнь ва 2019 йил 17 майда тилхатлар ёзиб имзолаб берган бўлиб, унда фарзанди Рамиз тарбияси билан шуғулланиши, уни ҳеч қачон қаровсиз қолдирмаслиги, уни ўз вақтида қайнонасига олиб бориб кўрсатиб туришини баён қилган.

Ушбу ҳолатда тарафлар ота-она сифатида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 71-модасига биноан фарзандига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлса-да, ота-онанинг фарзандига нисбатан ҳуқуқи бу вазиятда боланинг манфаатидан келиб чиқиб, унинг ҳуқуқларига нисбатан олганда устувор ҳисобланмайди.

Иш ҳужжатларида жавобгар Н.Давлатовнинг ахлоқий ёки шахсий фазилатлари билан вояга етмаган Рамиз тарбиясига салбий таъсир этганлигидан далолат берувчи, хусусан унинг жисмоний ва руҳий

соғлиғи, ахлоқий камолотига зарар етказиши мумкин бўлган ёки уни менсимаслик, шафқатсизлик, кўполлик, инсоний кадр-қимматни камситувчи муомала, ҳақоратлаш ёхуд эксплуатация қилганлигини тасдиқловчи иш учун исботлаш воситаси бўладиган далиллар мавжуд эмас ва судлов ҳайъатида ҳам бу каби фактлар аниқланмади.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 72-моддасига кўра, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шартлиги қайд этилган.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-сессиясида қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХП-сонли қарори билан ратификация қилинган ва 1994 йил 29 июлдан кучга кирган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциянинг 12-моддасига биноан иштирокчи-давлатлар ўзининг қарашларини шакллантиришга қодир болага, ана шу қарашларни болага тааллуқли барча масалалар бўйича эркин ифода этиш ҳуқуқини таъминлайдилар, бинобарин, боланинг қарашларига унинг ёши ва етуқлигига мувофиқ муносиб даражада эътибор берилади.

Ана шу мақсадда болага, жумладан, болага тааллуқли ҳар қандай суд ёки маъмурий муҳокама пайтида, бевосита, вакил ёхуд тегишли орган орқали миллий қонунчиликнинг процессуал меъёрларида кўзда тутилган тартибда ўзининг фикрларини улар томонидан эшитиш имконияти берилади.

Биринчи инстанция суди эса даъвони қаноатлантиришда қайд этилган иш ҳолатлари ва қонун талабларини инобатга олмаган.

Апелляция инстанцияси эса биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш ўрнига ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шу билан бирга судлов ҳайъати вояга етмаган Рамизнинг отонаси алоҳида яшаган тақдирда ҳам улар бир шаҳар ҳудудида жойлашганлиги ва бола билан доимий кўришиб туриш имконияти мавжудлиги, ушбу қарор вазият ўзгаргунга қадар қабул қилинганлиги, низо бўлган ва вазият ўзгарган тақдирда эса ота-она фарзанди билан кўришиб туриш тартибини белгилаш ёки уни ўз қарамоғига олиш ҳақида судга мурожаат қилиш мумкинлигини эътиборга олади.

Бундай ҳолатда суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги, моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги кўринади ва шу боис суд қарорларини қонуний, асосли ва адолатли деб бўлмайди.

Судлов ҳайъати ФПК 419-моддаси 2-бандига асосан, мазкур низо бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларини юқорида келтирилган асослар бўйича бекор қилиб, даъво талабини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилишни, даъвогар М.Давлатовадан видеоконференцалоқа хизмати учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳисоб рақамига 61.250 сўм суд чиқимини ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 419, 419¹-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати,

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Мазкур иш юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2020 йил 7 декабрдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 27 январдаги ажрими бекор қилинсин, иш бўйича даъвогар М.Давлатованинг жавобгар Н.Давлатовга нисбатан болани ўзининг тарбиясига олиш ва болани яшаш жойини белгилаш ҳақидаги даъво талабини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинсин.

Даъвогар М.Давлатовадан Олий суднинг депозит ҳисоб рақамига (ҳисобварағи: 4011001, СТИР: 209361, ғазна ҳисоб рақами: 2301010, банк: МБ ББ ҲККМ Тошкент шаҳри, МФО: 00014, СТИР (ғазна): 20919 реквизитлари бўйича) суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ тўлов сифатида 61.250 (олтмиш бир минг икки юз эллик) сўм ундирилсин.

Шикоят қаноатлантирилсин.

Раислик этувчи

Ж.Темиров

Ҳайъат аъзолари

Х.Эшдавлатов

Р.Мадрахимов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2022 йил 10 февраль куни Сирдарё вилоят судининг суд биносида очик суд мажлисида
раислик этувчи Л.Бобобеков,
суд мажлиси котиби Ш.Турдиевдан иборат таркибда,
даъвогар вакили Д.Ли (2022 йил 2 январдаги 2/1-сонли ишончнома асосида),

жавобгар вакили адвокат А.Османов (2022 йил 8 февралдаги 021-сонли ордер асосида)лар иштирокида
даъвогар “Шаффоф” хусусий корхонаси (Ўзбекистон, Тошкент шаҳри)нинг жавобгарлар “Gold star Inc.Co” компанияси (Қозоғистон, Астана шаҳри) ва ушбу Компаниянинг Ўзбекистон Республикаси Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳрида жойлашган ваколатхонасига нисбатан 21 603 АҚШ доллари миқдоридан пул маблағини ундириш тўғрисидаги 3-1701-2201-322-сонли иш бўйича даъво аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Даъвогар “Шаффоф” хусусий корхонаси ҳамда жавобгар “Gold star Inc.Co” компанияси ўртасида 2021 йил 1 июнда 8-юр-сонли экспорт шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра даъвогар жавобгарга ўзи жалб қилган транспорт воситаси орқали 264 216 АҚШ доллари миқдоридаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш, жавобгар эса маҳсулотни қабул қилиб олиш ва унинг қийматини дарҳол тўлаш мажбуриятлари олинган.

Даъвогар ўз шартномавий мажбуриятларини бажариб 2021 йилнинг 18 августидан 24 августига қадар қисмларга бўлинган ҳолда 264 216 АҚШ доллар миқдоридан 5 турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб берган.

Жавобгар томонидан ушбу маҳсулотлар тўлиқ қабул қилиниб, 2021 йил 4 сентябрдаги 55-сонли тўлов топшириқномаси орқали маҳсулотлар қийматининг 242 613 АҚШ доллари миқдорига тенг қисми бўйича тўлов амалга оширилган. Натижада 21 603,1 АҚШ доллари миқдоридан қарздорлик вужудга келган

ва даъвогар ушбу суммани ундириш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилган.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларни эшитиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра даъво талабларини қаноатлантиришни лозим деб топади.

Украинанинг Киев шаҳрида 1992 йил 20 мартда имзоланган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 6 майдаги 826-ХП-сонли қарори билан ратификация қилинган “Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Битим 4-моддасининг “б” кичик банди мазмунига кўра агар Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иштирокчиси бўлган ушбу давлатнинг ҳудудида жавобгар корхона (филиал) савдо, саноат ёки бошқа хўжалик фаолиятини амалга ошираётган бўлса, давлатнинг ваколатли суди – Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги иштирокчиси мазкур Битимнинг 1-моддасида қайд этилган низоларни кўришга ҳақли.

Тарафлар ўртасида тузилган 2021 йил 1 июндаги 8-юр-сонли экспорт шартномаси шартларида ҳакамлик келишуви назарда тутилмаган ва алоҳида ҳакамлик битими тузилмаган. Шартноманинг 4.5-бандида томонлар ўртасида келишувга келинмаган барча низолар судда ҳал этилиши назарда тутилган.

Даъвогар тақдим этган маълумотларга кўра жавобгар Гулистон шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонасига эга.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринда - ИПК деб юритилади) 239-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига мувофиқ агар чет эллик шахснинг филиали ёки ваколатхонаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлса Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари чет эллик шахслар иштирокида юзага келадиган низоларни кўриб чиқади.

Бундай ҳолатда мазкур низо Гулистон шаҳар иқтисодий суди судловига тегишли ҳисобланади.

Тарафлар ўртасида тузилган 2021 йил 1 июндаги 8-юр-сонли экспорт шартномасида низони ҳал қилишда қўлланиладиган

ҳуқуқ белгиланмаганлиги боис, суд Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини қўллашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринда - ФК деб юритилади)нинг 8, 234-моддаларига кўра мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади. Мазкур ҳолатда тарафлар мажбуриятлари маҳсулот етказиб бериш шартномасидан келиб чиққан.

ФКнинг 236-моддасига биноан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Ушбу Кодекснинг 437-моддасига асосан маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи - сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, oilавий мақсадларда, рўзгорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, тарафлар ўртасида тузилган 2021 йил 1 июндаги 8-юр-сонли экспорт шартномасига асосан даъвогар томонидан жавобгарга қиймати 264 216,7 АҚШ долларига тенг миқдордаги қуйидаги кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жавобгарга ўз транспорт воситалари орқали етказиб берилган, шу жумладан:

- қиймати 21 603,2 АҚШ долларига тенг 108 016 кг барра томатлар - 2021 йил 18 августда;
- қиймати 22 500 АҚШ долларига тенг 100 000 кг булғор қалампери - 2021 йил 20 августда;
- қиймати 60 000 АҚШ долларига тенг 100 000 кг барра узум - 2021 йил 20 августда;
- қиймати 53 113,6 АҚШ долларига тенг 122 100 кг мева шарбатлари - 2021 йил 22 августда;

- қиймати 107 000 АҚШ долларига тенг 175 000 кг томат пастаси - 2021 йил 24 августда.

Иш ҳужжатларига кўра, барра томатни қабул қилишда ушбу маҳсулотнинг қиймати 21 603,2 АҚШ долларига тенг 108 016 кг қисми сифат талабларига жавоб бермаслиги ва истеъмолга яроқсиз эканлиги Гулистон шаҳридаги “Сифат-Омад” масъулияти чекланган жамияти томонидан текширилиб, томатларнинг сифат жиҳатидан қонун талабларига жавоб бермаслиги ва истеъмолга яроқсизлиги ҳақида 2021 йил 12 октябрда 4-419/1-сонли экспертиза хулосаси тузилган. Шунга кўра, жавобгар томонидан олинган маҳсулотнинг бу қисми чегириб ташлаб, тўлов амалга оширилган.

Шартноманинг 6.6-бандига асосан маҳсулотни қабул қилишда унинг камомади (комплектсизлиги) ёхуд сифати тегишли қонун талабларига жавоб бермаслиги аниқланса, маҳсулотни қабул қилувчи тараф:

- низоли масалалар ҳал бўлгунига қадар олинган маҳсулотнинг талабларга жавоб бермайдиган қисмидан фойдаланмаслиги;

- камчилик аниқланган вақтдан бошлаб бу ҳақда 24 соат ичида маҳсулот етказиб берувчига ёзма хат юбориши лозим.

ФК 446-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ сотиб олувчи (олувчи) ўзи қабул қилган товарни қонунчиликда, маҳсулот етказиб бериш шартномасида ёки иш муомаласи одатларида белгиланган муддатда кўздан кечириши лозим.

Ушбу Кодекс 451-моддасининг биринчи қисмига кўра тегишли даражада сифатли бўлмаган товарлар етказиб берилган сотиб олувчи (олувчи) маҳсулот етказиб берувчига ушбу Кодекснинг 434-моддасида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақли, етказиб берилган товарларнинг сифатсизлиги тўғрисида сотиб олувчидан билдириш олган маҳсулот етказиб берувчи етказиб берилган товарларни тегишли даражада сифатли товарлар билан дарҳол алмаштирган ҳоллар бундан мустасно.

Тақдим этилган ҳужжатлардан маълум бўлишича, маҳсулот жавобгарнинг вакилига 2021 йил 18 августда тоширилган. Аммо жавобгарнинг вакиллари маҳсулотнинг сифатсизлиги аниқланган вақтдан бошлаб бу ҳақда 24 соат ичида маҳсулот

етказиб берувчига ёзма хат юбормаган. Қолаверса, шартноманинг 6.6-бандидаги қонидани бузган ҳолда маҳсулотни қабул қилишда унинг сифати тегишли қонун талабларига жавоб бермаслиги аниқлансада, низоли масала ҳал бўлгунига қадар олинган маҳсулотнинг талабларга жавоб бермайдиган қисмидан фойдаланмай турмаган.

Мазкур ҳолатда суд жавобгарга етказиб берилган маҳсулот белгиланган талабларга жавоб бермаслиги ҳақидаги тақдим этилган ҳужжатларни маҳсулот етказиб берувчининг айбини исботловчи ҳужжатлар сифатида қабул қила олмайди.

Шу сабабли суд даъво талабларини қаноатлантиришни ҳамда суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, “Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Битим 4-моддасининг “б” кичик бандини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8, 234, 236, 437, 446, 451-моддаларини ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 66, 74, 118, 176, 179, 229-моддаларини кўлаб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар “Шаффоф” хусусий корхонасининг даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар “Gold star Inc.Co” компаниясидан даъвогар “Шаффоф” хусусий корхонаси фойдасига 21 603 АҚШ доллари асосий қарз, 2 163 АҚШ доллари миқдорида суд харажатлари ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали бир ой муддат ичида Сирдарё вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатига апелляция шикоятни бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

(имзо)

Л.Бобобеков

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2023 йил 31 март куни Тошкент вилоят суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати суд биносида очиқ суд мажлисида раислик этувчи Ф.Саттаров,
суд мажлиси котиби Б.Жавлоновдан иборат таркибда,
даъвогар вакили – бош юрисконсулт С.Расулов (2022 йил 23 августдаги 1627/01-06-к-сонли ишончнома асосида),
жавобгар раҳбари П.Файзиев (шахсий маълумотнома асосида), адвокат А.Қаюмов (2022 йил 16 сентябрдаги 806-сонли ордер, 2022 йил 15 сентябрдаги ишончнома асосида) иштирокида даъвогар “ГИССАР” компаниясининг жавобгар “ASIA-UZ” масъулияти чекланган жамиятидан 423 500 Евро ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича 4-1001-2102-556-сонли ишни иш ҳужжатлари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Даъвогар “ГИССАР” компанияси (Хитой Халқ Республикаси) ва Ўзбекистон Республикаси резиденти “ASIA-UZ” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2021 йил 11 январда 85-сонли олди-сотди контракти (шартномаси) тузилган бўлиб, унга кўра даъвогар умумий қиймати 550 000 Евро бўлган трикотаж маҳсулотини етказиб бериш, жавобгар эса маҳсулотни қабул қилиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига асосан сотиб олувчи шартнома тузилган кундан эътиборан 10 банк кунидан кечиктирмасдан шартнома қийматининг 30 фоизи (165 000 Евро) миқдорида олдиндан тўловни амалга оширилиши, маҳсулотнинг қолган қиймати маҳсулотни қабул қилиб олганидан кейин 30 банк куни ичида тўлаб бериши, 4.1-бандига кўра эса сотувчи маҳсулотни олдиндан тўлов сотувчининг ҳисобрақамига келиб тушган кундан эътиборан 30 банк куни ичида етказиб бериш кўрсатилган.

Шартнома шартларига биноан сотиб олувчи томонидан 2021 йил 20 январда 07-сонли тўлов топшириқномаси билан сотувчининг ҳисобрақамига 165 000 Евро ўтказиб берилган, сотувчи эса

2021 йил 17 февралда 85-1/2020-сонли инвойсга асосан қиймати 550 000 Евро бўлган маҳсулотни сотиб олувчига етказиб берган.

Бирок, сотиб олувчи томонидан қабул қилиб олинган маҳсулотнинг қолган 385 000 Евро қиймати тўлаб берилмаган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 12.3-бандида етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи сотувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлаши белгиланган.

Низони судгача ҳал этиш бўйича юборилган талабнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Суд тарафлар вакиллариининг тушунтиришларини эшитиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Тарафлар ўртасида тузилган контракт (шартнома)да ушбу контракт ижроси юзасидан юзага келган низоларни ҳал этиш тартиби назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринда - ИПК деб юритилади) 239-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, агар жавобгар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган ёки яшаётган бўлса ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жавобгарнинг мол-мулки бўлса Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари иқтисодиёт соҳасида чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар (бундан буён матнда чет эллик шахслар деб юритилади) иштирокида юзага келадиган низолар бўйича ишларни кўриб чиқади.

Жавобгар Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туриши сабабли мазкур низони кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларнинг ваколатига киради.

ИПК 33-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, юридик шахсларга нисбатан даъволар улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилади.

Шунингдек, ИПК 32-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисига биноан Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари тарафлардан бири Ўзбекистон Республикаси норезиденти - чет эл шахси бўлган ишларни кўради.

Жавобгар Тошкент вилояти, Пискент тумани, “Ўрикзор” МФЙ ҳудудида давлат рўйхатидан ўтган ва шунинг учун мазкур иш Тошкент вилоят судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига тегишли.

Бундан ташқари, тарафлар ўртасида тузилган контракт (шартнома)да ушбу контракт ижроси юзасидан юзага келган низоларни ҳал этишда қўлланилиши лозим бўлган қонунчилик назарда тутилмаган.

ИПК 13-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд ишларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилади.

Мазкур ҳолатда ушбу ишни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилади.

Олди-сотди муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (кейинги ўринда - ФК деб юритилади) ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Халқаро товарлар олди-сотдиси шартномалари тўғрисида”ги Конвенцияси (1980 йил 11 апрель, Вена) (кейинги ўринда - Вена Конвенцияси деб юритилади) билан тарибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 30 августдаги 294-І-сонли Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вена Конвенциясига қўшилган ва Ўзбекистон учун ушбу Конвенция 1997 йил 1 декабрдан кучга кирган.

Хитой Халқ Республикаси ҳам Вена Конвенциясига 1986 йил 11 декабрда қўшилган ва Хитой давлати учун ушбу Конвенция 1998 йил 1 январдан кучга кирган.

Шунинг учун мазкур низони ҳал этишда ФК ва Вена Конвенциясининг нормалари қўлланилади.

ФК 234-моддасининг иккинчи қисми ва 236-моддасига биноан мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида

хамда ушбу Кодекса кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади ва улар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Мазкур ҳолатда тарафларнинг мажбуриятлари олди-сотди шартномасидан келиб чиққан.

ФК 386-моддасининг биринчи қисмига кўра олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.

Иш ҳужжатларига кўра, тарафлар ўртасида тузилган шартномага асосан даъвогар жавобгарга қиймати 550 000 Евро бўлган маҳсулотни етказиб берган.

Бирок, сотиб олувчи томонидан етказиб берилган маҳсулот учун 165 000 Евро тўлаб берилган ва маҳсулотнинг қолган 385 000 Евро қиматини тўлаб берилмаган, натижада сотувчи олдида 385 000 Евро қарздорлик вужудга келган. Бу ҳолат ишдаги далиллар ва жавобгар вакилининг кўрсатмалари билан ўз тасдиғини топади.

ФК 419-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, агар сотиб олувчи олди-сотди шартномасини бузган ҳолда товарни қабул қилиш ва ҳақини тўлашдан бош тортса, сотувчи ўз ихтиёрига кўра товар ҳақини тўлашни талаб қилиш ёки шартномани бажаришдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

Вена Конвенциясининг 59-моддасига кўра, сотиб олувчи сотувчининг сўровисиз ёки бошқа бирор-бир формал ҳаракатни амалга оширмасдан сотиб олувчи шартномада белгиланган муддатда ёки ушбу Конвенцияга мувофиқ аниқланиши мумкин бўлган муддатда товар нархини тўлаб бериши лозим.

Ушбу Конвенциянинг 62-моддасида сотувчи сотиб олувчидан товар ҳақини тўлашни, товарни қабул қилишни ва бошқа мажбуриятларни бажаришни талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Судлов хайъати ФК ва Вена конвенцияси нормалари асосида даъвогарнинг жавобгардан 385 000 Евро миқдордаги қарзни ундириш асосли деб ҳисоблайди.

ФК 261-моддасининг учинчи қисми ва 262-моддасига кўра, қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланиши, неустойка тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиши керак.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 12.3-бандида етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи сотувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлаши белгиланган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига кўра, сотиб олувчи шартнома тузилган кундан эътиборан 10 банк кунидан кечиктирмасдан шартнома қийматининг 30 фоизи (165 000 Евро) миқдорида олдиндан тўловни амалга оширилиши, маҳсулотнинг қолган қиймати маҳсулотни қабул қилиб олганидан кейин 30 банк куни ичида тўлаб бериши лозим бўлган.

Шартнома шартларига биноан сотиб олувчи томонидан олдиндан тўлов амалга оширилганидан кейин 2021 йил 17 февралда сотувчи 85-1/2020-сонли инвойсга асосан қиймати 550 000 Евро бўлган маҳсулотни сотиб олувчига етказиб берган.

Мазкур ҳолатда жавобгар етказиб берилган маҳсулотнинг қолган 385 000 Еврони 30 банк куни, яъни 2021 йил 26 мартгача тўлаб бериши лозим бўлган.

Аммо, жавобгар ушбу мажбуриятини бажармаган ва даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш пайти (2021 йил 20 июнь)га қадар тўлов амалга ошириш 85 кунга кечиккан бўлиб, пеня суммаси 163 625 ($385\ 000 \times 0,5\% \times 85$) Еврони ташкил қилган.

Бирок, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 12.3-бандида пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 10 фоизидан

ортиқ бўлмаслиги белгиланганлиги сабабли даъвогар асосли равишда жавобгардан 38 500 (385 000 x 10%) Евро миқдорида пеня ундиришни сўраган.

ФК 326-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олинishi керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарорининг 4-бандида ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкӣ аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли эканлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд ушбу нормаларга асосланиб ва ундирилиши сўралган пеня кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги ҳамда тарафларнинг мулкӣ аҳволини инобатга олиб, неустойка миқдорини камайтиришни ва жавобгардан даъвогар фойдасига 20 000 Евро миқдорида пеня ундиришни лозим топади.

ИПК 118-моддасининг олтинчи қисмига асосан агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонунчиликда белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, “Халқаро товарлар олди-сотдиси шартномалари тўғрисида”ги Вена Конвенциясининг 59, 62-мод-

даларини, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8, 234, 236, 386, 419-моддаларини ҳамда Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176 - 180-моддаларини қўллаб, суд

қарор қилди:

Даъвогар “ГИССАР” компаниясининг даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар “ASIA-UZ” масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар “ГИССАР” компанияси фойдасига 385 000 Евро асосий қарз ва 20 000 Евро пеня ундирилсин.

Жавобгар “ASIA-UZ” масъулияти чекланган жамиятидан даъвогар “ГИССАР” компанияси фойдасига 8 470 Евро давлат божи ва 24 000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бир ойлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан шу суд орқали бир ой муддат ичида Тошкент вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикоятни бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

(имзо)

Ф.Саттаров

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
Қ А Р О Р И

2022 йил 15 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати суд биносида очик суд мажлисида

Раислик этувчи Ж.Каримов,

ҳайъат аъзолари Г.Расулова, Э.Мардонов, суд мажлиси котиби С.Жуманиёзовдан иборат таркибда,

жавобгар вакиллари Ш.Вахобов (2022 йил 14 апрелдаги 176-сонли ишончнома ва 2022 йил 6 июндаги № 11/2022-хс-сонли ордер асосида) ва Ч.Авазов (2022 йил 14 апрелдаги 177-сонли ишончнома ва 2022 йил 14 апрелдаги № 11/2022-хс-сонли ордер асосида), аризачи вакили Д.Остонов (2022 йил 1 апрелдаги 435-сонли ишончнома асосида) лар иштирокида аризачи “АИДА” компаниясининг жавобгар “ВОСТОК” шўъба корхонасига нисбатан Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги халқаро тижорат арбитраж судининг 2019 йил 7 октябрдаги ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги аризаси бўйича Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 15 апрелдаги ажрими устидан жавобгар томонидан берилган апелляция шикоятини иш ҳужжатлари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Аризачи “АИДА” компанияси (Германия Федератив Республикаси) ва жавобгар “ВОСТОК” шўъба корхонаси ўртасида 2014 йил 30 майда тузилган шартномага асосан аризачи томонидан жавобгарга тиббий, спорт ва бошқа жиҳозлар етказиб берган ҳамда ходимлар малакасини ошириш ишларини бажарган.

Бирок, жавобгар шартнома бўйича тўлов мажбуриятларини лозим даражада бажармаган.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 10.4-бандида низо Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги

ҳалқаро тижорат арбитраж судида унинг Регламентига мувофиқ кўрилиши қайд этилган.

Шунга кўра, аризачи арбитраж судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 268 701 Евро миқдорида асосий қарз, тўлов кечиктирилганлиги учун 608 038 Евро пеня, шунингдек бошқа харажатларни зарар сифатида ундиришни сўраган.

Арбитраж судининг 2019 йил 7 октябрдаги ҳал қилув қарори билан “АИДА” компанияси фойдасига шўба корхонасидан 268 701 Евро асосий қарз, тўлов кечиктирилганлиги учун 364 822 Евро пеня ҳамда 200 000 Россия рубли ва 28 378 АҚШ доллари миқдорида арбитраж харажатлари ундирилган. Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Жавобгар томонидан арбитраж судининг ҳал қилув қарори ихтиёрий равишда ижро этилмаганлиги учун аризачи арбитраж судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақида иқтисодий судга ариза билан мурожаат этган.

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 15 апрелдаги ажрими билан аризачининг талаби қаноатлантирилиб, арбитраж судининг 2019 йил 7 октябрдаги ҳал қилув қарори тан олинган ва ижрога қаратилиб, ижро варақаси берилган.

Мазкур ажримдан норози бўлиб, жавобгар Олий судга апелляция шикоятни билан мурожаат қилган.

Апелляция шикоятида ажримни бекор қилиш ва аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни сўралган.

Бунга асос қилиб апелляция шикоятида ариза уни имзолаш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланганлиги, жавобгар арбитраж муҳокамаси ҳақида огоҳлантирилмаганлиги, арбитраж судининг таркиби арбитраж бўлиб ўтган мамлакат қонунига мос келмаслиги кўрсатилган.

Судлов ҳайъати тарафлар вакилларининг тушунтиришларини эшитиб, апелляция шикоятида келтирилган вазжларни иш хужжатлари билан ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринда - ИПК деб юритилади) 248-моддасининг биринчи

қисмига асосан чет давлатлар судларининг ва арбитражларининг иқтисодиёт соҳасида юзага келадиган низолар ҳамда бошқа ишлар бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорлари, агар бундай қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномалари ҳамда қонунчилигида назарда тутилган бўлса, улар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан тан олинади ва ижрога қаратилади.

“Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида” 1958 йил 10 июндаги Нью-Йорк Конвенцияси (*Ўзбекистон Республикаси томонидан 1996 йил 7 февралда ратификация қилинган ва 1996 йил 7 майдан кучга кирган*) нинг 3-моддасига асосан шартнома тузган ҳар бир иштирокчи давлат арбитраж қарорининг мажбурийлигини тан олади ва ушбу қарорларни Конвенция моддаларида белгиланган шартларда тан олиниши ва ижро этилиши сўралаётган ҳудуднинг процессуал нормаларига мувофиқ ижрога қаратади.

ИПКнинг 256-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий суди ҳал қилув қарори ўзига қарши қаратилган тарафнинг аризасига кўра, чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олишни ва ижрога қаратишни рад қилади, агар тараф:

1) арбитраж битимининг тарафлари ўзларига нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича қайсидир даражада муомалага лаёқатсиз бўлганлигини ёки арбитраж битимини унинг тарафлари қайси қонунга бўйсундирган бўлсалар, ўша қонун бўйича, бундай кўрсатма мавжуд бўлмаганда эса ҳал қилув қарори чиқарилган мамлакатнинг қонуни бўйича ҳақиқий эмаслигини;

2) ҳал қилув қарори ўзига қарши қаратилган тараф арбитраж тайинланганлиги тўғрисида ёки арбитраж муҳокамаси тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ёки бошқа сабабларга кўра ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлигини;

3) арбитраж битими ёки арбитраж ҳақидаги шартнома шартида назарда тутилмаган ёки уларнинг шартига тегишли бўлмаган низо бўйича ҳал қилув қарори чиқарилганлигини ёхуд арбитраж битими ёки арбитраж ҳақидаги шартнома шартидан ташқари чиқадиган масалалар бўйича қарор мавжудлигини, бундан арбитраж битими ёки арбитраж ҳақидаги шартнома шартини доирасидаги масалалар

бўйича қарорлар камраб олинмаган масалалар бўйича қарорлардан ажратиб олиниши мумкин бўлган ҳоллар мустасно;

4) арбитраж органининг таркиби ёки арбитраж процесси тарафларнинг келишувига мувофиқ келмаганлигини ёки бундай шарт бўлмаса, арбитраж бўлиб ўтган мамлакат қонунига мос келмаганлигини;

5) ҳал қилув қарори тарафлар учун яқуний бўлмаганлигини ёки у қабул қилинган ва қонуни қўлланилаётган давлатнинг ваколатли органи томонидан бекор қилинганлигини ёхуд ижроси тўхтатилганлигини;

6) низо ваколатли бўлмаган чет давлат арбитражи томонидан ҳал этилганлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этса.

Шунингдек, чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш қуйидаги ҳолларда рад қилиниши мумкин, агар:

1) низо объекти Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича арбитраж муҳокамасининг предмети бўла олмаса;

2) ушбу ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг оммавий тартибига зид бўлса ёки унга таҳдид солса;

3) чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш муддати ўтган бўлса.

Мазкур ҳолатда арбитражнинг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш учун бундай асослар бўлмаганлиги сабабли биринчи инстанция суди асосли равишда компаниянинг аризасини қаноатлантирган.

Бироқ, суд ўз ажримини асослантиришда **“Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида” 1992 йил 20 мартдаги Киев битимини нотўғри қўллаган.** Чунки, мазкур битим Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ваколатли давлат судларни қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш масалаларини тартибга солади. Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги халқаро тижорат арбитраж суди эса ваколатли давлат суди ҳисобланмайди.

Шунга кўра, биринчи инстанция суди ажримининг асослантирувчи қисмидаги Киев битимининг 9-моддасини Нью-Йорк конвенциясининг 5-моддаси билан алмаштириш лозим бўлади.

Судлов ҳайъати жавобгарнинг ариза уни имзолаш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланганлиги, унга берилган ишончномада бундай аризани имзолаш ваколати берилмаганлиги ҳақидаги важлари билан келиша олмайди.

Чунки, аризачи томонидан берилган 2021 йил 25 майдаги ишончномада судларга тегишли аризалар тақдим қилиш, судга ижро ҳужжатини бериш ҳақидаги аризани имзолаш ва судга тақдим қилиш ваколати берилган.

ИПКнинг 63-моддасида ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги аризани имзолаш учун ишончномада бу ҳақда алоҳида кўрсатилиши назарда тутилмаган.

Шунингдек, апелляция шикоятдаги қўшимчасида арбитраж суди қарор қабул қилишда Вена конвенцияси нормалари қўллаб, шартноманинг 10.3-бандига биноан қўлланиши лозим бўлган Россия Федерациясининг қонунчилигини қўлламаганлиги ҳақида ҳам важлар келтирилган.

Арбитраж қароридан кўринишича, арбитражлар ҳайъати тарафлар ўртасида тузилган шартнома ўзининг хусусиятига кўра таркибига ҳалқаро олди-сотди ҳуқуқи нормаларини ўз ичига олганлиги, ҳалқаро ҳуқуқ миллий қонунчиликдан устун бўлганлиги сабабли Вена конвенцияси нормаларини қўллаш ҳақидаги хулосага келган.

Қолаверса, ИПКнинг 256-моддасида чет эл арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад қилиш асосларининг тўлиқ рўйхати келтирилган бўлиб, арбитраж судининг шартномада қўллаш белгиланган ҳуқуқ билан боғлиқ шартларнинг бузилиши арбитраж қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш учун асос бўлмайди.

ИПК 278-моддасининг 3-бандига кўра, апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ҳақли.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, судлов ҳайъати апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этишни, биринчи инстанция судининг ажримини ўзгартиришни ҳамда суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

“Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида”ги Нью-Йорк Конвенциясининг 3-моддасига ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 63, 118, 256, 278-280-моддаларига асосланиб, судлов ҳайъати

қарор қилади:

Жавобгар “ВОСТОК” шўъба корхонасининг апелляция шикоятини қаноатлантириш рад этилсин.

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 15 апрелдаги ажрими ўзгартирилсин.

Ажримнинг асослантирувчи қисмидаги Киев битимининг 9-моддаси Нью-Йорк конвенциясининг 5-моддаси билан қуйидаги мазмунда ўзгартирилсин:

“1. Арбитраж қарорини тан олиш ва ижро этиш, унга қарши юборилган томоннинг илтимосига биноан рад этилиши мумкин, агар бу томон тан олиниши ва ижро этилиши талаб қилинадиган жойда ваколатли ҳокимиятни тақдим этса, бу:

а) 2-моддада кўрсатилган битимдаги томонлар уларга нисбатан қўлланиладиган қонунга кўра ҳар қандай даражада муомалага лаёқатсиз бўлган ёки ушбу битим тарафлар ушбу битимга бўйсунган қонунга кўра ҳақиқий бўлмаган, бундай кўрсатма бўлмаган тақдирда эса - қарор чиқарилган мамлакат қонунига кўра ёки

б) қарор унга қарши қабул қилинган томон ҳакамнинг тайинланиши ёки ҳакамлик муҳокамаси тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган ёки бошқа сабабларга кўра ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаган ёки

с) ушбу қарор арбитраж шартномаси ёки шартномадаги арбитраж моддаси шартларида назарда тутилмаган ёки назарда тутилмаган низо бўйича чиқарилган ёки арбитраж шартномаси ёки шартномадаги арбитраж моддаси чегарасидан ташқарига чиқадиган масалалар бўйича қарорларни ўз ичига олгани, аммо агар ҳакамлик битими ёки банд билан қамраб олинган масалалар бўйича қарорлар бундай келишув ёки банд билан қамраб олинмаганлардан бошлаб, ҳакамлик судининг масалалар бўйича қарорларни ўз ичига олган қисми, шартномадаги арбитраж шартномаси ёки арбитраж моддаси билан қамраб олинган, тан олиниши ва ижро этилиши мумкин ёки

д) арбитраж органининг таркиби ёки арбитраж жараёни томонларнинг келишувига мос келмаган ёки улар бўлмаган тақдирда арбитраж содир бўлган мамлакат қонунига мос келмаган ёки

е) қарор томонлар учун ҳали яқуний бўлмаган бўлса ёки у чиқарилган мамлакатнинг ёки қонуни қўлланиладиган мамлакатнинг ваколатли ҳокимияти томонидан ижро этилиши билан бекор қилинган ёки тўхтатилган бўлса.

2. Агар тан олиш ва ижро этишни талаб қиладиган мамлакатнинг ваколатли ҳокимияти қуйидаги ҳолда, ҳакамлик қарорини тан олиш ва ижро этиш рад этилиши мумкин:

а) низо объекти ушбу мамлакат қонунларига мувофиқ ҳакамлик муҳокамаси мавзуси бўлиши мумкин эмаслиги ёки

б) ушбу қарорни тан олиш ва амалга ошириш ушбу мамлакатнинг оммавий тартибига зид бўлса.”

Ажримнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Қарордан норози томон ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир йил ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация шикояти бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ж.Каримов

Судьялар

(имзо)

Г.Расулова

(имзо)

Э.Мардонов

Биринчи инстанцияда ишни кўришда

маърузачи судья

С.Мардонов

Апелляция инстанциясида

маърузачи судья

Ф.Хайитов

Кассация инстанциясида

маърузачи судья

М.Каримов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
Қ А Р О Р И**

2022 йил 15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати суд биносида очик суд мажлисида

Раислик этувчи Х.Ёриев,

ҳайъат аъзолари Ж.Салимов, М.Каримов,

суд мажлиси котиби Ф.Камиловдан иборат таркибда,

даъвогар вакили – адвокат Р.Рустамов (2022 йил 10 февралдаги 10-сонли ордер асосида), жавобгар вакили – адвокат Ж.Сагтаров (2022 йил 8 февралдаги 5-сонли ордер асосида)лар иштирокида

даъвогар “LEADER-UZ” компаниясининг жавобгар “DEVELOPMENT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонасидан 233 956 АҚШ доллари ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича 4-1001-2104-526-сонли иш юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 6 январдаги қарори устидан жавобгар “DEVELOPMENT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонаси томонидан берилган кассация шикоятини иш ҳужжатлари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Даъвогар “LEADER-UZ” компанияси билан жавобгар “DEVELOPMENT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона ўртасида 2019 йил 20 октябрда пудрат шартномаси тузилиб, унга кўра даъвогар жавобгарнинг буюртмасига асосан шартномада кўрсатилган ишларни бажариш, жавобгар эса бажарилган ишларни қабул қилиб, келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг умумий қиймати 3 388 537 АҚШ долларини ташкил этиши белгиланган.

Даъвогар жавобгарга етказиб берилган инструментлар ҳақи ва ишларни бажариш давомида ишлатилган материаллар ҳақи тўланмаганлигини асос қилиб, Тошкент шаҳар судига даъво аризаси билан мурожаат қилган ва жавобгардан ишлатилган материаллар ҳамда қўл инструментлар учун 233 956 АҚШ доллари миқдорида тўловларни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъво аризасини имзолаган шахс – П.Сафаровнинг даъво аризасини имзолашга ваколати йўқ деб ҳисоблаб, 2021 йил 20 декабрдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринда - ИПК деб юритилади) 107-моддасининг 3-бандига асосан даъво аризасини кўрмасдан қолдирган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2022 йил 24 февралдаги қарори билан Тошкент шаҳар судининг ажрими бекор қилиниб, иш биринчи инстанция судида кўриб чиқиш учун юборилган.

Кассация шикоятда апелляция инстанцияси суди томонидан ноқонуний ва асослантилмаган қарор қабул қилинганлиги, биринчи инстанция суди даъво аризасини асосли кўрмасдан қолдирганлиги, ИПКда суд ҳужжатини бекор қилиш учун асос бўла олмайдиган сабаблар билан ажрим бекор қилганлигини баён қилиниб, апелляция инстанцияси суди қарорини бекор қилиш ҳамда биринчи инстанция судининг ажримини ўз кучида қолдириш сўралган.

Судлов ҳайъати тарафлар вакилларининг тушунтиришларини эшити, шикоятда келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра кассация шикоятини қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъво аризаси “LEADER-UZ” компаниясининг (Туркия Республикаси) Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси директори фуқаро П.Сафаров томонидан имзоланган. Компаниянинг мулкдори мазкур фуқарога 2019 йил 21 ноябрь куни ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқи билан ишончномани тақдим қилган. Мазкур ишончномага “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бе-

кор қилувчи” Конвенцияси (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) ва ИПК-нинг 246-моддаси талабларига асосан апостиль қўйилган. Мазкур ишончноманинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринда – ФК деб юритилади)нинг 139-моддасига кўра ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Шунга кўра, 2019 йил 21 ноябрдаги ишончноманинг амал қилиш муддати 2020 йил 20 ноябрда тугаган. Даъво ариза эса 2021 йил 20 ноябрда судга тақдим этилган.

Бундан ташқари, доимий муассаса юридик шахс мақомига эса эмас. Шунинг учун доимий муассаса раҳбарининг даъво аризасини ишончномасиз имзолаш ваколатига эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 36-моддасида доимий муассасига таъриф берилган, шу жумладан, ушбу Кодекснинг мақсадларида чет эл юридик шахси Ўзбекистон Республикасидаги тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ ёки қисман қайси доимий фаолият жойида амалга ошираётган бўлса, ўша жой чет эл юридик шахсининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деб эътироф этилиши белгиланган.

ФК 141-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, ишончноманинг амал қилиши ишончнома муддатининг тамом бўлиши бекор бўлиши назарда тутилган.

Мазкур ҳолатда доимий муассаса директорида даъво аризасини ишончномасиз имзо қўйиш ваколоти мавжуд бўлмаган.

Бундан ташқари, иш ҳужжатларида рус ва турк тилларида ёзилган яна битта ишончнома мавжуд. Турк тилида ёзилган ишончноманинг берилган санаси 2019 йил 1 ноябрь деб кўрсатилган, рус тилидаги вариантыда эса 2021 йил 1 ноябрь деб кўрсатилган. Ишончноманинг амал қилиш муддати уч йил деб белгиланган. Шундан келиб чиқиб, агар ишончномага апостиль қўйилган бўлса, мазкур ишончнома имзо қўйишга ваколатини тасдиқлаши мумкин бўлар эди.

Бирок, ушбу ишончноманинг бирортасига ҳам апостиль қўйилмаган.

“Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи” Конвенцияси (Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 апрелдаги ЎРҚ-279-сон “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонунига асосан қўшилган) 3-моддасига кўра, имзонинг ҳақиқийлиги ҳужжатни имзолаган шахс иштирок этган ваколатини ва тегишли ҳолатда ушбу ҳужжат муҳр ёки штампнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган ягона расмиятчилик – бу апостилнинг 4-моддасида назарда тутилган давлатнинг ваколатли органи томонидан муҳрланиши амалга оширилади.

Шу билан бирга, агар ҳужжат тақдим этилган давлатда амалдаги қонунлар, қоидалар ёки урф-одатлар ёинки икки ва ундан ортиқ ахдлашувчи давлатлар ўртасидаги келишув ушбу процедурани бекор қилса ёки соддалаштирса ёки ҳужжатни қонунийлаштиришдан озод қилса, олдинги хатбошида кўрсатилган функцияни бажариш талаб қилинмайди.

Конвенциянинг 4-моддасида 3-модданинг биринчи хатбошида назарда тутилган апостиль ҳужжатнинг ўзида ёки ҳужжат билан маҳкамланган алоҳида варақда ёпиштирилади, у ушбу Конвенцияга илова қилинган намунага мос бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Мазкур ҳолатда апостиль қўйилишидан озод этадиган икки ёки ундан ортиқ ахдлашувчи давлатлар ўртасидаги келишув мавжуд эмас.

ИПК 246-моддасининг биринчи қисмига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида чет давлатлар муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси муассасалари, ташкилотлари ва фуқароларига ёки чет эллик шахсларга нисбатан чет эл ҳуқуқи нормалари бўйича белгиланган шакл бўйича берилган, тузилган ёки тасдиқланган ҳужжатлар, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ёки Ўзбекистон Республикаси ҳамда бу ҳужжатлар келиб чиққан муассасалар ва ташкилотларнинг давлати иштирокчи бўлган халқаро шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган

бўлса, ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари томонидан фақат консуллик легаллаштируви мавжуд бўлганда ёхуд уларга апостиль қўйилган бўлса қабул қилинади.

Ушбу ҳолатда даъво аризаси имзо қўйишга ваколати бўлмаган шахс томонидан имзоланган.

ИПК 107-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра, даъво аризаси имзоланмаган бўлса ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиради.

Бундан кўринадики, биринчи инстанция суди асослантирилган ажрим чиқарган бўлса-да, апелляция инстанцияси суди уни бекор қилиш ҳақида асоссиз хулосага келган.

ИПК 302-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

ИПК 301-моддасининг 6-бандида кассация инстанцияси суди айрим суд ҳужжатларини бекор қилиш ва иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга ҳақли эканлиги белгиланган.

ИПК 305-моддаси учинчи қисмининг 2-бандига кўра, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ажримини, қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартиришга ёки бекор қилишга ёхуд илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бирини ўз кучида қолдиришга ҳақли.

ИПК 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг апелляция, кассация шикояти бериш билан боғлиқ ҳолда қилган суд харажатлари ушбу моддада баён этилган қоидаларга мувофиқ тақсимланади.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5-моддаси (ундириш объектлари) биринчи қисмининг 2-бандида даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримлар устидан бе-

риладиган апелляция, кассация шикоятларидан давлат божи ундирилиши белгиланган. Шунга кўра, даъво аризасини судга тақдим қилишда даъвогар томонидан тўлаб чиқилган давлат божи унинг зиммасида қолдирилади, кассация инстанцияси судида ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ 25 016 915 сўм давлат божи даъвогар ҳисобидан республика бюджетига ундирилади.

Судлов ҳайъати жавобгарнинг кассация шикоятини қаноатлантиришни, апелляция инстанция судининг қарорини бекор қилишни ва биринчи инстанция судининг ажримини ўз кучида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи” Конвенциянинг 3, 4-моддаларини, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 139, 141-моддаларини ҳамда Иқтисодий процессуал кодексининг 66, 74, 118, 301–305 моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

қ а р о р қ и л д и:

Жавобгар “DEVELOPMENT” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонасининг кассация шикояти қаноатлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 24 февралдаги қарори бекор қилинсин.

Тошкент шаҳар суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 21 декабрдаги ажрими ўз кучида қолдирилсин.

Даъвогар “LEADER-UZ” компанияси ҳисобидан республика бюджетига 25 016 915 сўм давлат божи ундирилсин.

Ижро варақа берилсин.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Қарордан норози томон ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақида протест киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига, Бош прокурори ёки уларнинг ўринбосаларига ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ҳ.Ёриев

Судьялар

(имзо)

Ж.Салимов

(имзо)

М.Каримов

Биринчи инстанцияда ишникўрган судья
Апелляция инстанциясида маърузачи судья

А.Хуррамов
К.Ражабов

**ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
Қ А Р О Р И**

2021 йил 23 март куни Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати суд биносида очиқ суд мажлисида Раислик этувчи А.Рахронов, ҳайъат аъзолари С.Турғунова, К.Ражабов суд мажлиси котиби Ж.Халиловдан иборат таркибда, Тошкент шаҳар прокурори ёрдамчиси Ф.Фурқатов, даъвогар вакили Ш.Расулов (2021 йил 7 январдаги 23-сонли ишончнома асосида)лар иштирокида

даъвогар “ШИРИНА” масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар “САММЕР” масъулияти чекланган жамиятидан (Беларусь Республикаси) 30 000 АҚШ доллари ва қарор қабул қилинган кундаги рублнинг АҚШ долларига нисбатан курси бўйича эквивалент миқдорида моддий зарар ундириш тўғрисидаги 4-18-1801-2004-сонли иш бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 25 ноябрдаги ажрими устидан даъвогар томонидан берилган апелляция шикоятини иш хужжатлари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Даъвогар “ШИРИНА” масъулияти чекланган жамияти Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан муурожаат қилиб, жавобгар “САММЕР” масъулияти чекланган жамиятидан 30 000 АҚШ доллари ва қарор қабул қилинган кундаги рублнинг АҚШ долларига нисбатан курси бўйича эквивалент миқдорида моддий зарар ундиришни сўраган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 25 ноябрдаги ажрими билан низо иқтисодий судга тааллуқли бўлмаганлиги учун даъво аризаси бўйича иш юритиш тугатилган.

Иш юзасидан чиқарилган биринчи инстанция судининг ажримидан норози бўлиб, даъвогар апелляция шикоятни билан мурожаат қилган ва унда суд ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишни сўраган. Бунга асос қилиб шикоятда жавобгарнинг ваколатхонаси Ўзбекистон Республикасида расмий аккредитациядан ўтганлиги, ваколатхона раҳбарининг суд мажлисларида иштирок этиш ҳукуқи тегишли ишончнома билан тасдиқланганлиги, шу сабабли ваколатхона раҳбари суд мажлисида жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиши мумкинлиги, суд томонидан ишни кўриб чиқишда қоғозбозликка йўл қўйилганлиги ва даъво аризаси икки ярим ойдан кейин кўриб чиқилиши белгиланганлиги тўғрисида важлар келтирилган.

Судлов ҳайъати ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини эшитиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни, биринчи инстанция судининг ажримини бекор қилиб, иш бўйича янги қарор қабул қилишни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогар ва “STAR” масъулияти чекланган жамияти (Россия Федерацияси) ўртасида 2020 йил 25 июлда тузилган маҳсулот етказб бериш тўғрисидаги шартнома шартига кўра сотувчи (даъвогар) сотиб олувчига сабзавот ва мева маҳсулотларини етказиб бериш, сотиб олувчи эса етказиб берилган маҳсулотлар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олган.

Мазкур шартноманинг бажарилишини таъминлаш мақсадида сотувчи ва ташувчи (жавобгар) “ШИРИНА” масъулияти чекланган жамияти ўртасида халқаро қатновда юқларни автомобил транспортида ташиш бўйича хизмат кўрсатиш юзасидан 2020 йил 17 сентябрда 19/303-сонли шартнома тузилган бўлиб, унга кўра сотувчи маҳсулот қиймати 30 000 АҚШ доллариға тенг бўлган 50 000 тонна гилосни автомобиль транспортида ташиш ва сотиб олувчи “САММЕР” масъулияти чекланган жамиятиға етказиш учун ташувчига топшириши лозим бўлган.

Ташувчи томонидан товарларни ташиш жараёнида маҳсулотлар ярқсиз ҳолға келиб қолганлиги, шу муносабат билан даъвогар жавобгардан 30 000 АҚШ доллари ва қарор қабул қи-

линган кундаги Россия рублининг АҚШ долларига нисбатан курси бўйича 100 000 Россия рублининг АҚШ долларига эквивалент миқдорида яроқсиз ҳолга келган товар қиймати шаклидаги моддий зарарни ундириш тўғрисида судга даъво аризаси билан муурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди ушбу низо Тошкент туманлараро иқтисодий судига тааллуқли эмаслиги ва у транспорт ташкилоти жойлашган ердаги судда кўриб чиқилиши лозимлиги ҳақида хулосага келиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринда - ИПК деб юритилади) 110-моддасининг 1-бандига асосан иш юритишни тугатган.

Мазкур ажримда ИПК 37-моддасининг иккинчи қисмига кўра, ташувчига нисбатан йўловчилар, багаж ва юкларни ташиш бўйича шартномалардан келиб чиқадиган даъволар, шу жумладан, ташувчи жавобгарлардан бири бўлган ҳолатларда транспорт ташкилоти органи жойлашган ердаги судга тақдим қилиниши, даъвогарнинг танлови бўйича низони кўриб чиқишни белгилайдиган, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 8.1-бандида назарда тутилган шартнома бўйича судловга тегишлилик, ИПК 37-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган алоҳида судловга тегишлилик талабларига зид ҳисобланиши асос сифатида кўрсатилган. Суд ўз хулосасини транспорт ташкилотининг жойлашган жойи - Беларусь Республикаси бўлганлиги учун ушбу низо мазкур давлат судига тегишли эканлиги билан асослаган.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан процессуал ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилган деб ҳисоблаб, ИПКнинг 5-боби 2-параграфига кўра, низо Ўзбекистон Республикаси судига тааллуқли деб ҳисоблайди. Чунки, тарафлар ўртасида халқаро қатновда юкларни автомобиль транспортида ташиш бўйича хизмат кўрсатиш ҳақида 2020 йил 17 сентябрда тузилган 19/303-сонли шартноманинг 2.1-бандида халқаро ташишни режалаштириш, ташкил этиш, амалга ошириш ва халқаро ташиш ҳақини тўлашда тарафлар **“Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисида”ги Конвенцияга (ЮЙТК) амал қилишлари белгиланган.**

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида 1995 йил 27 декабрда кучга кирган “Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисида”ги Конвенциянинг (ЮЙТК) (Женева, 1959 йил 19 май) 1-моддасида мазкур Конвенция шартнома тарафларининг яшаш жойи ва миллатидан қатъий назар, агар шартномада кўрасатилган юкни қабул қилиш ёки етказиб бериш жойи икки хил давлатда жойлашган, тарафларнинг ҳеч бўлмаганда бири Конвенцияга аъзо бўлса, ҳақ эвазига юкларни йўлларда ташиш тўғрисидаги ҳар қандай шартномага нисбатан қўлланилиши кўрсатилган.

Мазкур Конвенция 31-моддасининг 1-бандига кўра, Конвенция тартибга солувчи, ташиш билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар юзасидан, томонлар келишган Конвенцияга аъзо мамлакатлар ҳудудидаги судлардан ташқари, ҳудудда қўйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда мамлакат судларига мурожаат қилиши мумкин:

а) жавобгарнинг доимий яшаш жойи ёки транспорт шартномаси тузилган асосий иш жойи ёки филиали ёки агентлиги жойлашган бўлса;

б) юкни ташишга қабул қилиш жойи ёки етказиб бериш учун мўлжалланган жой жойлашган бўлса.

Шу сабабли апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан низо мазкур судга тааллуқли эмаслиги асоси билан иш юритишни тугатиш ҳақида нотўғри хулосага келган деб ҳисоблайди. Чунки, шартнома ва юқоридаги Конвенцияга мувофиқ даъвогар Тошкент шаҳар иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Мазкур ҳолатда судлов ҳайъати ушбу ишни апелляция инстанцияси судида мазмунан кўриб чиқиши лозим деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида 2020 йил 25 июлда UZEF0719-сонли маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра, даъвогар сотиб олувчига янги сабзавот ва мева товарни етказиб бериши, сотиб олувчи эса етказиб берилган товар учун тўловларни тўлаш мажбуриятини олган.

Товарни етказиб беришни амалга ошириш учун сотувчи ва ташувчи ўртасида 2020 йил 17 сентябрда халқаро ташувда автотранспорт билан юкни етказиб бериш хизматлари кўрсатиш ҳақида шартнома тузилган.

Мазкур шартномада сотувчи 30 000 АҚШ доллари миқдоридаги 18 тоннага тенг бўлган товарни автомобиль транспортида ташиш ва сотиб олувчига етказиб бериш учун ташувчига топшириши келишилган.

Сотувчининг маҳсулотлари 2020 йил 11 майда ташувчига тегишли рефрижераторда юборилган. Лекин, автотранспорт воситаси йўлда бузилганлиги натижасида Қозоғистон Республикаси ҳудудида 1 суткадан ортиқ таъмирлаш учун туриб қолган. Бу ҳақда ташувчи сотувчини хат орқали маълум қилган.

Рефрижератор 2021 йил 21 майда Москвага етиб келган. Рефрижератор сотиб олувчининг вакиллари билан биргаликда очилганда, рефрижератордаги ҳамма товарлар истеъмол учун яроқсиз ҳолга келганлиги аниқланган ва кейинчалик йўқ қилинган.

Даъвогар жавогарнинг айби билан маҳсулотлар яроқсиз ҳолга келганлиги асоси билан Тошкент шаҳар иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 30 000 АҚШ доллари миқдорида товар қийматида моддий зарар ва 100 000 Россия рубли миқдорида моддий зарар ундиришни сўраган.

Судлов ҳайъати даъвогарнинг жавобгардан 30 000 АҚШ доллари миқдоридаги товар қийматидаги моддий зарарни ундириш ҳақидаги даъво талабини асосли деб ҳисоблайди.

Чунки, сотувчи томонидан ташувчига маҳсулотлар яроқли (нормал) ҳолатда топширилган. Товарни қабул қилишда ташувчи томонидан сотувчига эътирозлар билдирилмаган. Товарнинг жўнатилиши иш материалларига илова қилинган БЮД ва инвойслар билан тасдиқланади. Товарни қабул қилишда етиб келган “RusSurvey” мустақил суғурта эксперт Бюро экспертлари томонидан 2021 йил 21 майда №RB2005194-сонли товарни кўздан кечириш ҳақида далолатнома тузилган.

“Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисида”ги Конвенция (ЮЙТК) 11-моддасининг 4-банди d) кичик бандида ташувчи юкни йўқ бўлиши ёки шикастланиши

айрим юкларнинг табиат билан узвий боғлиқ алоҳида хавф бўлганда, жумладан, занглаши, тўсатдан парчаланиши, қисқариши, тешилиши, нормал йўқолиши ёки паразит ёки кемирувчиларнинг ҳужуми натижасида содир бўлса, ташувчи жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган.

Шунинг учун мазкур далолатномада ташувчи юкни етказиш давомида юзага келиши мумкин бўлган зиён (зарар) учун жавобгарликни олмаслиги ҳақида хулоса қилинган.

Бирок, иш ҳужжатларида 2021 йил 21 майдаги сотиб олувчи раҳбари С.Ж., ҳайдовчи А.А. и геодезик (сюрвейер) Т.Х. томонидан тузилган товарни кўздан кечириш тўғрисидаги далолатнома мавжуд бўлиб, унда ташувчининг хатига мувофиқ ташиш жараёнида рефрижератор - автомашинанинг борт компьютери ишлашида носозлик юзага келганлиги ва носозлик 2021 йил 14 майда бартараф қилинганлиги қайд этилган. Шунингдек, мазкур далолатномада геодезик томонидан мевалардаги ҳарорат ўлчанганлиги ва термолентада ҳароратда фарқ (перепад) бўлганлиги кўрсатилган. Натижада Қозоғистон Республикасида рефрижераторнинг бузилиши оқибатида автомашина йўлда аслида 4-5 кун бўлиш ўрнига 10 кун вақт давомида йўл босган.

Даъвогар жавобгар манзилига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаб билан талабнома юборган.

Низони судга ҳал этиш бўйича кўрилган чоралар натижа бермаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринда - ФК деб юритилади)нинг 8, 234-моддарига мувофиқ мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳама ушбу Кодексида кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФКнинг 14-моддасида агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин.

Юқоридалардан келиб чиқиб, апелляция инстанцияси суди жавобгар томонидан шартнома мажбуриятлари бузилганлиги, товарлар яроқсиз ҳолатда етказиб берилганлиги, бунинг оқибатида даъвогар жавобгарнинг айби билан қиймати 30 000 АҚШ

доллари бўлган товар ташиш вақтида яроқсиз ҳолга келганлиги сабабли, моддий зарар кўрган деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, даъво аризасида юк олувчининг харажатлари кўринишида 100 000 Россия рубли миқдоридаги зарар кўрганлиги кўрсатилган.

Бирок, суд муҳокамасида даъвогар судга юқоридаги харажатлар ҳақиқатда у (даъвогар) томонидан амалга оширилганлиги ва унга ушбу миқдорида зарар кўрганлиги тўғрисида далиллар келтирмади.

ИПК 68-моддасининг биринчи қисмига асосан ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши кераклиги белгиланган.

Ушбу кодекснинг 72-моддасига асосан муайян далиллар билан исботланиши керак бўлган иш ҳолатлари бошқа далиллар билан исботланиши мумкин эмас.

Шу сабабли судлов ҳайъати даъво талабининг ушбу қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

ИПКнинг 279-моддасида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари кўрсатилган.

Мазкур ҳолатда судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилганлиги учун суднинг ажримини бекор қилишни ва иш бўйича янги қарор қабул қилишни ҳамда суд харажатларини қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда тарафлар зиммасига юклашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, “Юокларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси тўғрисида”ги Конвенциянинг 1, 11, 31-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8, 14, 234-моддаларига ҳамда Иқтисодий процессуал кодексининг 66, 68, 118, 279, 280-моддаларига асосланиб, судлов ҳайъати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Даъвогар “ШИРИНА” масъулияти чекланган жамиятининг апелляция шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2020 йил 25 ноябрдаги ажрими бекор қилинсин.

Иш бўйича янги қарор қабул қилинсин

Даъвогар “ШИРИНА” масъулияти чекланган жамиятининг даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар “САММЕР” масъулияти чекланган жамияти (Беларусь Республикаси)дан даъвогар “ШИРИНА” масъулияти чекланган жамияти (Ўзбекистон Республикаси) фойдасига 30 000 АҚШ доллари, 6 000 АҚШ доллари давлат божи ундирилсин.

Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Ижро варақаси берилсин.

Қарор қабул қилинган пайдан бошлаб қонуний кучга киради.

Қарордан норози томон ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир йил ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

(имзо)

А.Рахмонов

Судьялар

(имзо)

С.Турғунова

(имзо)

К.Ражабов

IV. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва судьялар мақомига оид халқаро стандартлар⁶¹

Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари.

(БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича 1985 йил 26 августдан 6 сентябргача Миланда бўлиб ўтган еттинчи конгрессида қабул қилинган ва БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-сонли резолюцияси билан тасдиқланган).

Жаҳон халқлари БМТ Уставида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳамкорликни амалга ошириш мақсадидаги мажбуриятларга нисбатан одиллик амалда бўлишини таъминлайдиган тегишли шарт-шароитлар яратишга тайёр эканликларини билдираётганликларини эътиборга олиб,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига барчанинг қонун олдида тенглиги, айбсизлик презумпцияси, ишнинг таъсис этилган ваколатли, мустақил ва одил суд томонидан қонунга мувофиқ, ошкора ва адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги принциплар киритилганини эътиборга олиб,

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт мазкур ҳуқуқларни амалга оширилиши, шунингдек, фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт асосиз ушлаб туришсиз ҳам судланиш ҳуқуқини ҳам кафолатлашини эътиборга олиб,

ҳанузгача мазкур принципларнинг тақдим этилиши билан ҳақиқий ҳолат ўртасида номутаносиблик мавжудлигини эътиборга олиб,

61. О.Р.Сулайманов. Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартлар. Монография. – Тошкент. “Tafakkur qanoti” нашриёти.2020. – 228-235.

ҳар бир мамлакатда одил судловни ташкил этиш ва амалга оширишда мана шу принципларга риоя этиш ва уларни ҳаётга тўла татбиқ этиш учун барча кучларни сафарбар қилиш лозимлигини эътиборга олиб,

судьяларнинг ўз вазифаларини амалга оширишларига оид меъёрлар уларга мана шу принципларга мувофиқ иш олиб боришлари учун имкониятларни яратиб беришга қаратилиши лозимлигини эътиборга олиб,

судьяларга ҳаёт ва мамот, озодлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда мулклари масалалари бўйича узил-кесил қарорлар чиқариш мажбурияти юклатилишини эътиборга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича олтинчи Конгресси ўзининг 16-сонли резолюциясида Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш қўмитасига судьялар мустақиллиги ва танлови, судья ва прокурорларнинг касбий тайёргарлиги ва мақомларига тегишли ва амал қилиниши шарт бўлган принципларни ишлаб чиқишни биринчи галдаги вазифалар қаторига киритиш кераклигини сўраб қилган муурожаатини эътиборга олиб,

шунга боғлиқ равишда, биринчи навбатда, адлия тизимида судьяларнинг роли ва уларни танлаб олиш, тайёрлаш ва тартиб-қоидаларининг муҳимлиги тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш лозимлигини эътиборга олиб,

ҳуқуматлардан судлов органларининг мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда аъзо-мамлакатларга ёрдам бериш мақсадларида тузилган қуйидаги асосий принципларни ўз миллий қонунчилиги ва амалиёти доирасида эътиборга олиш ва ҳурмат этишлари ҳамда судьялар, адвокатлар, ижрочи ва қонун чиқарувчи органларнинг ходимлари ва кенг жамоатчилик оммасини хабардор қилишлари талаб этилади. Принциплар асосан профессионал судьялар учун мўлжалланган, бироқ, зарур бўлганда, профессионал бўлмаган судьялар ҳам, агар шундайлар мавжуд бўлса, улардан тенг даражада фойдаланишлари мумкин.

- 1 Суд органларининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланади ва мамлакат конституцияси ёки қонунларида мустақамлаб қўйилади. Барча давлат органлари ва бошқа муассасалар улар мустақиллигини ҳурмат қилишлари ва унга риоя этишлари шарт.
- 2 Суд органлари ўзларига топширилган ишларни ҳолисона, фактлар асосида ва қонунга мувофиқ равишда, ҳеч бир тараф томонидан ва ҳеч бир сабабсиз, бевосита ёки билвосита чеклашларсиз, ғайриқонуний таъсир кўрсатишларсиз, ундашлар, мажбурлашлар, таҳдидлар ёки аралашувларсиз ҳал қилади.
- 3 Суд органлари суд хусусиятига нисбатан барча масалалар бўйича ваколатларга эгадирлар ва уларга топширилган иш қонун билан белгиланган ўз ваколатга кириши ҳақида узил-кесил қарор чиқариш ҳуқуқи берилган.
- 4 Одил судлов жараёнига ғайриқонуний ёки рухсат этилмаган аралашувлар бўлмаслиги керак ҳамда судлар чиқарган қарорлар қайта кўрилмайди. Ушбу принцип судлов органлари чиқарган ҳукмларнинг қонунга мувофиқ равишда суд тартибида қайта кўрилиши ёки жазонинг енгиллаштирилишига монелик қилмайди.
- 5 Ҳар бир инсон ишнинг белгиланган юридик чоралар қўлланиладиган оддий судлар ёки трибуналларда суд тартибида кўрилиши ҳуқуқига эга. Оддий судлар ёки суд органларининг ваколатларини алмаштириш мақсадида белгилаб берилган юридик чоралардан талаб даражасида фойдаланмайдиган трибуналлар тузилмаслиги керак.
- 6 Суд органларининг мустақиллиги принципи уларга қатор ҳуқуқлар беради ва улардан судлов ишини адолатли олиб боришни ва томонлар ҳуқуқлари тенглигига риоя қилинишини талаб этади.

- 7 Ҳар бир аъзо-давлат суд органларига талаб даражасида ўз вазифаларини бажаришларига имкон берувчи тегишли воситаларни таъминлаб беришга мажбур.

Сўз ва уюшмалар эркинлиги

- 8 Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мувофиқ, бошқа фуқаролар каби, суд органлари аъзолари ҳам сўз, диний эътиқод, уюшиш ва аъзо бўлиш эркинликларидан фойдаланадилар; бироқ мазкур ҳуқуқлардан фойдаланиш давомида судьялардан ўз лавозимларига бўлган ҳурматни таъминлаш ва суд органларининг дахлсизлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш талаб этилади.

- 9 Судьялар судьялар уюшмасини ёки бошқа ташкилотларни тузиш эркинлигига ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, касбий малакасини такомиллаштириш ва дахлсизлигини сақлаб қолиш мақсадларида уларга аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Малака, танлов ва тайёргарлик

- 10 Судьялик лавозимига танлаб олинган шахслар юқори ахлоқий сифатлар ва қобилиятларга ҳамда ҳуқуқ соҳасида тегишли тайёргарлик ва билимларга эга бўлишлари керак. Судьяларни танлаб олишнинг ҳар қандай усули ғайриқонуний далиллар бўйича судьяларни тайинлашдан ҳимояни кафолатлаши лозим. Судьяларни танлаб олишда мазкур шахс ирқи, терисининг ранги, жинси, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, моддий, табақавий ёки бошқа ҳолатларига боғлиқ равишда камситилмаслиги керак; бироқ юридик лавозимга номзод тегишли давлат фуқароси бўлиши кераклиги ҳақидаги талабга камситилиш сифатида қаралмаслиги лозим.

Лавозим шартлари ва ваколат муддатлари

- 11** Судьяларнинг ваколат муддатлари, уларнинг дахлсизлиги, хавфсизлиги, муносиб тақдирланишлари, хизмат шартлари, нафақа ва нафақага чиқиш ёши тегишли тарзда қонун билан белгиланиши ва қафолатланиши керак.
- 12** Танлаб олинган ёки сайланган судьялар мажбурий пенсияга чиққунлари ёки ваколатларнинг белгиланган муддатлари тугагунга қадар қафолатланган ваколатларга эга бўладилар.
- 13** Судьяларнинг мансаб поғоналаридан кўтарилишларини, агар шундай тизим мавжуд бўлса, объектив омиллар, хусусан, уларнинг қобилияти, ахлоқий сифатлари ва тажрибасига асосланиб амалга ошириш талаб этилади.
- 14** Судларда ишларни судьялар орасида тақсимлаш суд маъмуриятининг ички иши ҳисобланади.

Касбий сир ва дахлсизлик ҳуқуқи

- 15** Судьялар ишлари бўйича касбга оид сирларни ва ўз мажбуриятларини бажариш мобайнида олинган махфий маълумотларни сир сақлашлари керак, фақат бундан очик судда кўриладиган ишлар мустасно ҳамда улар бундай масалалар бўйича кўрсатмалар беришга ҳам мажбур қилинмасликлари лозим.
- 16** Қайсидир интизомий тартиблар ёки миллий қонунчиликка мувофиқ равишда давлат томонидан апелляция ёки товон ҳуқуқларини бузмаган ҳолда, судьялар ўз фаолиятларига доир вазифаларини амалга оширишлари чоғида нотўғри ҳаракатлар ёки камчиликларга йўл қўйишлари оқибатида келтирилган молиявий зарар учун фуқаролик даъволарига нисбатан шахсий дахлсизликдан фойдаланишлари лозим.

- 17** Судьянинг хизмат юзасидан судлов ёки касбий мажбуриятларини бажариши давомида унинг устидан тушган айблов ёки шикоят аризаси тегишли чора-тадбирларга мувофиқ, зудлик билан одилона кўриб чиқилиши шарт. Судья жавоб бериш ва ҳаққоний текширув ўтказилиши ҳуқуқига эга. Агар судьянинг бошқа талаби бўлмаса, дастлабки босқичда шикоят аризасини кўриб чиқиш махфий равишда амалга оширилади.
- 18** Судьялар ўз мажбуриятларини бажаришга лаёқатсиз деб топилса ёки эгаллаб турган лавозимига ахлоқий жиҳатдан зид бўлган ҳаракатларни қилса, лавозимдан вақтинчалик четлаштирилиши ёки бўшатилиши мумкин.
- 19** Жазолаш, лавозимдан четлатиш ёки бўшатиш бўйича барча чоралар судьянинг ваколатларини тўхтатиш ҳамда муддатидан илгари тугатиш асослари ва тартибига мувофиқ белгиланади.
- 20** Маъмурий жазолаш, лавозимдан четлатиш ёки бўшатиш ҳақидаги қарор мустақил текширув предмети бўлиши лозим. Мазкур принцип олий суд қарорларига ёки қонун чиқарувчи органларнинг ишларни импичмент тартибида кўриш ёки шунга монанд чораларга риоя этиш давомида қабул қилинган қарорларига нисбатан қўлланилмаслиги мумкин.

СУД ОРГАНЛАРИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБЛАРИ

(БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашининг 1989/60-сонли резолюциясида қабул қилинган, 1989 йил 15 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 44/162-сонли резолюцияси билан тасдиқланган)

1-тартиб

Барча давлатлар ўз суд тизимларида Конституциявий жараёнлар ва давлат ички амалиётига мувофиқ равишда Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларини қабул қиладилар ва амалга оширадилар.

2-тартиб

Ҳеч бир судья асосий принципларга номутаносиб мақсадлар учун тайинланмайди ва сайланмайди ҳамда ҳеч бир судьядан мана шу Принципларга мос келмайдиган вазифаларни бажариш талаб этилмайди. Ҳеч бир судья суд органларидаги лавозимга асосий принципларга мос келмайдиган асосларда танлаб олиш ёки сайланишга рози бўлмайди ва унга мос келмайдиган вазифаларни ҳам бажармайди.

3-тартиб

Асосий принциплар барча судьялар, шу жумладан, тегишли вазиятларда агар шундайлар мавжуд бўлса, кичик амалдорлар (ассессорлар)га учун ҳам амал қилади.

4-тартиб

Давлат асосий принципларни кенг оммага асосий ёки расмий давлат тилида ёки тегишли мамлакат тилида эълон қилинишини таъминлайди. Натижада, судьялар, юрист, ижро этувчи ва қонун чиқарувчи органлар ҳамда кенг жамоатчилик анча мақбул шаклларда асосий принципларнинг мазмуни ва аҳамияти ҳақидаги маълумотларга эга бўладилар ва суд

тизими доирасида уларни қўллаш имконияти юзага келади. Умуман олганда, давлат асосий принциплар матнини судлов органларининг барча ходимлари ўртасида тарқатади.

5-тартиб

Асосий принципларнинг 8 ва 12-принципларини амалга оширишда давлат суд тизимининг фаолияти учун тегишли ресурслар ажратиш заруриятига алоҳида эътибор қаратади, шунингдек, кўриладиган ишлар сонига тўғри келадиган судьяларни тайинлаш, судларни зарур техник ходимлар ва жиҳозлар билан, мукофотлар ва иш ҳақи билан таъминлаш, судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ҳам диққат-эътиборда бўлади.

6-тартиб

Миллий ва минтақавий миқёсларда суд органларининг жамиятда тутган ўрни ва судларнинг мустақил бўлиши шартлиги тўғрисидаги семинарлар ва ўқув курсларининг ўтказилиши давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва рағбатлантирилади.

7-тартиб

Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашнинг 1986/10-сонли резолюцияси V бўлимига мувофиқ, аъзо-давлатлар 1988 йилдан бошлаб ҳар беш йилда асосий принципларни амалга оширишда эришилган ютуқлар, шу жумладан, уларни тарқатиш, миллий қонунлар таркибига киритиш, миллий даражада уларни амалга оширишда юзага келадиган муаммолар ҳақида, ҳатто зарурият бўлганда, халқаро ҳамжамият томонидан талаб этиладиган ёрдам тўғрисида Бош котибга маълумот бериб турадилар.

8-тартиб

Бош котиб ҳар беш йилда Жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича Қўмита учун 7-тартибга мувофиқ, давлатлар томонидан олинadиган маълумотлар асосида, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими доирасидаги мавжуд маълумотлар ҳамда институтлар, экспертлар, минтақа-

вий ва минтақаларро маслаҳатчилар томонидан тақдим этиладиган техник ҳамкорликлар ва кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги маълумотлар асосида асосий принципларни амалга ошириш ишларининг кечиши тўғрисида холис баёнот тайёрлайди. Мазкур баёнотни тайёрлашда Бош котиб, шунингдек, ихтисослашган муассасалар ва давлатлараро ҳамда нодавлат ташкилотлар, хусусан, Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаш қошида маслаҳатчи мақомига эга судьялар ва адвокатлар касбий уюшмалари ўртасида ҳамкорликни қўллаб-қувватлашини билдиради.

9-тартиб

Бош котиб асосий принциплар, ушбу принципларни амалга ошириш тадбирлари ҳамда давлатлар томонидан уларни амалга оширилиши тўғрисидаги даврий ҳисоботларнинг оммалашувига ҳамда 7 ва 8-тартибларда қайд этилган тарзда, максимал даражада кўпроқ тилларда тарқатишга ҳаракат қилади ва бу билан барча давлатларга ва тегишли ҳукуматлараро ҳамда нодавлат ташкилотлар орасида мазкур ҳужжатларнинг янада кенгроқ оммалашувига ёрдам беради.

10-тартиб

Бош котиб асосий принциплар матнини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли дастурларида шарҳлаш ва уларни амалга ошириш тартибларидан янада кўпроқ фойдаланишни таъминлашга ҳаракат қилади ҳамда имкон қадар қисқа муддатларда Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг 1986/10-сонли резолюциясининг V бўлимига мувофиқ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Инсон ҳуқуқлари: Халқаро шартномалар тўплами» нашрларига киритилишини таъминлаб бериши лозим.

11-тартиб

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти техник ҳамкорлик дастурларининг муҳим таркибий қисми сифатида, хусусан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва Техник ҳамкорлик Департаменти:

a

давлатларга уларнинг илтимосларига кўра, мустақил ва самарали суд тизимини ташкил этиш ва мустаҳкамлашга ёрдам кўрсатади;

b

давлатларга уларнинг илтимосларига кўра, асосий принципларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш мақсадларида суд ишларини олиб бориш масалалари бўйича экспертлар ва минтақавий ва минтақаларо маслаҳатчилар хизматини тақдим этади;

c

асосий принципларни амалга ошириш бўйича мазкур соҳадаги янги кўринишларга урғу берган ҳолда, самарали чора-тадбирларни қўллаш соҳасига оид тадқиқотларни чуқурлаштиради;

d

жамиятда суд тизимининг роли, унинг мустақиллигини таъминлаш зарурияти ва мазкур мақсадларга эришиш учун асосий принципларни амалга оширишнинг муҳимлиги тўғрисидаги масалалар бўйича профессионал ва нопрофессионал даражаларда миллий ва минтақавий семинарлар ҳамда бошқа мажлислар ўтказишга ёрдам беради;

e

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил судловни амалга ошириш бўйича минтақавий ва минтақаларо илмий тадқиқот ва ўқув институтларини, шунингдек, асосий принципларни амалга ошириш масалалари билан шуғулланувчи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими доирасидаги бошқа ташкилотларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бориладиган фаолиятни мустаҳкамлайди.

12-тартиб

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноятчиликни олдини олиш ва одил судловни амалга ошириш бўйича минтақавий ва минтақаларо илмий тадқиқот ва ўқув институтлари, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими доирасидаги бошқа тегишли ташкилотлар асосий принци-

пларни амалга оширишда катта ёрдам кўрсатадилар. Улар асосий принципларни ўз тадқиқотларида, кадрлар тайёрлаш дастурларида қўллашни кенгайтириш йўллари ва воситаларига ҳамда аъзо мамлакатлар илтимосига кўра, уларга техник ёрдам тақдим этилишига алоҳида эътибор қаратадилар. Мана шу мақсадларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти институтлари миллий муассасалар ва тегишли ҳукуматлараро ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда асосий принциплар ва уларни амалга оширишнинг мазкур тартиботлари негизида ўқув дастурлари ва материаллари ишлаб чиқадиладар, улардан эса барча даражадаги юридик таълим дастурларида, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва аралаш мавзулар бўйича курсларда кенг фойдаланилади.

13-тартиб

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Минтақавий комиссиялари, махсус муассасалари ва бошқа ташкилотлари, шунингдек, ҳукуматлараро тегишли ташкилотлар асосий принципларни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этадилар. Улар Бош котибни принципларни кенг ёйиш учун, амалиётда қўллаш учун кўрилаётган чоралар, бу йўлда дуч келинаётган қийинчиликлар ва камчиликлар ҳақида хабардор қилиб турадилар. Бош котиб ўз навбатида, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш қошида маслаҳат берувчи мақомига эга нодавлат ташкилотлар ҳам асосий принципларни амалга ошириш жараёнида ва тегишли ҳисоб бериш тадбирларида фаол иштирок этишларини таъминлаш чора тадбирларини кўради.

14-тартиб

Жинойатчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш Қўмитаси Бош Ассамблея ҳамда Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашга асосий принципларни амалга ошириш бўйича тадбирларнинг бажарилишига боғлиқ навбатдаги фаолиятни олиб бориш, шу жумладан, юқоридаги 6 ва 7-тартибларга мувофиқ, вақти билан ҳисобот-маърузалар тақдим этишда

ёрдам беради. Қўмита мана шу мақсадларда асосий принципларни амалга оширишда дуч келинадиган қийинчиликлар ва камчиликлар ҳамда уларнинг сабабларини аниқлайди.

Зарур ҳолларда, Қўмита Ассамблея ва Кенгашга ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи бошқа тегишли органларига асосий принципларни самарали амалга ошириш учун зарур бўладиган навбатдаги чора-тадбирлар юзасидан аниқ тавсия-кўрсатмалар беради.

15-тартиб

Жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашиш Қўмитаси, зарурият туғилганда, Бош Ассамблея, Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашга ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи бошқа тегишли органларига асосий принципларни қўллаш ва амалга ошириш масалаларига боғлиқ текширув ишларини олиб боровчи махсус комиссиялар ёки органларнинг маърузалари бўйича тавсиялар ҳам тақдим этган ҳолда, ёрдам кўрсатади.

СУДЬЯЛАРНИНГ ОДОБ АХЛОҚИГА ОИД БАНГАЛОР ПРИНЦИПЛАРИ

Суд органларининг ҳалоллиги ва поклигини мустаҳкамлаш бўйича судьялар гуруҳи томонидан 2001 йилда қабул қилинган, Гаагадаги Тинчлик Саройида 2002 йил 25–26 ноябрь кунларида ўтказилган Олий судлар раисларининг давра суҳбати мажлисида ўзгартиришлар киритилган.

Муқаддима

Ҳар бир инсон, унинг ҳуқуқлари ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг нечоғли асосланганлигини аниқлаш учун, батамом тенглик шароитида, ўз иши ошқора, адолатнинг барча талабларига риоя этилиб, мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгаллигини асосий принцип сифатида эътироф этган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини эътиборга олиб,

Барча фуқаролар судлар олдида тенглиги, ҳар бир шахс ўзига қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқиляётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида, мазкур иш қонунга мувофиқ тузилган малакали, мустақил ва холис суд томонидан адолатли ҳамда ошқора кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгаллигини кафолатлайдиган “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактни эътиборга олиб,

Юқорида кўрсатилган асосий принциплар ва ҳуқуқлар, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчили, миллий конституциялар, статутли ва умумий ҳуқуқда, судга оид урф-одатлар ва анъаналарда тан олинishi ёки ўз аксини топишини эътиборга олиб,

Суд органларининг малакалилиги, мустақиллиги ва холислиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида катта аҳамиятга эгаллиги, чунки бошқа барча ҳуқуқларнинг амалга оширилиши одил судловни тегишли равишда рўёбга чиқарилишига боғлиқ эканини эътиборга олиб,

Суд органларининг малакалилиги, мустақиллиги ва холислиги судларнинг конституциявийлик ва ҳуқуқ-тартиботни қўллаб-қувватлашдаги ролини бажаришда катта аҳамиятга эгаллигини эътиборга олиб,

Жамиятнинг суд тизимига, шунингдек, унинг обрўси ҳамда суд органларининг маънавияти, ҳалоллиги ва виждонлилигига оид масалаларга нисбатан ишончи замонавий демократик жамиятда биринчи даражадаги аҳамиятга эгаллигини эътиборга олиб,

Судьялар жамият томонидан ўзларига билдирилган ишонч даражасини англаган ҳолда, якка ва жамоавий тартибда, ўз лавозимига ҳурмат ва шараф билан ёндашишлари ҳамда улар суд тизимига бўлган ишончни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш учун барча саъй-ҳаракатларни ишга солишлари зарурлигини эътиборга олиб,

Судьялар ахлоқига доир юксак андозаларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳар бир давлат суд органларининг бевосита мажбурияти эканини эътиборга олиб,

Шунингдек, Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари суд органларининг мустақиллигини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашга ҳамда асосан давлатларга қаратилганини эътиборга олиб,

Қуйида санаб ўтилган принциплар судьялар ахлоқ қоидаларининг андозаларини белгилаш мақсадини ўзида мужассам этади. Улар судьяларга дастуриламал сифатида фойдаланиш учун ҳамда суд органларига судьялар ахлоқини белгилашнинг асосий принциплари сифатида қўлланиш учун мўлжалланган. Бундан ташқари, улар ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллари, адвокатлар ва умуман, жамият томонидан одил судловни амалга ошириш жараёнини янада яхши англаши ва қўллаб-қувватлашига кўмаклашишга қаратилган. Мазкур принциплар судьялар ўз ахлоқи юзасидан суд андозаларини қўллаб-қувватлаш учун тузилган, холис ва мустақил равишда ҳаракат қиладиган, судьяларга алоқадор ахлоққа доир амалдаги меъёрлар ва қоидалар аҳамиятини камайтириш эмас, балки ошириш мақсадида фаолият юритадиган тегишли органларга ҳисобдор эканини назарда тутади.



Принцип:

Суд органларининг мустақиллиги ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг муҳим омили ҳамда судда ишнинг одил ҳал этилишининг асосий кафолатидир. Демак, судья суд органларининг мустақиллиги принципини унинг якка тартибдаги ва институционал жиҳатларида ҳимоя қилиши ва рўёбга чиқариши лозим.

Қўлланиши


➡ 1.1. Суд органларининг мустақиллигини сақлаш ва судья ўзининг суддаги вазифасини фақат фактларга баҳо беришдан келиб чиқиб, ҳуқуқни онгли равишда тушунишидан келиб чиқиб, ҳар қандай ташқи таъсир, даъват, босим, дўқ-пўписа ёхуд ҳар қандай томондан амалга оширилаётган ва турли мақсадларни кўзлаётган бевосита ёки билвосита аралашувдан мустақил равишда амалга ошириши лозим.

➡ 1.2. Судья умуман жамиятга нисбатан ҳамда у қарор чиқариши лозим бўлган суд ишининг муайян томонларига нисбатан мустақил позицияни ёклаши лозим.

➡ 1.3. Судья лавозимига мос келмайдиган ҳар қандай ўзаро муносабатларни ёки ҳокимиятнинг ижро ва қонун чиқарувчи тармоқлари томонидан таъсирни нафақат истисно этади, балки бу ҳатто четдаги қузатувчига сезиларли бўлиши учун барча чораларни кўради.

➡ 1.4. Иш бўйича қарор судьянинг ўзи томонидан қабул қилиниши лозим бўлган ҳолларда у суд таркибидаги бошқа ҳамкасбларининг фикридан мустақил равишда ҳаракат қилади.

➡ 1.5. Судьялар ўзларининг институционал ёки индивидуал мустақилиги сақлаш ва ривожлантириш мақсадида ўз мажбуриятларини бажариш кафолатларини ҳимоя қилади ва қўллаб-қувватлайди.



1.6. Судья суд органларининг мустақиллигини қўллаб-қувватлаш учун биринчи даражали аҳамиятга эга омил сифатида жамиятнинг суд органларига ишончини мустаҳкамлаш мақсадида судьялар ахлоқига доир юксак стандартларни намойиш этади ва қўллаб-қувватлайди.


2-кўрсаткич: **Холислик**





Принцип:


Судьянинг холислиги у ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришининг шартидир. Холислик нафақат чиқарилаётган қарор мазмунида, балки уни қабул қилишда кечадиган барча процессуал ҳаракатларда намоён бўлади.

Қўлланиши


 2.1. Судья ўз мажбуриятларини бажаришда ҳар қандай афзал кўришлар, сохта фикрлар ёки тахминийликдан холи бўлиши лозим.

 2.2. Судьянинг суд мажлиси давомида ва суддан ташқаридаги ахлоқи жамият, юридик касб вакиллари ва суд жараёни томонларининг судья ва суд органларининг холислигига ишончини қўллаб-қувватлаш ва оширишга хизмат қилиши лозим.

 2.3. Судья ўзини суд мажлисларида иштирок этиш ва суд ишлари бўйича қарорлар чиқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўладиган ҳаракатларни қилишдан имкон қадар ўзини чеклаши даркор.

 2.4. Ишни (кўриб чиқирилиши аввалдан маълум бўлган ёки фақат тахмин қилинаётган) кўриб чиқириш олдиндан судья вазиятга оқилона баҳо беришдан келиб чиқиб, шу ишнинг якунига қандайдир таъсир қилиши ёки жараённинг адолатли амалга оширилишини шубҳа остига қўйиши мумкин бўлган ҳар қандай шарҳлардан ўзини тияди. Судья ошкора ёки бошқа шарҳлардан ўзини тияди, чунки акс ҳолда бу қандайдир шахс ёки масалага

нисбатан ишнинг холисона кўриб чиқилишига тўсқинлик қилиши мумкинлиги белгиланган.

 2.5. Судья иш бўйича холис қарор чиқаришнинг имкони йўқ деб ўйлаган ёки четдаги кузатувчида судьянинг холислиги ҳақида шубҳалар пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳолларда, у ишни кўриб чиқишда иштирок этишдан ўзини четга олади. Қуйида шундай ҳолатларга баъзи мисоллар келтирилган:

a судьяда томонларнинг бирига нисбатан сохта фикр ёки тахминий муносабат шаклланса, ёки судьяга унинг шахсий манбалари орқали кўрилаётган ишга алоқадор қандайдир исботловчи далиллар маълум бўлиб қолса;

b аввал баҳснинг айнан шу предметини кўриб чиқишда судья адвокат сифатида иштирок этган ёки муҳим гувоҳ сифатида жалб қилинган бўлса; ёки

c судья ёки унинг оила аъзолари кўрилаётган ишнинг натижасидан моддий манфаатдор бўлса. Ушбу ишни кўриб чиқиш учун бошқа суд тайинланишининг иложи бўлмаган ҳолда, ёки ишнинг шошилинч хусусиятга эга экани, уни ҳал қилишни кечиктириш суднинг жиддий хатосига олиб келиши мумкинлиги шароитида судья ишни кўриб чиқишда иштирок этишидан четлаштирилиши мумкин эмас.

3-кўрсаткич: **Ҳалоллик ва поклик**



Принцип:

Ҳалоллик ва поклик судьянинг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришининг зарур шартларидир.

Қўлланиши



3.1. Судья ҳатто четдан кузатувчининг назарида ҳам бенуксон ахлоқни намойиш этади.



3.2. Судьянинг ҳаракат тарзи ва ахлоқи жамиятнинг суд органлари ҳалоллиги ва виждонлигига ишончини қўллаб-қувватлаши лозим. Шунчаки одил судловни амалга ошириш етарли эмас, буни жамият учун ошкора қилиш лозим.

4-кўрсаткич: Этик нормаларга риоя қилиш



Принцип:

Этик нормаларга риоя этиш, бунга амал қилишни намойиш этиш судьялар фаолиятининг ажралмас қисмидир.

Қўлланиши



4.1. Судья ўз лавозими билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишда нотўғри ахлоқ кўринишларига йўл қўймасдан, ахлоқ меъёрларига риоя этади.




4.2. Жамоатчилик томонидан доимий эътибор судьялар зиммасига қатор чекловларни юклайди ва оддий фуқарога бундай чекловлар қийинчилик туғдирадигандек туюлишига карамай, судья уларни ихтиёрий равишда ва чин кўнгилдан қабул қилади. Хусусан, судьянинг ахлоқи лавозимининг юксак мартабасига мос бўлиши лозим.





4.3. Судья ишни кўриб чиқаётган судда доимий фаолият юритадиган адвокатлар билан ўзаро шахсий муносабатларда ўзида сохта фикрлар ёки тахминий муносабат мавжудлиги ҳақида шубҳа ёки тасаввур туғдириши мумкин бўлган вазиятлардан эҳтиёт бўлади.





4.4. Судья ўзининг оила аъзоларидан бири ишнинг қайсидир томони вакили сифатида иштирок этса ёки ишга бошқача тарзда алоқадор бўлса, ишни кўришда иштирок этмайди.


 4.5. Судья ўз турар жойини мижозларни қабул қилиш ёки ҳамкасблар билан учрашиш учун бошқа адвокатларга тақдим этмайди.


 4.6. Судьяга, ҳар қандай бошқа фуқарога бўлгани каби, дин эркинлиги, йиғин ва бирлашмаларда иштирок этиш эркинлиги кафолатланади, аммо бу ҳуқуқларни амалга оширишда у доимо судьялик юксак рутбасини сақлаш ҳақида қайғуради ҳамда суд органларининг холислиги ва мустақиллигига мос келмайдиган ҳаракатларга йўл қўймайди.

 4.7. Судья ўзининг махфий хусусиятдаги шахсий ва моддий манфаатларини билиши ҳамда ўз оиласи аъзоларининг моддий манфаатлари тўғрисидаги ахборотга эга бўлиш учун оқилона чоралар кўриши лозим.

 4.8. Судья ўз оиласи аъзоларининг ижтимоий ва бошқа ўзаро муносабатларга, унинг судьялик вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳаракатларига нисбатан ҳамда суд қарорларини қабул қилишига нотўғри таъсир кўрсатишига йўл қўймаслиги лозим.

 4.9. Судья ўз лавозими мавқеидан судьяларнинг, улар оила аъзолари ва ҳар қандай бошқа шахсларнинг шахсий манфаатларига эришиш учун фойдаланиши ёки фойдаланишга рухсат беришга ҳақли эмас. Судья ўз ваколатларини амалга оширишда кимдир нотўғри таъсир кўрсатишига олиб келиши мумкин ҳаракатларни қилмаслиги ёки бошқа шахсларга шундай ҳаракат қилишга йўл қўймаслиги лозим.

 4.10. Лавозими муносабати билан судьяга маълум бўлган махфий маълумот ўз мажбуриятларини бажаришга доир ҳар қандай бошқа мақсадларда ишлатилиши ёки бошқаларга ошкор этилиши мумкин эмас.

 4.11. Ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариши шароитида судья қуйидагиларни қилишга ҳақли:

a

адабий, педагогик фаолият билан шуғулланиш, маърузалар ўқиш, ҳуқуқ, қонунчилик, одил судловни амалга ошириш ва бошқа шунга ўхшаш масалалар билан боғлиқ фаолиятда иштирок этиш;

b

ишларни ошкора кўришда расмий орган олдида ҳуқуқ, қонунчилик, одил судловни амалга ошириш ва бошқа шунга ўхшаш масалаларга доир саволлар бўйича сўзга чиқиш;

c

расмий орган, ҳукумат қўмитаси, комиссия, маслаҳат органида аъзо бўлиш, агар бундай аъзолик судьяга холис бўлиб қолиш ва сиёсий нейтрал позицияни сақлаб қолиш имконини берса; ёхуд

d

судья лавозимининг олий рутбасига мос бўлган ҳамда судьялик мажбуриятларини бажаришга ҳар қандай даражада тўсқинлик қилмайдиган бошқа фаолият билан шуғулланиш.



4.12. Судьялик лавозимини эгаллаб турган даврда судья юридик амалиёт билан шуғулланишга ҳақли эмас.



4.13. Судья судьялар уюшмаларини тузиш ёки уларга аъзо бўлиш, судьялар манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга аъзо бўлишга ҳақли.



4.14. Судья ва унинг оила аъзолари судья ўз лавозим мажбуриятларини бажариши муносабати билан содир этган, содир этмоқчи бўлган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқиба-тида ҳар қандай совға, ссудалар, васиятлар ёки бошқача шаклдаги ёрдамни талаб этиш ёки қабул қилишга ҳақли эмас.



4.15. Судья суд ходимлари ҳамда судьянинг таъсири, тобелиги, раҳбарлиги остида бўлган бошқа шахсларга ҳар қандай совға, ссудалар, васиятлар ёки бошқача шаклдаги ёрдамни талаб этиш ёки қабул қилишга (агар судьяга бу, ўз лавозим

мажбуриятларини бажариши муносабати билан келиб чиққан, амалга оширган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида рўй бериши аввалдан маълум бўлса) рухсат беришга ҳақли эмас.



4.16. Қонунда тақиқлар, ёки ошқора фош этиш билан боғлиқ бошқа қонуний чекловлар бўлмаса (агар улар қандайдир тарзда унинг лавозим мажбуриятларини бажаришга таъсир кўрсатиш ниятида ёки бошқа ғаразли ниятларда амалга оширилмаган бўлса), судья тегишли ҳолларда эсдалик совғалари, мукофот ва имтиёзлар олишга ҳақли.

5-кўрсаткич: **Тенглик**



Принцип:

Суд мажлисининг барча томонлари учун тенг муомала бўлишини таъминлаш судья ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришида биринчи даражали аҳамиятга эга.

Қўлланиши



5.1. Судья жамиятнинг хилма-хиллиги ҳамда турли манбалар, шу жумладан, бошқалар қаторида ирк, тери ранги, жинс, дин, миллий келиб чиқиш, каста, меҳнатга лаёқатсизлик, ёш, оилавий аҳвол, жинсий мойиллик, ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва шунга ўхшаш бошқа сабаблардан (ишга алоқадор бўлмаган асослар) келиб чиқувчи фарқларни англаши ва тасаввур қилиши лозим.



5.2. Ўз мажбуриятларини бажаришда судья ишга алоқадор бўлмаган сабабларга кўра, ҳар қандай шахс ёки шахслар гуруҳига нисбатан сўзи ёки муомаласида тарафкашлик ёки сохта фикр муносабатини намоён этмаслиги лозим.



5.3. Судья суддаги вазифаларини барча шахслар, шу жумладан, суд иши томонлари, гувоҳлар, адвокатлар, суд ходимлари ва суд таркибидаги ҳамкасбларининг манфаатлари-

ни лозим даражада инобатга олиб, шу вазифаларни лозим даражада бажариш учун аҳамияти бўлмаган, ишга алоқадор бўлмаган сабаблардан келиб чиқиб фарқламаган ҳолда бажаради.



5.4. Судья онгли равишда, суд ходимлари ёки судьянинг таъсири, тобелигида ёки раҳбарлиги остида бўлган бошқа шахслар судда кўрилаётган иш бўйича белгиланган шахсларга нисбатан ишга алоқадор бўлмаган ҳар қандай сабабларга кўра, табақаланган ёндашишларига онгли равишда йўл қўймаслиги лозим.



5.5. Судья судда иш кўришда иштирок этаётган барча адвокатларда сўз ёки муомала орқали ишга алоқадор бўлмаган сабабларга нисбатан ноҳолис ёки сохта фикр муносабатини намойиш қилишдан ўзларини тийишларини талаб қилади, лекин судда кўрилаётган иш предмети учун ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳамда қонуний жихатдан оқланиши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

6-кўрсаткич: **Компетентлик ва ҳаракатчанлик**



Принцип:

Компетентлик ва ҳаракатчанлик судья ўз мажбуриятларини бажаришининг зарур шартларидир.

Қўлланиши



6.1. Судьянинг судьялик вазифалари бошқа ҳар қандай фаолият турларидан устундир.



6.2. Судья ўз касбий фаолиятини судьялик вазифаларини бажаришга бағишлайди, бунга нафақат судда ишни кўриб чиқишда судлов ва лавозим мажбуриятларини бажариш ва қарорлар чиқариш, шунингдек, суддаги лавозим ёки фаолиятига алоқадор бўлган бошқа вазифаларни бажариш ҳам киради.



6.3. Судья ўз билимларини сақлаш ва кенгайтириш, амалий тажрибаси ва ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариш учун зарур бўлган шахсий фазилатларини такомиллаштириш учун оқилона чоралар кўради, бу борада ўқув воситалари ҳамда судлов назорати шароитида судьялар учун яратилган бошқа имкониятлардан фойдаланади.



6.4. Судья халқаро ҳуқуқдаги тегишли ўзгаришлардан, шу жумладан, инсон ҳуқуқларига нисбатан амал қиладиган меъёрларни белгиловчи халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатлардан хабардор бўлиши лозим.



6.5. Судья ўзининг барча мажбуриятларини, шу жумладан, кечиктирилган қарорлар чиқаришда оқилона, адолатли ва муайян тезлик билан бажаради.



6.6. Судья барча суд мажлисларида тартибни сақлайди ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилади, ўзини суд мажлисининг томонлари, маслаҳатчилар, гувоҳлар, адвокатлар ва бошқа шахсларга нисбатан сабрли, муносиб ва хушмуомала муносабатда тутди. Судья томонларнинг қонуний вакиллари, суд ходимлари ҳамда ўз таъсири, тобелиги ёки назорати остида бўлган бошқа шахслардан ҳам шундай муомалани талаб қилиши лозим.



6.7. Судья суд вазифаларини тиришқоқлик билан бажаришга мос келмайдиган фаолият билан шуғулланмаслиги лозим.

УМУМЖАҲОН СУДЬЯЛАР ХАРТИЯСИ

Халқаро судьялар уюшмаси томонидан 1999 йил 17 ноябрда қабул қилинган

Муқаддима

Бутун жаҳондаги судьялар ушбу Хартияни тузишда иштирок этдилар. Ушбу Хартия— улар меҳнатининг самараси; у Халқаро судьялар уюшмасига аъзо уюшмалар томонидан умумий минимал меъёрлар сифатида қабул қилинган.

Хартия матни Халқаро судьялар уюшмаси Марказий кенгашининг 1999 йил 17 ноябрь куни Тайпей (Тайвань)да ўтказилган мажлисида иштирок этган вакиллар томонидан бир овоздан қабул қилинди.

1-модда. Мустақиллик

Судьялар ўзининг бутун фаолияти билан ҳар бир инсоннинг адолатли судлов ҳуқуқини таъминлашлари лозим. Улар ҳар бир инсоннинг фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда ёки унга қўйилган ҳар қандай жиноий айбловни кўриб чиқишда ишнинг ҳолис ва мустақил суд томонидан қонунда белгиланган оқилона муддатда адолатли ва ошкора кўриб чиқилиши ҳуқуқини қўллаб-қувватлашлари лозим.

Судьянинг мустақиллиги қонунга мувофиқ одил судловни ҳолис амалга ошириш учун зарурдир. Мустақиллик бўлинмасдир. Барча миллий ёки халқаро ҳокимият муассасалари ва органлари бу мустақилликни ҳурматлаши, муҳофаза ва ҳимоя қилиши лозим.

2-модда. Мавқе

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги бошқа давлат ҳокимияти тармоқларидан ҳақиқатан ва амалда мустақил бўлган суд идорасини тузиш ва ҳимоя қилиш орқали қонуний жиҳатдан таъминланган бўлиши лозим. Судья ўзи эгаллаб турган судьялик лавозимида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тазйиққа учрамасдан, суд тизимини тартибга солишни амалга оширувчи бош-

қа судьялар ва шахслардан мустақил равишда суд ҳокимиятидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим.

3-модда. Қонунга итоат қилиш

Судья суд мажбуриятларини фақат қонунга мувофиқ амалга ошириши ва фақат қонунга таяниши лозим.

4-модда. Шахсий мустақиллик

Ҳеч ким судьяга унинг суд бўйича қарорларига таъсир кўрсатадиган ҳар қандай кўринишдаги кўрсатмалар ёки топшириқлар бермаслиги ёки беришга уринмаслиги лозим, лекин тегишли вазиятларда юқори турувчи судлар томонидан апелляция тартибда муайян иш бўйича билдирилиши мумкин бўлган фикрлар бундан мустасно.

5-модда. Холислик ва вазминлик

Суд мажбуриятларини бажараётиб, судья холис бўлиши, шу билан бирга, четдаги кузатувчи учун холис бўлиб кўриниши лозим.

Судья ўз мажбуриятларини босиқлик ҳамда суд ва жараённинг барча ишгирокчилари кадр-қимматига эътибор билан бажариши лозим.

6-модда. Самарадорлик.

Судья ўз мажбуриятларини ҳар қандай сабабсиз кечиктиришларсиз ҳалол ва самарали бажариши лозим.

7-модда. Лавозимдан ташқари фаолият

Судья ўз лавозими ва мавқеига зид бўлган жамоатчилик ёки шахсий, ҳақ тўланадиган ёки тўланмайдиган қандайдир бошқа вазифаларни бажармаслиги лозим.

Судья ўз розилигисиз ташқаридан бошқа лавозимларга тайинланиши мумкин эмас.

8-модда. Дахлсизлик

Судья фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва фақат тегишли интизомий тартибда қабул қилинган қарорга кўра,

бошқа лавозимга кўчирилиши, лавозимидан озод этилиши ёки туширилиши мумкин. Судья умрбод ёки муайян муддатга суд ҳокимиятининг мустақиллигига хавф туғдирмайдиган шартларда тайинланиши лозим. Судьянинг пенсия ёшига доир ҳар қандай ўзгартиришлар акс таъсирга эга бўлмаслиги лозим.

9-модда. Тайинлаш

Судьяни лавозимга танлаш ва ҳар бир тайинлаш тегишли касбий малакага асосланган холис ва шаффоф мезонларга мувофиқ амалга оширилиши лозим. Агар бу вақт билан синалган анъаналардан келиб чиқадиган бошқа усуллар билан таъминланмаган бўлса, унда танлов судьялар кўпчиликини ташкил этадиган мустақил орган томонидан амалга оширилиши лозим.

10-модда. Фуқаролик ва жиний жавобгарлик

Судьяларга нисбатан фуқаролик ва жиний ишлари бўйича судлов, шу жумладан, ҳибсга олиш чоралари бунга йўл қўйилган мамлакатларда фақат судьянинг мустақиллигига таъсир мавжуд бўлмаслиги кафолатланган шароитларда рухсат этилиши мумкин.

11-модда. Маъмурий ва интизомий чоралар

Суд тизимини идора қилиш ва судьяларга нисбатан интизомий иш қўзғатиш шундай ташкил этилган бўлиши керакки, судьяларнинг ҳақиқий мустақиллиги шубҳа остига қўйилмаслиги ҳамда фақат холис ва муҳим омиллар эътиборга олиниши лозим.

Агар бу вақт билан синалган анъаналардан келиб чиқадиган бошқа усуллар билан таъминланмаган бўлса, суд тизимини идора қилиш ва судьяларга нисбатан интизомий иш қўзғатиш таркибида судьялар кўпчиликини ташкил этадиган мустақил орган томонидан амалга оширилиши керак.

Судьяга нисбатан интизомий иш шундай имконият амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ва белгиланган процессуал меъёрларга мувофиқ бўлган ҳолдагина қўзғатилиши мумкин.

12-модда. Уюшмалар

Давлат маслаҳатлар олиш, айниқса, судьялар кодекси, ахлоқ ва бошқа қоидалар, шунингдек, одил судловни амалга ошириш воситаларини қўллаш масалалари ва ўзининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлиш бўйича мурожаат қилиш мақсадида касбий уюшмаларга аъзо бўлиш ҳуқуқини тан олиши лозим.

13-модда. Тақдирлаш ва истеъфога чиқиш

Ҳақиқий иқтисодий мустақиллик таъминланиши учун судья етарли ҳақ олиши лозим. Ҳақ миқдори судьялар ишининг натижаларига боғлиқ бўлмаслиги ёки унинг давозимда бўлиши даврида камаймаслиги керак. Судья ўз тоифасига мувофиқ йиллик нафақа ёки пенсия олиш имконияти билан истеъфога чиқиш ҳуқуқига эга. Судья истеъфога чиққандан сўнг, аввал судья бўлгани сабабли бошқа юридик фаолият билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум этилмайди.

14-модда. Таъминот

Ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари ўз вазифасини бажариши учун суд ҳокимиятини зарур шароитлар билан таъминлашлари лозим. Суд ҳокимиятининг вакиллари ушбу масала бўйича қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этишлари ёки ўз фикрларини билдиришлари мумкин.

15-модда. Давлат айблови

Давлат айбловининг аъзолари судьялар бўлган мамлакатларда юқорида кўрсатилган принциплар шу судьяларга нисбатан зарур ўзгартишлар билан қўлланади.

ОДИЛ СУДЛОВ МУСТАҚИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

«Сингхви декларацияси» 1988 йил, ушбу декларация лойиҳаси БМТнинг Иқтисодий ижтимоий кенгаши Озчиликлар камситилишининг олдини олиш ва ҳимоя қилиш бўйича комиссиясининг махсус маърузачиси томонидан тайёрланган, Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси 1989/32 резолюциясида ҳукуматларга Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларини қўллашда эътиборга олишни тақлиф қилган.

Судьялар Мақсад ва вазифалари

1 Суд тизимининг мақсад ва вазифалари куйидагилардан иборат:

a томонлар ким бўлишидан қатъи назар адолатли суд қилиш;

b суд ваколатлари доирасида ёрдам кўрсатиш, инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва эришиш;

c қонун устуворлиги принципига мувофиқ, барча халқлар учун хавфсиз ҳаёт кечиршни таъминлаш.

Мустақиллик

2 Судьялар мустақил бўлишлари (ва бу, уларнинг мажбуриятига айланиши) керак. Улар ўзларига топширилган ишларни ҳолисона, фактлар асосида ва қонунга мувофиқ равишда, ҳеч бир тараф томонидан ва ҳеч бир сабабсиз, бевосита ёки билвосита чеклашларсиз, ғайриқонуний таъсир кўрсатишларсиз, ундашлар, мажбурлашлар, таҳдидлар ёки аралашувларсиз ҳал қиладилар.

3 Судьялар қарор чиқариш жараёнида ўз ҳамкасблари ва раҳбарларидан ҳам мустақил бўлишлари керак. Судьянинг ўз қарорини мустақил равишда чиқаришига суд тизимининг ҳеч

бир иерархик тузилмаси ва ҳеч қандай тоифа ёки ранг умуман таъсир ўтказмаслиги лозим. Судьялар ҳам ўз тарафидан, алоҳида иш олиб борадими ёки жамоа бўлибми, уларнинг ҳуқуқий тизимида қабул қилинган қонунчилик доктринасига нисбатан тўла масъулият билан ўз вазифаларини бажаришлари керак.

4 Суд ҳокимияти ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлардан мустақил бўлиши керак.

5 **a** Суд тавсифига эга барча масалалар, шахсий юрисдикция ва компетенция масалаларини ҳам қўшган ҳолда, суд органларида тўғридан-тўғри ёки билвосита суд назорати орқали судда қўрилиши шарт.

b Ҳеч қайси суд органининг судлар ваколатига топширилган юрисдикцияни алмаштириш мақсадида *ad hoc* ташкил қилиниши тақиқланади.

c Ҳар бир инсон ўз ишининг судлар томонидан тегишли муддатларда ва оддий судлар ёки суд трибуналлари томонидан асоссиз кечиктиришларсиз, қонун билан белгиланган тартибларда, суд томонидан қайта қўриб чиқиш имконияти билан қўрилиши ҳуқуқига эга.

d Миллат ҳаётига хавф юзага келган фавқулудда ҳолатларда, бироқ, шунда ҳам қонун билан белгиланган тартиблар бўйича ва халқаро ҳуқуқлар томонидан тан олинган минимал андозаларга сўзсиз итоат этиш шарти ва судда қайта қўриш имконияти билан баъзида маълум чекинишларга йўл қўйилади.

e Мана шундай фавқулудда вазиятларда давлат бирор бир жиноий ҳуқуқбузарликда айбланаётган фуқароларнинг иши одатдаги фуқаролик судларида қўриб чиқилиши учун қўлдан келганча ҳаракат қилади, шахсларнинг маъмурий тартибда айб қўймасдан ҳибсга олиниши судлар ёки бошқа мустақил органлар томонидан «хабеас корпус» чоралари ёки унга монанд чоралар ёрдамида қайта қўриб чиқилиши талаб этилади, бундан мақсад, қамокқа олишнинг қонунийлигини таъминлаш

ва ҳар қандай шафқатсизларча муносабат бўйича аризаларнинг текширилишини таъминлашдир.

f Ҳарбий трибуналларнинг суд қилиш ҳуқуқи (юрисдикцияси) ҳарбий жиноятлар билан чекланади. Ҳар доим бу каби трибуналларнинг ҳукмидан норози бўлиб, ваколатга эгаллик нуқтаи назаридан апелляция суди ёки трибунаliga шикоят аризаси бериш ёки қарорни бекор қилиш ҳақида ариза кўринишида ҳуқуқий ҳимоя воситасига эга бўлиш имконияти тақдим этилиши лозим.

g Суд жараёнига аралашиб мақсадида ҳеч бир ҳокимият органидан фойдаланиш мумкин эмас.

h Ижро ҳокимияти одил судлов ҳукмини чиқаришда суд ваколатларини назорат қилиш ҳуқуқига эга эмас.

i Ижро ҳокимияти судларнинг ишини тўхтатиш ёки тугатиш ҳуқуқига эга эмас.

j Ижро ҳокимияти баҳсни ҳал қилиш бўйича суд ҳукмини олдиндан билиш ёки суд ҳукмини тегишли равишда бажаришга ҳалал берадиган ҳар қандай ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлардан ўзини тийиши лозим.

6 Ижро ҳокимиятининг ҳеч бир қонун ҳужжати ва ҳеч қандай қарори суднинг муайян бир қарорини ретрофаол бекор қилишга ёки қарор чиқаришга таъсир кўрсатиш мақсадида суд таркибини ўзгартиришга йўналтирилмайди.

7 Судьялар ўз суд мустақиллигини ҳимоя қилиш учун жамоа бўлиб ҳаракат қилишга ҳақлидирлар.

8 Судьялар ўз обрўси ва масъулиятини, суд ҳокимиятининг ҳолислиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш мақсадида ўзларини ҳар доим касбига муносиб тутишлари шарт. Мана шу принципни эътиборга олган ҳолда, судьялар эркин фикрлаш, диний эътиқод, сўзлаш, касбий уюшмаларга бирлашиш, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

8 Судьялик лавозимини эгаллаш учун танлаб олинган номзодлар юқори ахлоқий сифатларга ва қобилиятларга эга бўлиши керак. Улар судьялик лавозимини эгаллашда тенг имкониятларга эга бўлишлари лозим; профессионал бўлмаган судьялар бундан мустасно, улар юқори малакали юристлар бўлиши зарур.

10 Судьяларни танлашда номзоднинг ирқи, танасининг ранги, этник келиб чиқиши, тили, жинси, сиёсий ёки бошқа қарашлари, эътиқоди, имконияти чекланганлиги эҳтимоли, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, даромадлари даражаси, туғилиши ёки бошқа мақомига боғлиқ равишда камситилишларга йўл қўйилмаслиги керак, бироқ номзодлар фуқаролиги ва касбий яроқлилиги каби мезонлар бўйича танланиши керак.

11 a Судьяларни танлаш жараёнлари ва мезонлари жамият суд тизимини унинг барча жиҳатлари бўйича, адолатли ифодасини акс эттиришига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

b Судьялик лавозимларига танлаб олишнинг ҳар қандай усули танловни нолойиқ сабаблар бўйича амалга оширилишидан ҳар тарафлама ҳимоя қилиш кафолатини таъминлаши керак.

c Судьяларни тайинлаш жараёнида ижро ёки қонун чиқарувчи органларнинг ёки умуман сайлов корпусининг иштироки, агар бундай иштироклар номутаносиб сабаб ва усуллар билан аралашмаган ва улардан ишончли ҳимояланган бўлса, судьяларнинг мустақиллиги принципини бузмайди.

Касбий қобилияти ва ахлоқий сифатлари бўйича муносиб номзодлар тайинланишини таъминлаш ҳамда уларнинг шахсий мустақиллигини ҳимоя қилиш учун имкон даражасида ҳаракат қилиш, судьяларни тайинлашда суд тизими ва ҳуқуқий касбларнинг вакиллари билан маслаҳатлашиш имкониятини ёки судьялик лавозимларига номзодлар суд тизими аъзолари ва юрист касби

вакиллари амалий иштирок этадиган органлар томонидан тавсия қилинишларини ташкиллаштиришни ҳам кўзда тутиш лозим.

12 Судьялар малака ошириш курсларида ўқиш имкониятларига эга бўлишлари керак.

Хизматлар тақсимоли, хизмат бўйича кўтарилиш ва кўчиришлар

13 Агар қонунда судьяларни лавозимга тайинлаш ёки сайлашда дискрецион тайинлаш кўзда тутилган бўлса, лавозимга бундай тайинлаш судлов органлари ёки агар мавжуд бўлса, суд кенгаши томонидан амалга оширилади.

14 Судьяларнинг мансаб поғонасидан кўтарилиши уларнинг ахлоқий сифатлари, яъни мустақиллиги, тажрибаси, инсонпарварлиги ва қонун устуворлиги принципига содиқлиги каби жиҳатларини ҳаққоний баҳолашга асосланади. Мансаб поғонасидан кўтарилиш ҳеч қачон нолайиқ мезонлар бўйича амалга оширилмаслиги керак.

15 Тизим мунтазам ротация ёки хизмат поғонасида ўсиш талаб этадиган ҳолатлардан ташқари, барча вазиятларда судьялар бир юрисдикциядан бошқасига ўз розиликларисиз ўтказилмаслиги керак, агар бундай ўтказиш мазкур масалани чуқур тадқиқ этиш натижасида судлов органлари томонидан бир тахлитдаги сиёсатга мувофиқ амалга ошириладиган бўлса, ҳеч бир судья бундай ўтказишга асоссиз равишда қаршилиқ қилмаслиги лозим.

Лавозимда бўлиш муддати

16 а) судьяларнинг лавозимда бўлиши давомийлиги, уларнинг мустақиллиги, хавфсизлиги, тегишлича мукофотлаш ва хизмат шароитлари қонун билан таъминланиши ва уларнинг манфаатларига зид келадиган тарзда ўзгартирилмаслиги керак.

b Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги ва уларни бир лавозимдан иккинчисига ўтказишга тааллуқли мазкур ҳужжатдаги қоидалар эътиборга олган ҳолда, сайланадиган судьялар ҳам, тайинланадиган судьялар ҳам мажбурий нафақага чиқиш ёшига етгунларига ёки ваколатларининг қонуний муддати тугагунга қадар ўз лавозимларида қолишнинг кафолатланган муддатига эга бўлишлари керак.

17 Судьялар учун биринчи тайинланишдан сўнг синов муддатлари белгиланиши мумкин, бироқ бундай ҳолларда синов муддати ва лавозимга доимий тайинланиш суд органлари ёки олий суд кенгаши томонидан тартибга солиниши лозим.

18 a Судьялик лавозимини эгаллаб турган вақтда судьялар иш ҳақи олишлари, нафақага чиққандан кейин пенсия таъминотига эга бўлишлари керак.

b Судьяларнинг иш ҳақи ва пенсиялари уларнинг мақомига, мавқеига мутаносиб, жавобгарлик даражасига хос бўлиши ҳамда инфляция оқибатларини минималлаштириш ёки бартараф этишга боғлиқ ҳолда мунтазам равишда қайта кўриб чиқилиши зарур.

c Судьяларнинг пенсияга чиқиш ёши уларнинг розилигисиз ўзгартирилмаслиги лозим.

19 Ҳокимиятнинг ижро органлари судьялар ва уларнинг оилалари хавфсизлигини таъминлаб бериши шарт.

Дахлсизлик ва имтиёзлар

20 Судьялар ўз касбига доир вазифаларини бажаришлари муносабати билан шахсий судлов тазйиқлари хавфидан ҳимояланган бўлишлари зарур, уларга тегишли суд органлари санкцияларидан бошқа даъво ва айблар қўйилмаслиги керак.

21 Судьялар ўзлари кўраётган ишларига доир ва мажбуриятларини бажариш давомида олинган махфий маълумотлар-

ни касбий сир сифатида сақлашлари керак, бундан очик суд-да ошкор қилинган маълумотлар мустасно. Судьялар тегишли масалалар бўйича гувоҳлик кўрсатмалари бериш дахлсизлигидан фойдаланадилар.

Нолойиқ, деб топиш

22 Судьялар ўзларининг мустақиллигига путур етказиши мумкин бўлган суддан ташқари чиқишлар қила олмайдилар.

23 Агар Конституция ёки бошқа қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри кўзда тутилмаган бўлса, судья ва судлар маслаҳат фикрларини билдиришлари мумкин эмас.

24 Судьялар тадбиркорлик фаолиятидан тийилишлари даркор, бироқ шахсий маблағлари ёки уларга тегишли шахсий мулк билан боғлиқ ҳолатлар истисно. Судьялар адвокатлик амалиёти билан шуғулланмасликлари керак.

25 Судья ҳукм олдиндан чиқариб қўйилганига асосли гумонлар мавжуд бўлса ёки манфаатлар ихтилофи ёки функциялар номувофиқлиги шароитидаги ишларни кўриб чиқишда қатнашмаслиги керак.

Маъмурий жавобгарлик ва лавозимдан тушириш

26 **a** Судьяга нисбатан шикоятлар тезкорлик билан ва ҳаққоний равишда белгиланган тегишли чора-тадбирларга мувофиқ кўриб чиқилади. Текширувнинг дастлабки босқичида судьяга шикоят бўйича ўз эътирозларини билдириш имконияти тақдим этилиши керак. Агар судья ишни бошқа усулда кўриб чиқишни сўраб мурожаат қилмаса, шикоят юзасидан иш дастлабки босқичда яширин кўрилади.

b Агар судьяни лавозимдан четлатиш ёки маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича тегишли иш очиладиган бўлса, бу, суд ёки суд ҳокимияти вакилларида иборат бўлган ҳайъат

олдида ўтказилиши керак. Шунга қарамай, қонун чиқарувчи ҳукумат импичмент тадбирлари орқали ёки қайд этиб ўтилган суд ёки ҳайъат тавсиялари бўйича биргаликда лавозимдан бўшатиш тўғрисидаги талаб асосида судьяни амалдан тушириш ваколатига эга бўлиши мумкин.

27 Барча интизомий жавобгарлик чора-тадбирлари судьялар одоб-ахлоқи бўйича умумқабул қилинган андозаларга асосланиши шарт.

28 Судьяларга нисбатан интизомий чора-тадбирлар ишнинг одилона ва синчковлик билан кўриб чиқилиши бўйича улар ҳуқуқини таъминлаши шарт.

29 Судьяларга нисбатан интизомий жавобгарлик юзасидан кўзғатилган ишлар очиқ ёки ёпиқ тартибда кўрилиши юзасидан қабул қилинган қарор эълон қилиниши керак.

30 Судьялар ўз касбига лаёқатсиз топилиши ёки уларнинг бундан кейин лавозимларида қолишларига йўл қўйиб бўлмайдиган бирор-бир ноўрин хатти-ҳаракатларидан бошқа ҳолларда лавозимидан туширилиши мумкин эмас ва бу, тегишли далиллар билан исботланган бўлиши керак.

31 Суд тарқатилган ҳолатларда шу муассасада хизмат қилаётган судьяларга таъсир қилмаслиги керак, муайян муддатларга сайланган судьялар эса шу даражадаги бошқа судларга ўтказилишлари керак.

Судни идора қилиш

32 Маъмурий ходимлар ҳамда ёрдамчи ишчилар устидан кузатув ва интизомий назорат юзасидан идора қилиш бўйича асосий мажбуриятлар суд ҳокимияти ёхуд у тавсия этган ва ўзи фаол иштирок этадиган орган зиммасига юкланади.

33 Одил судловни мувофиқ равишда амалга ошириш учун зарур бўладиган ресурсларни ажратиш давлат учун устувор вазифалардан бирига айланиши лозим ва бундай ресурслар судларнинг мустақиллиги, обрў-эътибор ва самарадорлигини таъминлаш ҳамда суд ва маъмурий ходимлар, оператив бюджет учун зарур бўладиган моддий маблағларни ҳам ўз ичига қамраб олиши керак.

34 Судлар бюджети ваколатли орган томонидан суд ҳокимиятининг тегишли вакиллари билан ҳамкорликда суд маъмуриятининг эҳтиёж ва талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

35 Ишни кўриб чиқиш учун у ёки бу судьяни тайинлашга, қонун ёки судлов қоидаларига мувофиқ, суд идоралари ёки бир неча судьядан иборат бўлган суд бўлимлари ваколатлидир.

36 Суд раиси судьяларнинг фаолиятини фақат маъмурий хусусиятга эга масалалар бўйича назорат қилиш ваколатини амалга оширади.

Бошқа жиҳатлар

37 Судья суд муҳокамасининг адолатли бўлишини таъминлаш ва тарафларнинг ҳар бири ёки гувоҳнинг ҳуқуқлари бузилиши тўғрисидаги, шунингдек, шафқатсизларча муносабатда бўлганлик тўғрисидаги ҳар қандай даъво аризасини ўрганиб чиқиши шарт.

38 Судьялар адвокатларга нисбатан, шунингдек профессионал бўлмаган судьяларга, прокурорлар, жамоат қораловчиси ва суд маслаҳатчиларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишлари лозим.

39 Давлат суд қарорлари ва ҳукмларини тегишли равишда бажарилишини таъминлаб бериши керак; бироқ

қарорларнинг бажарилиши ҳамда муносиб хизмат ёки жараён устидан назорат қилиш ваколатига суд ҳокимияти эгадир.

40 Судьялар халқаро конвенциялар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги меъёрлар белгиланган бошқа воситалар ҳақида хабардор бўлишлари ҳамда улардан миллий конституция ва қонунларда кўзда тутилган имкониятлар даражасида фойдаланишга ҳаракат қилишлари керак.

41 Ушбу принциплар ва андозалар судлов вазифаларини бажарувчи барча шахслар, жумладан, халқаро судьялар, кичик амалдор (асессор)лар, арбитраж суди судьялари, жамоат қораловчилари ва прокурорлар орасида ҳам кенг тарқатилиши керак, муайян матн уларни буткул қўллаб бўлмайдиган ёки номувофиқ бўладиган ҳолатлар бундан мустасно.

Ассессорлар

42 Ассессор судья ёки унинг ёрдамчиси, қўшимча судья, маслаҳатчининг, ҳуқуқий ёки техник эксперт вазифасини бажариши мумкин. Мазкур вазифаларнинг бирини бажариш давомида ассессорлар ўз вазифаларини ҳолисона ва мустақил амалга оширишлари керак. Судьяларга нисбатан қўлланадиган принцип ва андозалар уларга нисбатан ҳам қўлланилади, фақат контекст уларни қўллаб бўлмайдиган ва тўғри келмайдиган бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

43 Ассессорлар ёки халқ маслаҳатчилари танлаб олинган ёки тайинланган судьялар билан бир қаторда коллегиал жараёнда суд қарорини чиқаришда иштирок этиши мақсадида қонунда кўзда тутилган сайлов ҳуқуқи асосида ва электорат томонидан муайян муддатга сайланадилар. Ассессор сифатида сайланадиган шахслар ҳеч бир камситишларсиз, яъни ирқий мансублиги, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа қарашлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, моддий аҳволи, туғилган

жойи ва фуқаролик мақоми бўйича ажратилмаган ҳолда сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Сайланиш давомида ассессорларга ассессорлик фаолиятини қисқа ва чекланган муддатда амалга ошириш ваколати берилади. Ассессорлар, шунингдек техник масалалар бўйича маслаҳатлар бериш ҳамда ўзларида мавжуд махсус билимлар асосида суд қарорини чиқариш юзасидан унча мураккаб бўлмаган вазифаларни бажаришда ёрдам кўрсатиш ваколатларига ҳам эга бўладилар.

44 Давлат томонидан ассессорларга белгиланган вазифада хизматлари мобайнида етарли даражада компенсация (агар бундай компенсация уларга асосий иш жойидан тўланмаса) тўланишини таъминлаб бериш шарт.

45 Суд қарорларини чиқариш жараёнида иштирок этиш, ёки техник ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш мақсадларида танлаб олинган ассессорлар бевосита ёки билвосита аралашувлар, чекловлар, таъсирлар, таҳдидлар, босимлар, хатарлардан холи бўлишлари керак. Сайланган ассессорлар одил судлов тизимида инсоний хайрихоҳлик доирасида ўз электоратига мунтазам равишда тушунтиришлар бериб туриш ҳолатлари бундан мустасно.

46 Ассессорлар судьялардан ва ижро органларидан ҳам мустақил бўлишлари керак, уларга қонунларда ва қонунчилик амалиётида кўзда тутилган тартибда ва доирада суд қарорларини чиқариш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи тақдим этилиши лозим. Суд қарорларини чиқариш жараёнида қатнашиш учун танлаб олинган халқ маслаҳатчилари ўзлари билдирадиган фикрларни алоҳида баённомага киритиш ваколатига эгадирлар, кейинроқ бу асосий баённоманинг таркибий қисми бўлиб қолади.

47 Ассессорлар рўйхатига киритишнинг ҳар қандай усули тайинлашнинг номувофиқ услубларидан ҳимоялаш кафолатлари билан бирга кечиши лозим.

48 Суд қарорларини чиқариш жараёнида иштирок этиш учун танлаб олинган халқ маслаҳатчиларига вазифалари бўйича тайёргарликдан ўтказиш ва йўл-йўриқлар кўрсатиш учун имкониятлар бериш кўзда тутилиши лозим.

49 Ассессор электорат томонидан чақириб олиниши ёки четлаштирилиши, бўшатилиши ёки эгаллаган лавозими тугатилиши мумкин, бироқ буларнинг барчаси амалдаги қонунларга мувофиқ бўлган чора-тадбирларга биноан амалга оширилиши шарт.

СУДЬЯЛАР МАҚОМИ ТЎҒРИСИДАГИ ЕВРОПА ХАРТИЯСИ

Европа Кенгаши томонидан Страсбург шаҳрида 1998 йил 8-10 июлда қабул қилинган.

1998 йил 8–10 июлда Европа Иттифоқи томонидан ташкил этилган Европада судьялар мақоми тўғрисидаги кўп томонлама учрашув иштирокчилари,

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциянинг «хар бир киши қонун асосида тузилган мустақил ва ҳолисона суд томонидан оқилона муддатда ишнинг адолатли, ошқора тарзда кўриб чиқилишига оид ҳуқуқларга эга эканлигини» назарда тутувчи 6-моддасини эътиборга олган ҳолда,

1985 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Суд органлари мустақиллигига оид асосий принципларни эътиборга олган ҳолда,

Вазирлар Қўмитасининг аъзо давлатларга Судьяларнинг мустақиллиги, самарадорлиги ва роли тўғрисидаги R (94) 12 сонли тавсиясини ҳисобга олиб ва у томонидан қўйилган мақсадларни тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда,

Демократик давлатларда ҳуқуқнинг устувор ролини кучайтириш ва судьяларнинг муайян шахс эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган мустақиллигини рағбатлантиришга интилган ҳолда,

Барча Европа давлатларига мўлжалланган ҳужжат доирасида судьяларнинг ваколати, билими, мустақиллиги ва холислигини имкон қадар кафолатловчи меъёрларни аниқлаштириш заруратини ҳисобга олган ҳолда,

Европанинг турли давлатлари судьялик мақоми ушбу меъёрлар кафолатларга кўпроқ риоя этилишини яққол таъминлаши мақсадида ҳисобга олиниши тарафдори бўлиб, ушбу Судьялар мақоми тўғрисидаги хартияни қабул қилдилар.

1

Умумий принциплар



1.1. Судьялар мақоми тўғрисидаги хартиянинг мақсади, ваколатлилик, мустақиллик ва холисликни таъминлаш бўлиб, уларни ҳар бир шахс суд органлари ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ишонч билдирилган ҳар бир судьядан кутишга ҳақли. У мазкур ваколатлилик, мустақиллик ва холисликка бўлган ишончга нисбатан шубҳа уйғонишига олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай меъёр ва тартибларни қўллашни ман этади. Ушбу Хартияга мазкур мақсадларни амалга оширишни энг мақбул тарзда кафолатловчи меъёрлар киритилган. Бу қоидалар Европанинг турли мамлакатларида кафолатлар даражасини оширишга қаратилган. Улар тегишли мамлакатларда эришиб бўлинган кафолатлар даражасини пасайтиришга қаратилган миллий қонунчиликни ўзгартириш учун асос бўла олмайди.



1.2. Европанинг ҳар бир давлатида судьялар мақомининг асосий принциплари энг юксак даражадаги ички меъёрларда, унинг қоидалари эса – ҳеч бўлмаганда, қонунчилик меъёрларида ифодаланади.



1.3. Судьяларни танлаш, ишга қабул қилиш, тайинлаш, хизматни ўташ ёки судья ваколатларини тугатишга зарар етказувчи ҳар қандай қарорга нисбатан мақом ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мустақил бўлган, худди шундай судьялар томонидан судьяларнинг энг кенг вакиллигини кафолатлаш тартибда сайланган, камида ярми судьялардан иборат орган аралашувини назарда тутати.



1.4. Мақом ўзининг қонуний ҳуқуқлари ёки мустақиллиги ёхуд умуман одил судлов мустақиллигига хавф солинаётган ёки бирон бир тарзда камситилаётган, деб ҳисоблайдиган ҳар бир судьяга ушбу вазиятни тузатиш учун самарали воситаларга ёки уни тузатишга доир таклифларга эга мустақил органларга мурожаат этиш имконини тақдим этади.



1.5. Ўз ваколатларини ижро этишда судья одамларга нисбатан ҳурмат ва мурожаат этиш имкониятини намоён этиши, суд қарорлари, айниқса, шахс ҳуқуқлари кафолатларига доир қарорларини ҳар қандай ҳолатда чиқаришда талаб этиладиган юксак малакалилик даражасини сақлашга риоя этиши, шунингдек, унга процессуал ҳаракатлар жараёнида ишониб тақдим этилган маълумотлар махфийлигини таъминлаши зарур.



1.6. Судья ўз вазифаларини талаб даражасида бажариши, шу жумладан, ишларни оқилона муддатларда кўриб чиқилиши учун давлат уни зарур бўладиган маблағлар/воситалар билан таъминлаши керак.



1.7. Судьялар томонидан тузилган ва барчаси эркин аъзо бўлиши мумкин бўлган касбий ташкилотлар уларга статут билан юклатилган ҳуқуқларини, шу жумладан, судьялар ҳуқуқларига доир қарорларни қабул қилишда иштирок этадиган ҳокимият органлари ва инстанциялар олдида ҳимоялашга кўмаклашади.



1.8. Судьялар ўз вакиллари ва касбий ташкилотлари орқали суд органлари бошқаруви, уларга тақдим этиладиган маблағлар миқдорини белгилаш ва уларни мамлакат доирасида ва маҳаллий даражада тақсимлашга доир қарорларни қабул қилишда иштирок этадилар. Шу каби уларнинг мақоми эҳтимолий ўзгаришлари ҳамда рағбатлантириш ва ижтимоий таъминоти шартлари ҳақида судьялар билан маслаҳатлашувлар ўтказилади.


2


Ишга танлаш, қабул қилиш ва бошланғич тайёргарлик



2.1. Мустақил инстанция ёки жюри томонидан судьяларни танлаш ва ишга қабул қилишга оид мақомнинг қоидалари номзодлар учун кўриб чиқишга киритиладиган юридик


масалаларни эркин ва холисона баҳолаш ҳамда уларга нисбатан ҳуқуқ меъёрларини шахс кадр-қимматига риоя этган ҳолда қўллаш қобилиятларига мувофиқ мезонларни белгилайди. Улар номзодни жинси, миллати ёки ижтимоий келиб чиқиши, фалсафий, сиёсий қарашлари ёки дини, эътиқодига кўра четлаштириш имкониятини ман этади.


 2.2. Мақом шундай шароитларни назарда тутадими, уларда суд функциялари махсус ижроси имконияти тегишли таълимни олиш ёки иш тажрибаси мавжудлиги билан боғлиқ талаблар билан кафолатланади.


 2.3. Мақом давлат томонидан тўланадиган тегишли маълумотни олиш орқали танлаб олинган номзодлар кўрсатилган функцияларни самарали ижро этиши тайёргарлигини таъминлайди. 1.3 бандида қайд этилган орган ўқув дастурлари ва уларни амалга оширувчи тузилмаларнинг суд функцияларини бажариш билан боғлиқ очиқлик, малакалилик ва холислик талабларига мувофиқлигини назорат қилади.

3

Тайинлаш ва алмаштирилмаслик

 3.1. Танланган номзодни судья сифатида тайинлаш ва муайян судга юбориш тўғрисидаги қарор 1.3 бандда кўрсатилган мустақил орган томонидан унинг таклифи, тавсиясига кўра, унинг розилиги ёки уни хабардор қилгандан кейин қабул қилинади.

 3.2. Мақом номзоднинг бундан олдинги фаолияти ёки унинг яқинлари томонидан амалга ошириладиган фаолият судга тайинлашда унинг холислиги ёки мустақиллигига қонуний ва объектив тарзда шубҳа уйғотиши каби тўғаноқ ҳолатларини аниқлайди.

 3.3. Агар танлаб олиш тартиби шартли равишда қисқа синов даврини кўзда тутаётган, судья сифатида тайинлангандан кейин, аммо бу тайинлаш узил-кесил тасдиқлангунгача ёхуд

танлаб олиш чекланган муддатга эҳтимолий узайтириш билан амалга оширилади бўлса, бунда судьяни доимий асосда тайинлашни рад этиш ёки унинг ваколатларини узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор 1.3 бандда кўрсатилган мустақил орган томонидан унинг таклифи, тавсиясига кўра, унинг розилиги ёки уни хабардор қилгандан кейингина қабул қилиниши мумкин. 1.4 банддаги меъёрларни синов муддатида бўлган шахсга ҳам қўллаш мумкин.



3.4. Судда ўз ваколатларини бажараётган судья ҳатто уни рағбатлантириш доирасида ва у билан келишилмаган ҳолда бошқа судьялик лавозимига тайинланиши ёки бошқа судга юборилиши мумкин эмас. Агар бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги қарор тегишли қарор билан интизомий чора сифатида амалга ошириш, суд аппаратида қонуний тартибда ва қўшни судда таркибни кенгайтириш учун вақтинчалик тайинлаш амалга оширилса, ушбу принципдан мустаснодир. Бунда тайинлашнинг максимал муддати статут билан 1.4 банд меъёрларини қўллашда зиёнсиз экани аниқ чегараланган.

4

Хизмат поғонасида кўтарилиш





4.1. Агар хизмат поғонасида кўтарилиш меҳнат стажининг давомийлигига асосланмаса, у фақат судьяга топширилган хизмат вазифаларини бажариш давомида қайд этилган фазилатлари ва афзаллик жиҳатлари бир ёки бир неча судьялар томонидан объектив баҳоланиши орқали асосланади ва манфаатдор судья билан муҳокама этилади. Хизмат поғонасида кўтарилиш тўғрисидаги қарорлар 1.3 бандда кўрсатилган орган томонидан унинг таклифи ёки розилиги билан чиқарилади. Хизмат поғонасида кўтарилиш учун номзоди кўрсатилмаётган судья тегишли органга шикоят бериш имкониятига эга бўлиши лозим.




4.2. Судья ўз судьялик ваколатлари доирасидан четга чиқадиган турли, шу жумладан, фуқаролик ҳуқуқларини ифода этувчи фаолият турларини эркин амалга оширади. Мазкур


эркинлик бу ташқи фаолият судьяга ишонч, унинг холислиги ва мустақиллиги ёки унда кўриб чиқиш учун киритилган масалаларни мақбул муддатларда диққат билан ҳал қилиш учун зарур бўлган вақт билан мувофиқ тушмайдиган тарздагина чекланиши мумкин. Суддан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият (адабий ёки ижодий фаолият бундан мустасно) билан шуғулланиш учун статутда белгиланган шартларда дастлабки рухсатни олиш зарур.


 4.3. Судьялар ўзларининг холислиги ва мустақиллигига нисбатан ишончга путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай хулқ-атвор, ҳаракат ёки фикр билдиришдан ўзини тийиши керак.

 4.4. Мақом судьяга муайян даражани сақлаш ҳамда ўз ваколатларини бажариш учун зарур бўлган ҳам техникавий, ҳам ижтимоий-маданий билимларни сарф-харажатлари давлат томонидан қопланадиган касбий таълимдан мунтазам фойдаланиш имкониятини бериш орқали чуқурлаштиришни кафолатлайди, бунда мазкур ҳужжатнинг 2.3 бандида қайд этилган шартларга риоя этиш билан бундай тайёргарликни ташкил этиш давлат томонидан таъминланади.

5 **Жавобгарлик**


 5.1. Бевосита мақом билан белгиланган муайян лавозим вазифалари судья томонидан бажарилмаслиги унга нисбатан фақат суд органи ёки камида ярми сайланадиган судьялардан иборат органнинг қарори, таклифи, тавсияси ёки розилиги билан тортишув асосида ўтказиладиган тартиб-принцип доирасида чоралар қўллашга олиб келиши мумкин, бунда жавобгарликка тортилаётган судья ҳимоячи хизматларидан фойдаланиши мумкин. Қўлланиладиган санкциялар турлари мақом билан белгиланади ва уларнинг қўлланилиши мутаносиблик принципига мос келади. Ушбу банд билан кўзда тутилган ижро ҳокимияти органи, суд органи ёки бошқа инстанциянинг жазони тайинлаш тўғрисидаги қарори бўйича юкори турувчи суд инстанциясига шикоят аризаси киритилиши мумкин.


 5.2. Судья томонидан чиқарилган қарор ёки унинг хизмат вазифаларини бажариши давомидаги ҳаракатлари натижасида ноқонуний тарзда етказилган зарарни қоплаш давлат томонидан таъминланади. Мақом судья фаолиятини тартибга солувчи меъёрлар қўпол ва йўл қўйиб бўлмайдиган даражада бузилган ҳолатда давлат судьядан зарарни белгиланган муддатларда суд тартибида қоплашини талаб қилиш имконини назарда тутиши мумкин. Ваколатли суд органига мурожаат этиш 1.3 бандда қайд этилган органнинг дастлабки розилигини талаб этади.

 5.3. Ҳар ким муайян иш бўйича одил судлов жараёни талаб даражасида амалга оширилмаганлиги юзасидан ўз шикоятларини мустақил орган кўриб чиқиши учун алоҳида расмийликсиз тақдим этиш имконига эга бўлиши керак. Агар батафсил ва пухта кўриб чиқиш яқунлари бўйича 5.1 бандда кўрсатилганидек, судья ишида яққол қонун бузилишлари аниқланса, у ҳолда мазкур орган интизомий инстанцияга мурожаат этиш ёки, ҳеч бўлмаганда, шундай мурожаат билан мақомга кўра тегишли ваколатларга эга бўлган ҳокимият органига чиқишни тавсия этишга ҳақлидир.

6

Мехнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминот

 6.1. Судья томонидан суд ваколатлари малакали бажарилишига ҳақ тўланади, унинг миқдори эса судьяни унинг мустақиллиги ва ҳолислигига путур етказиш, қарорига ва умуман суддаги ҳаракатларига таъсир кўрсатиш ниятидаги тазйиқдан ҳимоя қиладиган даражада белгиланади.

 6.2. Мехнатга ҳақ тўлаш судьянинг меҳнат стажи, унга юклатилган лавозим вазифалари хусусияти ҳамда олдига қўйилган вазифалари муҳимлигига қараб ўзгариши мумкин ва тушунарли шартлар асосида баҳоланиши зарур.



6.3. Ўз касбий фаолиятини амалга ошираётган судьяга мақом касаллик, бола парвариши, меҳнатга лаёқатсизлик, кексалик ва ўлим билан боғлиқ ижтимоий хавфлардан ҳимоя қилиш кафолатларини тақдим этади.



6.4. Жумладан, мақом қонун билан белгиланган ёшга етган судьяларга улар касбий вазифаларини муайян вақт давомида бажариши шarti билан истеъфога чиқиши, судьялик лавозимидаги охириги иш ҳақи миқдорига имкон қадар яқин бўлган миқдорда пенсия тўланишини таъминлайди.

7

Ваколатлар тугатилиши



Судья истеъфога чиқиш, тиббий экспертиза асосида белгиланган жисмоний яроқсизлик, пенсия ёшига етиши, қонунда назарда тутилган ваколатлари тугаши ёки 5.1 бандга кўра қабул қилинадиган қарор билан лавозимдан четлатиш натижасида ўз лавозим вазифаларини бажаришни узил-кесил тўхтатади.



Қонун билан назарда тутилган ёш чегараси ёки ваколатлар муддати тугашидан ташқари 7.1 бандда қайд этилган асослардан бири мавжудлиги 1.3 бандда қайд этилган орган томонидан белгиланиши зарур.

СУДЬЯЛАР МАҚОМИ ТЎҒРИСИДАГИ ЕВРОПА ХАРТИЯСИ

Европа Кенгаши томонидан Страсбург шаҳрида 1998 йил 8-10 июлда қабул қилинган.

1 Умумий принциплар

Европа Хартияси амал қилиши нафақат профессионал, балки непрофессионал судьяларга ҳам тааллуқлидир. Ҳақиқатан ҳам, қатор кафолатлар, хусусан, судьяларни ёллаш, судьяларнинг йўл қўйиб бўлмайдиган ҳаракатлари, уларнинг ишдан ташқари хулқ-атвори ёки ваколатлари тугатилиши билан боғлиқ кафолатлар барча судьяларга нисбатан қўлланилиши муҳимдир. Аммо Хартияда, шунингдек фақат профессионал судьяларга қўлланилиши керак бўлган меъёрлар киритилмоқда, чунки уларнинг ўзига хос жиҳати айрим тушунчаларга, масалан, карьерага тааллуқлигидир. Хартия меъёрлари фуқаролар ўз ишларини тақдим этадиган ёки уларнинг ишлари бўйича қарорлар чиқариши керак бўлган барча, яъни фуқаролик, жиноий, маъмурий ёки бошқа суд органлари таркибига кирувчи судьялар учун мақомга тегишлидир.

➔ 1.1. Хартия мақом мазмун-моҳиятини судьялар учун қўйилган мақсадлар, яъни фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиши керак бўлган суд органлари ва ҳар бир алоҳида судьядан кутишга ҳар ким ҳақли бўлган малакалилик, мустақиллик ва ҳолисликни таъминлаш нуқтаи назаридан белгилаши зарур. Шундай қилиб, мақомнинг ўзи бирдан бир мақсад эмас, балки суд органлари ва судьялари томонидан фуқаролар ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилиниши учун зарур бўлган кафолатларни таъминлаш воситасидир. Фуқаролар ҳуқуқларининг ушбу кафолатлари судьялик малакасининг маҳорат, мустақиллик ва ҳолислик маъноларидан иборат. Қайд этилган мезонлар ижобий тусга эга, чунки судьялар учун мақом уларни муайян кафолатлар билан

таъминлашга қаратилган; лекин улар салбий ҳамдир, чунки судьялар учун мақом уларнинг малакалилиги, мустақиллиги ва холислигига ишончни йўқотишга таъсир этувчи ҳар қандай омилларни истисно этиши зарур.

Савол шундан иборатки, Хартия меъёрлари буйруқ оҳангида бўлиши керакми, суд тизими фаолиятини тартибга солувчи миллий қонунчиликда, албатта, акс этиши ёки улар шу каби қафолатлар даражасини таъминлай оладиган бошқа меъёрлар қўлланилишига тўсиқ қўймайдиган тавсия хусусиятига эгами?

Сўнгги ёндашув қафолатлар деярли мустаҳкамланмаган, аммо кўп йиллик ва мунтазам қўлланиладиган амалиёт бундай қафолатлар самарали эканлигини намоён этадиган миллий тизимларни танқид қилишдан қочиш истагига асосланиши мумкин эди.


Бироқ, таъкидланганидек, кўплаб мамлакатлар (улар орасида яқинда Европа Кенгашига қўшилганлар ҳам бор) тажрибаси кўрсатишича, қонунчилик тусидаги меъёрларнинг мавжуд эмаслиги, сиёсий ҳокимиятлар томонидан судьяларни хизматга тайинлаш ва юбориш, хизмат поғонасида кўтарилиш ва ваколатларини тугатиш борасидаги ваколатлари бажарилиши билан боғлаганлиги малакалилик, мустақиллик ва холислик қафолатлари самарасизлигига олиб келган.

Шу боис, мазкур меъёрлар фақат буйруқ оҳангига эга бўлмаса-да, Хартия уларни юқорида қайд этилган мақсадларга эришишни энг мақбул тарзда қафолатлай оладиган меъёрлар сифатида таклиф этмоқда.


Хартиянинг аксарият меъёрларини судьялар бевосита фуқаролар томонидан сайланадиган тизимларга қўллаб бўлмайди. Фақат бу каби сайлов тизимига мос меъёрларни қамраб олувчи Хартияни ишлаб чиқиш мумкин эмас эди, чунки унда биз оддий «умумий махраж» (бир хиллик) натижасига эришган бўлардик. Хартия, шу билан бирга, муайян мамлакатлардаги фуқаролар томонидан «демократия моҳияти» сифатида қабул қилинадиган сайлов тизимини «бекор қилиш» мақсадини кўзламайди. Таъкидлаш жоизки, Хартия меъёрлари судьялар сайланиши-

ни назарда тутувчи тизимларда имкон қадар қўлланилиши мумкин. Масалан, 2.2 ва 2.3 бандлари (биринчи жумласи)даги меъёрлар тегишли кафолатларни берувчи тизимларга нисбатан ҳеч шубҳасиз қўлланилиши мумкин.

Хартия қоидалари Европанинг турли давлатларида кафолатлар даражасини оширишга қаратилган, бунинг аҳамияти ушбу мамлакатлар томонидан эришилган даражага боғлиқ бўлади. Аммо Хартия меъёрлари миллий қонунчиликни ўзгартириш учун ҳеч ҳам асос бўлиб хизмат қилмайди, чунки бундай ўзгаришлар аксинча муайян мамлакатда эришиб бўлинган кафолатлар даражасини пасайтиришга олиб келиши мумкин.

 1.2. Судьялар учун мақомнинг судьялар ва суд органлари малакалилиги, мустақиллиги ва ҳолислиги кафолатларини белгиловчи асосий принциплари уларни энг юксак даражадаги миллий меъёрларда, бошқача айтганда, Конституцияларда, бу каби Асосий қонунга эга Европа давлатлари учун мустақамланиши лозим. Мақом қоидалари эгилувчан конституцияга эга давлатлар учун энг юксак савиядаги қонун даражасига ҳамохангдир.

Мазкур принциплар қонунчиликнинг ички тизимига киритилишини назарда тутиб, Хартия ушбу тизимда Европа давлатлари учун шарт бўлган халқаро усулларда мавжуд ҳимоя тусидаги низомларнинг амал қилинишига зиён етказмаган ҳолда қўлланилади. Бу, муқаддимада қайд этилганидек, Хартия яратувчилари баён этилган меъёрларнинг асосийларига таянгани учун ҳам тўғридир.

 1.3. Хартия, судьяни ишга қабул қилиш, тайинлаш, хизмат поғонасида кўтарилиш ёки ваколатларини тугатиш масалаларига оид ҳар қандай қарорлар қабул қилиш ҳолларида ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мустақил орган аралашуви эҳтимолини назарда тутмоқда.

Мазкур таъриф рангба-ранг, яъни мустақил органдан ижро этувчи ва қонун чиқарувчи органгача маслаҳатлардан то ушбу мустақил орган томонидан мустақил қарор қабул қилингунга

кадар вазиятларни қамраб олиш имконини беради. Шу боис, миллий тизимларда айрим фарқларни ҳисобга олиш зарур. Муайян мамлакатлар, балки, судьяларни қандайдир мустақил орган томонидан тайинлашни амалга ошираётган сиёсий орган ўзгаришини қийинчилик билан қабул қилар. Аммо бундай ҳолатда мустақил органнинг, ҳеч бўлмаганда, тавсиялари ёки фикрини олиш, албатта, салмоқли рағбат бўлади ёки судьяларни тайинлайдиган расмий орган учун шартли тус олади. Хартия руҳига мувофиқ, мустақил органнинг тавсиялари ёки фикри агар амалиётда уларга умуман ва яхлитлигича риоя этилгандагина, кафолатга айланиши мумкин. Ҳокимиятнинг бу каби тавсия ёки фикрга риоя этмайдиган сиёсий ёки маъмурий органи, ҳеч бўлмаганда, ўзининг рад жавоби сабаби ҳақида хабар бериши керак.


Хартиянинг қайд этилган низоми таърифи мустақил органнинг оддий ёки расмий хулоса, тавсия, таклиф ёхуд бевосита қарор орқали аралашувига йўл қўяди. Мустақил орган таркибига оид масала юзага келади. Хартия низомларига кўра, мазкур орган ўз ҳамкасблари томонидан сайланган судьяларнинг камида ярмидан иборат бўлиши керак. Шундай қилиб, судьялар озчиликда қолмайди ва бир вақтнинг ўзида улардан қайд этилган инстанцияда кўпчиликни ташкил қилиши талаб этилмайди.

Европа давлатларидаги турли фалсафий концепциялар ва далиллар сабабли судьяларнинг 50 фоиз бараваридаги куйи чегарасига асосланиш у ёки бу миллий тизимда устувор бўлган асосий мулоҳазаларга риоя этишда кафолатларнинг сезиларли даражасини таъминлайди.


Хартияда кўрсатилишича, мустақил органда қатнашувчи судьялар ўз ҳамкасблари томонидан сайланади. Ушбу низом шунга асосланадики, бу каби органга оид мустақиллик ижро этувчи ва қонун чиқарувчи органларга унда қатнашаётган тегишли сиёсий ҳокимиятнинг судьяларини сайлаш ёки тайинлаш имкониятини истисно этади.

Шундай тартиблар асосида судьяларни тайинлашда партиявий-сиёсий устуворлик ҳавфи мавжуд бўлади ва бу, уларнинг

ролига ҳам таъсир қилади. Тахминларга кўра, мустақил орган-да қатнашаётган судьялар сиёсий партиялар ёки ушбу партиялар томонидан ё улар иштирокида тузилган ёхуд сайланган органлардан хайрихоҳлик изламайди. Ниҳоят, овоз беришнинг муайян усулини маъқулламаган ҳолда, Хартия судьяларнинг мазкур органга танлаш шартлари уларнинг кенг кўламдаги ваколатларини таъминлашни назарда тутади.

 1.4. Хартияда мақомга кўра ёки кенг маънода унинг мустақиллиги ёхуд жараён мустақиллигига хавф солинаётгани ёки бирон бир тарзда бузилаётган деб ҳисоблайдиган ҳар бир судьянинг «шикоят аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқи» мустаҳкамланган. Бундай ҳолатларда судья юқорида ифода этилган мустақил органга мурожаат этиши мумкин. Бу, судьянинг мустақиллиги тажовуздан ҳимояланмаган, дея ҳисобланмайди деганидир. Шикоят аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқи зарур кафолатдир, чунки агар самарали имплементацияни кафолатлаш имконини берувчи механизмлар мавжуд бўлмаса, ҳимоя қилиш принципларини қарор топтириш фақат эзгу ниятлигича қолади.

Судьянинг индивидуал мақомига тегишли ҳар қандай қарорга мустақил органнинг аралашуви барча эҳтимолий ҳолатларни, судьялар мустақиллигига тажовузларни ҳамиша ҳам қамраб олмайди, шу боис, мазкур органга мурожаат ҳам судьянинг ўз ташаббусига кўра амалга оширилиши зарур. Хартияда бундай тарзда мурожаат этиладиган мустақил орган судья мустақиллигини бузувчи ҳолатни мустақил равишда тузатиш ёки ҳокимиятнинг ваколатли органига қоидаларни ўзгартиришни таклиф этиш учун зарур маблағларга эга бўлиши кераклиги ойдинлаштирилади. Ушбу таърифда миллий тизимлар хилма-хиллиги ҳисобга олинади ва ҳатто мустақил органнинг муайян вазият бўйича тавсияси уни тузатишда тегишли орган учун рағбат сифатида хизмат қилади.

 1.5. Хартияда судьянинг ўз вазифаларини бажариши давомидаги асосий мажбуриятлари баён этилган. «Оммабо-

плилик» бир йўла вақт мавжудлиги ва ишни талаб даражасида диққат-эътибор ва огоҳлик билан кўриб чиқишни билдиради, бу эса шундай муҳим вазифани амалга оширишда талаб этилади, чунки айнан судьялар томонидан қарорлар қабул қилиш орқали шахс ҳуқуқлари кафолатлари таъминланади. Айниқса, ҳокимият ваколатларига эга бўлган шахслар, масалан, судьялар ўз вазифаларини бажараётганда, фуқароларга ҳурмат муносабатида бўлиши аҳамиятга эга, чунки фуқаролар кўпинча одил судлов органлари олдида ўзининг заифлигини ҳис этади. Шунингдек, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш муносабати билан судьяга ишонилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш мажбурияти ҳақида эслати ўтилади.

Ниҳоят, ишларни кўриб чиқиш ҳар қандай вазиятда судьядан юқори малака даражаси сақланиши устидан назорат қилиши кераклиги кўзда тутилган. Шу билан бирга, бу юқори малакалилик, билим ва маҳорат даражаси судья учун ишларни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар чиқариш жараёнида доимий талаб ҳисобланиши ҳамда судья қуйидаги матнда қайд этилганидек, унга таъминланиши керак бўлган таҳсил олиш имкониятидан фойдаланиш шарти билан ўзининг юксак малакалилик даражасини сақлаб қолиши лозим.

➔ 1.6. Хартияда ойдинлаштирилишича, давлат судьяни у ўз вазифаларини талаб даражасида бажариши, шу жумладан, ишларни мақбул муддатларда кўриб чиқиши учун барча зарур воситалар билан таъминлаши керак. Давлат вазифаси ҳисобланмиш мазкур мажбуриятни яққол кўрсатмаслик судьялар масъулиятига доир меъёрларни асослашни суғлаштиради.

➔ 1.7. Хартия судьялар касбий уюшмалари ролини эътироф этади, уларга барча судьялар эркин аъзо бўлиши мумкин, бу эса мазкур ташкилотлар таркибига кириш ҳуқуқини амалга оширишда ҳар қандай камситишга йўл қўймайди. Шунингдек, ҳужжатда бундай уюшмалар судьяларнинг мақом ҳуқуқларини ҳокимият органлари ва инстанциялари олдида ҳимоя қилинишига кўмаклашиши акс этган, чунки улар судьялар манфаатларига

доир қарорларни қабул қилишда иштирок этиши мумкин. Шундай қилиб, судьяларга бу каби касбий ташкилотларни тузиш ва уларга аъзо бўлиш ман этилиши мумкин эмас.

Хартия уюшмаларга судьяларнинг мақом ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мутлақ ҳуқуқ бермаса-да, судьяларга тегишли қарорларни чиқаришда иштирок этувчи ҳокимият органлари ва инстанциялари олдида уларнинг бундай ҳимояга кўшган ҳиссаси эътироф этилиши ва эътиборга олиниши зарурлигини кўрсатади. Мазкур меъёр 1.3 бандда қайд этилган мустақил органга нисбатан *inter alia* тарзида амал қилади.



1.8. Хартияда судьялар ўз вакиллари, айниқса, 1.3 бандда қайд этилган орган аъзолари ҳисобланганлар ҳамда ўз касбий ташкилотлари орқали суд органлари бошқарувиغا, уларнинг бюджет маблағларини белгилаш ва қайд этилган қарорларни ҳам маҳаллий, ҳам минтақавий даражада амалга оширишга доир қарорлар қабул қилиниши жараёнида иштирок этиши кўзда тутилган.

Муайян ташкилий-ҳуқуқий шакл ёки унинг шарт эканлиги даражасига риоя этмаган ҳолда ушбу низом билан умуман бутун суд тизимига ва хусусан турли суд органларига ажратилган бюджетни тасдиқлашда судьяларнинг иштироки белгиланади, бу эса миллий ва минтақавий даражада маслаҳатлашувлар ва вакиллик тартибларини назарда тутади. Кенгроқ маънода бу, одил судловни юритиш ва суд органларини бошқаришга ҳам алоқадордир. Хартия бундай бошқарув судьялар зиммасига юклатилишини талаб этмайди, лекин судьялар бошқарув қарорларини қабул қилишдан четлатилмаслигига чақиради.

Судьялар билан уларнинг вакиллари ёки касбий ташкилотлар орқали мақомга ўзгартириш киритиш ёки меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий ҳимоя, шу жумладан, ёшга доир пенсия шартларини белгилаш тўғрисида маслаҳатлашувлар судьяларни ушбу масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб этиш имконини беради. Лекин Хартияда ваколатли миллий ҳокимият органи томонидан Конституцияга мувофиқ қарорлар қабул қилиш қисмидаги ваколатларни инкор этишга йўл қўйилмайди.



2.1. Судьяликка номзодлар мустақил орган ёки коллегия томонидан танлаб олинади ва ишга қабул қилинади. Хартия қайд этилган 1.3 бандда уларда мустақиллик бўлиши шарт билан танлов ҳайъати ёки саралаш комиссияси тизимига мурожат этиш имконини берадиган орган ҳақида сўз бораётганини ойдинлаштирмайди. Амалиётда саралаш жараёни тор маънодаги тайинлаш тартибидан кўпинча фарқ қилади. Номзодларни танлаш жараёни билан боғлиқ ўзига хос кафолатларга аниқлик киритиш муҳим.

Саралаш органининг танлови лавозим ваколатлари хусусиятига мос мезонларга асосланиши зарур. Асосий мақсад номзоднинг судьялар томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича мустақил фикрга келиш қобилиятини баҳолашдир, бу эса мустақил фикр юритишни назарда тутаяди. Суд ваколатларини бажаришда зарур бўлган ҳолис бўлиш қобилияти ҳам муҳим мезон ҳисобланади. Қонунчиликни талаб даражасида қўллаш қобилияти ҳуқуқий билимлар даражаси ва уларни амалиётда қўллаш қобилияти билан боғлиқ, бу эса ҳар доим ҳам бир хил тушунча эмасдир. Саралаш органи, шунингдек, номзодларнинг судья ахлоқини ҳокимият ваколатларига эга шахслар ва суд жараёнида баъзан мушкул шароитларга дуч келадиган томонлараро ўзаро муносабатларда ҳурмат ҳисси билан мужассамлаштира олиш қобилиятига ишонч ҳосил қилиши керак.

Ниҳоят, танлов жинси, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, фалсафий ва сиёсий қарашлари, диний эътиқоди билан боғлиқ камситувчи мезонларга асосланиши мумкин эмас.



2.2. Судьянинг судьялик лавозимида вазифаларини амалга ошириш қобилиятини кафолатлаш учун судьяларни танлаш ва ёллашга доир қонун меъёрлари уларнинг малакаси ёки аввалги иш тажрибасига оид талабларни қамраб олиши зарур. Бу, масалан, ишга қабул қилишда қўлланиши мумкин, бунда бир неча

йиллар давомида юридик ёки суд хусусиятига эга функцияларни бажариш талаблардан бири сифатида намоён бўлади.



2.3. Кўпинча одамлар кадр-қимматига доир мураккаб вазиятларга аралашувни талаб этувчи судьянинг вазифалари ва ваколатлари хусусияти шундан иборатки, суд вазифаларини бажаришга яроқлилиқни «мавҳум» тарзда текширишнинг ўзи етарли эмас.

Судьялик лавозимига сараланган номзодлар давлат томонидан молиялаштирилладиган тегишли касбий тайёргарликдан ўтишга тайёр бўлиши керак. Судьяларни мустақил ва холисона қарорларни қабул қилишга талаб даражасида, пухта тайёрлаш лозим, бунда малакалилик, холислик ва зарур ошкоралик ҳам ўқув дастурлари мазмуни, ҳам уларнинг имплементациясини таъминловчи тузилмалар фаолияти билан кафолатланиши керак.

Шундай қилиб, 1.3 бандда қайд этилган орган ўқув дастурлари ва уларни имплементация қилувчи тузилмаларнинг суд функцияларини бажариш билан боғлиқ очиқлик, малакалилик ва холисликка мувофиқлиги ҳақида қайғуриши назарда тутилади. Мазкур орган бу каби вазифаларни бажариш учун тегишли воситалар билан таъминланиши зарур. Бу дегани, мақом мазкур орган томонидан дастурларга қўйиладиган талабларга нисбатан амалга ошириладиган назорат тартибини ва ваколатли тузилмалар томонидан улар имплементациясини аниқ белгиловчи қондан мустаҳкамлаши зарур.

3

Тайинлаш ва алмаштирилмаслик



3.1. Миллий тизимларда судьяни танлаш жараёни тор маънода уни лавозимга тайинлаш ва судья этиб тайинланган шахсни муайян судга юбориш тартиб-принципларидан фарқ қилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, тайинлаш ва тақсимлаш ҳақидаги қарорлар 1.3 бандда қайд этилган мустақил орган томонидан ёки унинг тақдимномаси, тавсияси, розилиги ёхуд унинг фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилинади.



3.2. Хартияда судья лавозими билан бир-бирига тўғри келмаслик мезонлари кўриб чиқилган. Унда судьялик лавозимига тайинлашда номзоднинг олдинги фаолияти ёки унинг яқинлари фаолияти билан боғлиқ бўлган мутлақ бир-бирига тўғри келмаслик имконияти рад этилади. Бошқа томондан, унда таъкидланишича, судга тайинлашда айтиб ўтилган ҳолатларни, агар улар унинг ҳолислиги ва мустақиллигига нисбатан қонуний ва объектив шубҳа уйғотса, ҳисобга олиш зарур.

Масалан, илгари ушбу шаҳарда амалиёт ўтаган адвокат у ерга судья сифатида юборилиши мумкин эмас. Шунингдек, муайян шахс эри (хотини), отаси ёки онаси ҳоким ёки парламент аъзоси бўлган шаҳарга судья этиб юборилишини тасаввур этиш қийин. Шундай қилиб, муайян судга юборишдаги тегишли меъёрлар судьяларнинг мустақиллиги ва ҳолислигига ҳаққоний ва объектив шубҳа уйғотиши мумкин бўлган вазиятларни ҳисобга олиши зарур.



3.3. Айрим миллий тизимларда танлаш жараёни тайинлангандан кейин ва тайинлашни якуний тасдиқлашгача синов муддатини, бошқа ҳолатларда – тикланиши мумкин бўлган ваколатларнинг чекланган муддатини назарда тутати. Бу каби вазиятларда тайинламаслик ёки ваколатлар муддати тикланмаслиги тўғрисидаги якуний қарор фақат 1.3 бандда кўрсатилган мустақил орган томонидан, унинг таклифи, тавсияси ёки хабардорлиги билан қабул қилиниши зарур. Синов муддати ёки муддатни тиклаш тўғрисидаги меъёр ҳатто лавозимга тасдиқланишига умид қилган ёки ваколатлар муддати тикланишини кутаётган судьянинг мустақиллиги ва ҳолислиги нуқтаи назаридан муайян мураккаблик – агар хавф, дея айтилмаса – намоён этиши мумкинлиги мумкин. Демак, бу борада мустақил орган ишида муайян кафолатлар назарда тутилиши зарур. Синов муддатини ўтаётган шахс судья лавозимини эгаллашга қобилияти мунозарали бўлгани шароитда Хартия 1.4 бандда кўзда тутилган шикоят аризаси билан қайта кўриб чиқиш ҳукуқи мазкур шахсга нисбатан қўлланилиши мумкинлигига аниқлик киритади.



3.4. Хартия судьяларни лавозимда ўзгартирмаслик принципини мустаҳкамлайди, бу судьяни унинг эркин розилигисиз бошқа судга тайинлаш ёки унинг ваколатларини ўзгартириш мумкин эмаслигини билдиради. Аммо мустасно ҳолатлар, хусусан: миллий қонунчиликда интизомий жазо сифатида кўзда тутилган судьяни бошқа жойга ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинганда; қонун билан назарда тутилган суд тизимини қайта ташкил этиш ва унинг оқибати сифатида судни бекор қилишда; кўшни судга кўмаклашиш учун вақтинчалик ўтказиш ҳолатида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Сўнгги ҳолатда вақтинчалик ўтказиш давомийлиги тегишли меъёрий ҳужжат билан чекланиши зарур.

Аммо судьяни унинг розилигисиз ўтказиш тўғрисидаги масаланинг нозик жиҳатини ҳисобга олиб, яна бир бор таъкидлаш керакки, 1.4 бандга кўра, судьялар мустақил органга қарорни қайта кўриб чиқиш бўйича шикоят қилиш умумий ҳуқуқига эга, у ҳам бундай ўтказиш қонунийлигини текшириши мумкин. Судья ортиқча иш юклагани сабабли ўз вазифаларини мақбул тартибда бажара олмаган ҳолда, Хартия меъёрлари билан махсус тартибга солинмаган вазиятларни ҳал этиш учун қайта кўриб чиқишга оид ҳуқуқ қўлланилиши мумкин.

4


Хизмат поғонасидан кўтарилиш





4.1. Судьяларнинг хизмат давомийлигидан келиб чиққан ҳолда, лавозимда кўтарилган ҳолатларини мустасно қилганда (бу Хартия билан ҳам инкор этилмайди), бу, кўриб чиқиладиган мамлакатларда улар мустақиллигини самарали ҳимоя қилиш ва бир вақтнинг ўзида ходимни танлашнинг энг юқори сифатини таъминлагани боис, судьянинг мустақиллиги ва ҳолислиги хизмат поғонасидан кўтарилиш масаласида бузилмаслигини кузатиш муҳим аҳамиятга эга. Аниқлик киритиш зарурки, бу борада иккита потенциал муаммо мавжуд, кўтарилишига ноқонуний тўсиқ қўйилган судьялар ва талаб даражасидаги юқори лавозимни олмаган судьялар.


Шу сабабли Хартияда хизмат поғонасидан кўтарилиш мезонлари истисно равишда, судьялик ваколатларини бажаришда аниқланган ва баҳолашдан ўтаётган судьянинг муҳокамага қўйилган сифатлари ва хизматлари бир ёки бир неча судьялар томонидан амалга ошириладиган объектив баҳолаш орқали белгиланади.

Хизмат поғонасидан кўтарилиш тўғрисидаги қарорлар ушбу баҳолар асосида 1.3 бандда кўрсатилган мустақил орган таклифлари ёки тавсиялари ёхуд розилигини ҳисобга олган ҳолда ёки унинг ҳулосаси натижасида қабул қилинади. Бевосита белгиланишича, мустақил орган кўриб чиқиши учун кўтарилиши тўғрисида таклиф берилган судья мазкур инстанцияда кўриб чиқиляётган факт юзасидан тингланиш имконига эга бўлиши керак.

 4.1 банди меъёрлари, балки, хизмат поғонасидан кўтарилиш ва судьялар иерархияси мавжуд бўлмаган ҳамда уларнинг мустақиллигини ишончли ҳимоя қилувчи тизимларда қўллаш учун мўлжалланмаган.

 4.2. Бу борада Хартия томонидан суд функциялари ижроси билан ёнмаён амалга ошириляётган фаолият ҳақидаги масала кўриб чиқилмоқда. Назарда тутилишича, судья ўзининг суд ваколатларидан ташқари фаолият, шу жумладан, унинг фуқаро сифатидаги ҳуқуқларини ифода этувчи фаолият билан шуғулланишга ҳақли. Принцип ҳисобланган ушбу эркинлик судьянинг холислиги ва мустақиллигига бўлган ишонч билан тўғри келмайдиган фаолият билан шуғулланаётган ҳолатлардан ёки унга топширилган ишни сидқидилдан ва оқилона муддатларда кўриб чиқиш учун талаб этиладиган зарур вақт билан истисно равишда чекланиши мумкин эмас. Бунда Хартияда аниқ фаолият турлари кўрсатилмаган. Суд функцияларини бажаришга таъсир этувчи ташқи фаолият турларининг салбий оқибатларини прагматик баҳолашни амалга ошириш зарур. Хартияда кўзда тутилганидек, судьялар адабий ёки бадиий ижодни истисно қилган ҳолда, турли ҳақ тўланадиган фаолият турлари билан шуғулланишга рухсат олишлари зарур.

 4.3. Хартияда айрим ҳолларда «судьялик ҳоҳиши» деб номланган масала қўйилади. Хартияда ифода этилган ёндашув Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси 6-моддасидан ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди амалиётидан келиб чиқади. Унинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, судья унинг ҳолислиги ва мустақиллигига бўлган жамоатчилик ишончига путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай хулқатвор ва ҳаракатлардан ўзини тийиши керак. Ишончга бундай путур етказишнинг хавфи ҳақида эслатиб, Хартия ўта қатъиятлилиқдан қочиш имконини беради, чунки у судьяни жамият ва ҳамюртларидан яққаланиб қолишга олиб келиши мумкин.

 4.4. Хартия «судьянинг ички идоравий тайёргарликка оид ҳуқуқи»ни мустаҳкамлайди. Судья давлат ҳисобидан ташкил этилган ва судьяларнинг техникавий, ижтимоий ва маданий кўникмаларини оширишга қаратилган ўқув дастурларидан мунтазам фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак. Давлат бу каби дастурлар шундай ташкил этилишини таъминлаши лозимки, улар 2.3 бандда баён этилган ва айнан шу бандда қайд қилинган мустақил орган ролига доир талабларга мос бўлиши керак, бу билан у дастурлар мазмуни ва мазкур курсларни ўтказувчи ташкилотлар фаолиятининг очиқлик, малакалилик ва ҳолислик талабларига мувофиқлигини кафолатлаши зарур.

2.3 ва 4.4 бандларида кўзда тутилган ўқитишга нисбатан кафолатларни белгилаш анча ўзгарувчан бўлиб, бу, уларни турли миллий таълим тизимларига, масалан, Адлия вазирлиги бошқарувида бўлган касб-хунар коллежлари, Олий судьялар кенгаши ҳузурида таълим муассасалари, хусусий ҳуқуқий ташкилотларга мослаштириш имконини беради.

5 Жавобгарлик



5.1. Ушбу модда билан судьяларнинг интизомий жавобгарлиги белгиланади. Даставвал у интизомий жазолар қонуний-

лиги принципини далил сифатида кўрсатаркан, жазо чорасини қўллаш учун судьялик мақоми билан белгиланган мажбуриятлар бажарилмаслиги ягона ҳақиқий сабаб бўлиши мумкинлиги, шунингдек, қўлланилаётган санкциялар турлари ҳам судьялар учун мақомда ифода этилиши лозимлигини мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари, Хартияда интизомий иш кўришларга оид кафолатлар акс этган: интизомий санкциялар фақат суд ёки аъзолар сонининг камида ярми судьялардан иборат бошқа орган қарори, тақдимномаси, тавсияси ёки розилиги асосида қўлланилиши керак. Судья ўзининг позициясини тўлиқ ифода этиш имконига эга бўлиши керак, шунингдек, у вакиллик ҳуқуқига эга. Санкция қўлланилган ҳолда, унинг муайян тури мутаносиблик принципини ҳисобга олиб танланади.

Ниҳоят, Хартияда ижро этувчи ҳокимият органи, суд ёки аъзолари сонининг камида ярми сайланган судьялардан иборат бошқа орган томонидан қабул қилинган санкцияни қўллаш тўғрисидаги қарорга нисбатан шикоят аризаси билан юқори турувчи суд органига мурожаат этиш ҳуқуқи кўзда тутилган.

Ушбу меъёрнинг мазкур таърифи парламент томонидан белгиланган санкциялар бўйича шикоят аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқи мавжудлигини назарда тутмайди.



5.2. Мазкур бандда Хартияда судьяларнинг фуқаролик ва моддий жавобгарлиги ҳақидаги масала ёритилган. Унда судьянинг нотўғри хулқ-атвори ёки унинг ўз вазифаларини бажаришдаги ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарар давлат томонидан қопланиши принципи баён этилган. Бу, давлат ҳар қандай ҳолатда бундай зарарга дуч келганлар учун кафил бўлади, деганидир.

Давлатнинг кафолатлари судьянинг нотўғри хулқ-атвори ёки унинг ўз вазифаларини бажаришдаги ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарарга нисбатан қўлланишига аниқлик киритиб, Хартия нотўғри ва ноқонуний тусдаги хулқ-атворга эмас, балки бундай ҳаракатлар натижасида етказилган зарарга урғу беради. Бу, судьянинг ноқонуний

ҳаракати билан эмас, балки нотўғри хулқ-атвор ёки ваколатларни ноқонуний амалга ошириш натижасидаги ғайритабiiй, алоҳида ёки оғир тусдаги зарар билан боғлиқ жавобгарлигига мувофиқдир. Бу ҳолат судьянинг суд мустақиллигига фуқаролик жавобгарлигининг таъсирига оид хавотирланиши нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Хартияда, шунингдек, агар давлат томонидан кафолатли қопланадиган зарар суд ваколатлари амалга оширилишини тартибга солувчи қоидалар қўпол ва кечириб бўлмас даражада бузилганлиги натижасида етказилган бўлса, мақом давлатга мақомда белгиланган лимит доирасида тўланадиган ва тўланган компенсацияни қоплаш мақсадида процессуал ҳаракатларни қўзғатиш имконини беради. Қўпол ва кечириб бўлмайдиган масъулиятсизлик мавжудлиги ҳамда қоплашни олиш учун процессуал ҳаракатларнинг юридик хусусияти ҳақидаги талаб мазкур чорани суистеъмол қилишнинг салмоқли кафолатлари сифатида намоён бўлади. Қўшимча кафолатлар ваколатли судга даъво киритилгунга қадар 1.3 бандда қайд этилган органнинг дастлабки розилигини олиш зарурати орқали берилади.



5.3. Бу борада Хартияда суд хатолари юзасидан жамоатчилик вакиллари шикоятлари ҳақидаги масала кўриб чиқилади. Давлатларда шикоятларни бериш ва кўриб чиқишни ташкил этиш турли даражаларда бўлиб, ҳар доим ҳам ушбу даража юқори эмас. Шу боис, Хартияда шахс учун ҳар бир муайян ҳолатда суд хатосига шикоятни мустақил органга алоҳида расмийликка риоя этиш талабларисиз мурожаат этиш имконияти кўзда тутилган. Мустақил орган томонидан тўлиқ ва пухта кўриб чиқилган ҳолатларда судья томонидан интизомий бузишларнинг ошқора белгилари аниқланса, унда мазкур орган ишни судьялар устидан юрисдикцияга эга бўлган интизомий инстанцияга ёки ҳеч бўлмаганда, миллий мақом қоидаларига кўра, ҳокимият органига тақдим этиш ҳуқуқига эга. Айтиб ўтилган орган ҳам, инстанция ҳам дастлаб шикоят келиб тушган орган каби худди шундай ёндашувни юритишга мажбур

эмас. Оқибатда суд тизимига ҳақиқатан тазйиқ ўтказмоқчи бўлган судланувчилар томонидан шикоятлар киритиш тартиби бузилганлигидан таъсирчан ҳимоя кафолатлари мавжуд бўлиб қолади.

Мустақил орган судьялар томонидан қонун бузилиши ҳолатларини текшириш учун махсус таъсис этилиши шарт эмас. Одил судловни юритишда хатога йўл қўядиган шахслар фақат судьялар эмас. Шу боис, мазкур мустақил орган бу каби мурожаатни асосли, деб ҳисоблаган тақдирда, мурожаатларни интизомий инстанция ёки адвокатлар, суддаги мансабдор шахслар, суд ижрочиларига қарши ишларни қўзғатишга масъул органга юборади.

Шунга қарамадан, судьялар учун мақомга оид Хартия фақат судьяларга тегишли ишларни йўналтириш масалаларини батафсил ёритади.

6


Мехнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминот


Ушбу бўлимда баён этилган меъёрлар фақат профессионал судьяларга алоқадор.

➔ 6.1. Хартия судьянинг ўз лавозим вазифаларини бажарганлик учун ҳақ олиш миқдори унинг мустақиллиги ва ҳолис-лигига путур етказадиган, қарор чиқаришига таъсир кўрсатиш мақсадидаги босимлардан ҳимояни таъминлайдиган даражада юқори бўлишини кўзда тутади. Тўланаётган ҳақни қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимият органларида юқори лавозимларни эгаллаётган шахсларга тўланадиган ҳақ даражасида белгилаш мувофиқ эмас, балки судьяни, авваламбор, тазйиқдан ҳимоялаш даражасида бўлиши афзалроқ ҳисобланади, зеро, айтиб ўтилган шахсларнинг шароитини турли миллий тизимларда умуман бир-бирига таққослаб бўлмайди.


➔ 6.2. Судья меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори бошқа судья билан меҳнат стажи, бажарилаётган вазифалар хусусияти ёки унга юклатилган вазифаларнинг долзарблиги, масалан, дам


олиш кунлари навбатчиликда турганига қараб фарқланиши мумкин. Юқори ҳақ олишга лойиқ меҳнат вазифалари ошқора мезонлар асосида баҳоланиши керак, шунда бажарилган иш ҳажми ёки бунинг учун талаб этиладиган вақт билан боғлиқ бўлмаган фарқларнинг олди олинади.

 6.3. Хартия ижтимоий таъминот хизматларидан фойдаланиш, яъни судьянинг оддий ижтимоий таваккалчиликлар (касаллик, оналик бўйича таътил, ногиронлик, кексалик, ўлим) бўйича харажатлари қопланишини кўзда тутади.

 6.4. Хартияда ойдинлаштирилишича, ўз ваколатларини тугатиш учун қонун билан белгиланган ёшга етган судья кексалик бўйича пенсия олиши зарур, бунда пенсия миқдори суд функцияларини амалга оширишдаги сўнгги иш ҳақи даражасига имкон қадар яқин бўлиши керак.

7. Ваколатларни тугатиш

 7.1. Судья ваколатлари тугайдиган шароитларга нисбатан огоҳ бўлиш зарур. Ваколатларни тугатиш учун асосларнинг тўлиқ рўйхатини аниқлаб олиш муҳим. Бу, истеъфо, тасдиқланган тиббий экспертиза хулосаси бўйича судьялик лавозимига жисмоний жиҳатдан яроқлисизлик, муайян ёшга етганлик, лавозимда бўлишга оид қонуний муддат тугаши ёки интизомий жавобгарликка тортилиш ҳақидаги қарор асосида лавозимдан четлатилиш кабилар бўлиши мумкин.

 7.2. Ваколатларни тугатиш учун муайян қийинчиликсиз белгиланиши мумкин бўлган, яъни белгиланган ёшга етиш ёки лавозимда бўлишнинг белгиланган муддати тугашига оид асослардан ташқари сабаблар 1.3 бандда қайд этилган орган томонидан тасдиқланиши керак. Айнан мазкур орган томонидан, унинг таклифи, тавсияси ёки розилиги билан қабул қилинган қарор асосида лавозимдан четлатиш натижасида ваколатларни тугатиш шарти осон амалга оширилиши мумкин.

ОСИЁ-ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИДА (LAWASIA) СУД МУАССАСАЛАРИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ ТЎҒРИСИДА ПЕКИН БАЁНОТИ

LAWASIA минтақаси олий судлари раислари ва Осий-Тинч океани минтақаси бошқа судьялари томонидан 1995 йилда Пекинда ҳамда LAWASIA Кенгаши томонидан 2001 йилда қабул қилинган

Суд ҳокимияти мустақиллиги

1 Суд ҳокимияти ҳар бир жамият учун энг юксак қадриятга эга институтдир.

2 Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси (10-модда) ва Фуқаро ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт (14-модда, 1-банд)да қайд этилганидек, ҳар ким унинг иши қонун асосида ташкил этилган малакали, ваколатли, мустақил ва ҳолисона суд томонидан адолатга риоя этилган ҳолда ошқора кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга. Мустақил суд ҳокимияти ушбу ҳуқуқ амалга оширилиши жараёнининг ажралмас қисмидир.

3 Суд ҳокимиятининг мустақиллиги қуйидагиларни талаб этади:

a фактларни ҳолисона баҳолаган ҳолда ўз олдида турган масалаларни ҳал этиш, ва қаердан келиб чиқишидан қатъи назар, бевосита ёки билвосита номақбул таъсирсиз қонунларни тушуниш; ва

b суд ҳокимияти судда кўриб чиқилиши лозим бўлган барча масалалар бўйича бевосита ёки назорат воситасида ваколатга эга бўлиши зарур.

4 Суд ҳокимияти мустақиллигини сақлаш ушбу мақсадларга эришиш ва у томонидан ҳуқуқ устуворлиги принципига риоя этилаётган эркин жамиятда ўз вазифала-

рини талаб даражасида ижро этиш учун ниҳоятда муҳимдир. Бундай мустақиллик давлат томонидан кафолатланган ҳамда Конституция ёки қонунда мустаҳкамланган бўлиши катта аҳамиятга эга.

5 Суд ҳокимиятининг бурчи бошқа давлат институтларининг тегишли мақсадлари ва вазифаларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат. Ушбу институтларнинг бурчи эса суд ҳокимиятининг тегишли мақсадлари ва вазифаларини ҳурмат қилиш ва уларга итоат қилишдир.

5 Қарорлар қабул қилиш жараёнида суд ҳокимиятининг ҳеч бир иерархик ташкилоти ва унвон ёки даражадаги бирон бир фарқи якка тартибда қатнашаётган судья ёки коллегиялар тарзда иштирок этаётган судьяларнинг 3 (а) моддага кўра ҳукм чиқаришга доир вазифаларига таъсир қилмаслиги керак. Ўз навбатида суд органлари якка тартибда ва жамоавий тарзда Конституция ва қонунларга мувофиқ ўз вазифаларини бажаришлари зарур.

7 Ўзининг бутун фаолияти давомида судьялар суд тизими ҳалоллиги ва мустақиллигини сақлаши ва ҳуқуқбузарликлар ёки у каби ҳолатларга йўл қўймаслиги керак.

8 Судьяларнинг суд ҳокимияти вакиллари сифатидаги вазифаларига зид бўлмаса, уларга ҳам бошқа фуқаролар қатори ўз фикри ва эътиқодини эркин ифода этиш ҳуқуқи ҳамда уюшма ва йиғилишларга доир ҳуқуқлар берилади.

9 Судьялар ҳар қандай қўлланилиши мумкин бўлган қонунчиликка мувофиқ, судьялар уюшмасига бирлашиш ва ўз манфаатларини илгари суриш ва ўз касбий тайёргарлигини мустаҳкамлаш мақсадида уларга аъзо бўлиш ҳамда вазият шуни талаб қилса, ўз мустақиллигини ҳимоя қилиш мақсадида ҳар қандай бу каби ҳаракатларни амалга ошириш имконига эга бўлиши зарур.

10 Суд ҳокимияти мақсад ва вазифалари таркибига қуйидагилар киради:

a барча шахслар ҳуқуқ устуворлиги принципига кўра хавфсизликда яшаш имконига эга бўлиш учун чоралар кўриши;

b суд ваколатлари доирасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва таъминланишига кўмаклашиш; ва

c муайян шахслар, шунингдек, муайян шахслар ва давлат ўртасидаги низоларни кўриб чиқишда ҳолисона одил судловни амалга ошириш.

Судьяларни тайинлаш

11 Суд ҳокимиятида ўз мақсадларига эришиши ва ўз вазифаларини бажариши учун имконият бўлиши учун судьялар исботланган малакалилик, ҳалоллик ва мустақиллик асосида сайланиши муҳим аҳамиятга эга.

12 Судьяларни тайинлаш тартиби суд лавозимиغا юқори малакали шахслар тайинланишини таъминлаши зарур. У фақат малакали, ҳалол ва мустақил шахслар тайинланиши учун эътиборга олинishi зарур бўлган номақбул таъсирдан ҳимояни тақдим этиши лозим.

13 Судьяларни танлашда ирқи, миллати, жинси, дини, сиёсий ёки бошқа қарашлари, ижтимоий келиб чиқиши, оилавий ҳолати, жинсий мойиллиги, мулкӣ аҳволи, туғилиши ёки мавқеи бўйича камситишга йўл қўйилмайди, аммо суд лавозимига номзод мазкур мамлакат фуқароси бўлиши талаби камситиш ҳисобланмайди.

14 Професионал юридик ҳамжамият тузилмаси ва юристлар қаторидан танланадиган судьялар манбалари турли жамиятларда турлича бўлади. Айрим жамиятларда судьялик – бу, алоҳида касб; бошқаларида – судьялар амалиётчи ҳуқуқшунослар

орасидан сайланади. Шунинг учун турли жамиятларда судьяларни талаб даражасида тайинлашни таъминлаш учун турли тартиблар ва химоя воситалари қўлланилиши мумкин.

15 Айрим жамиятларда судьяларни суд хизмати комиссияси томонидан ёки унинг рухсати ёхуд у билан маслаҳатлашувдан сўнг тайинлаш кафолати сифатида қабул қилинади. Суд хизмати комиссияси таъсис этилган жойда у ўз таркибида олий суд ҳокимияти ва мустақил адвокатура вакилларини камраб олиши зарур, шунда суд ваколатчилиги, ҳалоллиги ва мустақиллиги сақланиши таъминланади.

16 Суд хизмати комиссияси мавжуд бўлмаган ҳолларда судьяларни тайинлаш тартиблари аниқ белгиланиши ва расмийлаштирилиши лозим, улар ҳақидаги маълумотлар эса жамоатчилик учун очиқ бўлиши керак.

17 Судьяларнинг хизмат поғоналаридан кўтарилиши малакалилик, ҳалоллик, мустақиллик ва тажриба каби омилларни объектив баҳолашга асосланиши зарур.

Лавозимда бўлиш муддатлари

18 Судьяларнинг лавозимда бўлиш муддатлари кафолатланиши зарур.

19 Айрим мамлакатларда судьяларнинг лавозимда бўлиш муддати халқ овоз бериши ёки бошқа расмий жараён орқали даврий тарзда тасдиқланиши зарурлиги умумэътироф этилган.

20 Лекин бир хил юрисдикцияда фаолият юритаётган барча судьяларнинг муайян ёшга етганда тугайдиган муддатга тайинланиши тавсия этилади.

21 Лавозимда бўлиш муддатлари у лавозимдаги вақтида судьяга зиён етказадиган даражада ўзгартирилмаслиги керак.

22 Судьялар лавозимдан фақат ўз вазифаларини бажаришга қодир эмаслиги исботланган, у томонидан жиноят содир этилган ёки номуносиб хулқ-атвор учун озод этилиши мумкин.

23 Тарихий ва маданий фарқлар туфайли турли жамиятларда судьяларни озод қилиш тартиблари ҳар хил бўлиши мумкинлиги умумэтироф этилган. Айрим жамиятларда парламент тартиблари орқали бўшатиш анъанаси мавжуд. Бошқа жамиятларда бундай тартиб ноўрин: у озод этишга доир айрим асосларни кўриб чиқиш учун тўғри келмайди ва камдан-кам қўлланилади, айрим ҳолларда эса умуман фойдаланилмайди; уни фақат энг далилли асосларга кўра қўлламаслик нотўғри амалиётга олиб келиши мумкин.

24 Судьяларни парламент тартиблари ёки умумхалқ овоз бериши орқали лавозимдан озод этилиши номақбул бўлган ҳолларда, судьяни лавозимдан бўшатиш тартиблари суд тизими томонидан назорат қилиниши зарур.

25 Судьяларни парламент тартиблари ёки умумхалқ овоз бериши орқали лавозимдан озод этилиши номақбул бўлган ҳолларда ва судьяни лавозимдан бўшатиш тўғрисида таклиф киритилаётганда, биринчи инстанцияда расмий ишни кўриб чиқиш заруратини белгилаш мақсадида лавозимдан бўшатиш таклиф этилишининг сабаблари ўрганилиши зарур. Расман ишни кўриб чиқиш уни ўтказиш учун дастлабки текширув етарлича асослар мавжудлигини кўрсатган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин.

26 Ҳар қандай ҳолатда ҳам лавозимдан озод этиш масаласи кўрилаётган судья ишнинг адолатли кўриб чиқилишига оид ҳуқуққа эга.

27 Интизомий жаримага тортиш, лавозимдан четлатиш ёки озод этишга тегишли бўлган ҳар қандай иш юритуви суд тартибларига оид белгиланган андозаларга мувофиқ ўтказилиши зарур.

28 Интизомий иш юритуви натижасида қабул қилинган қарорлар улар ёпиқ ёки очик мажлисда чиқарилганлигидан қатъи назар матбуотда эълон қилиниши керак.

29 Судья аъзо бўлган суднинг тугатилиши судьяни лавозимдан озод этиш учун асос ёки сабаб сифатида кўрилиши керак эмас. Агар суд тугатилган ёки қайта ташкил этилган бўлса, барча ҳақиқий суд аъзолари унинг ўрнига тузилган судда қайта тайинланиши ёки шу каби даражадаги ва худди шундай лавозимда бўлиш муддати билан бошқа суд лавозимларига тайинланиши зарур. Муқобил лавозим топилмаган суд аъзоларига тўлиқ компенсация тақдим этилиши керак.

30 Судьялар ижро этувчи ҳокимият томонидан ўз розилигисиз бир юрисдикциядан бошқасига ёки бир ишдан бошқа ишга ўтказилмаслиги лозим, аммо агар бундай ўтказиш суд органлари томонидан мазкур масалани чуқур таҳлил этиш натижасида ишлаб чиқилган бир хил сиёсатга мувофиқ амалга оширилса, ҳеч бир судья бундай ўтказишни асоссиз равишда рад этмаслиги керак.

Суд хизматини ўташ шароитлари

31 Судьялар муносиб ҳақ олиши зарур, уларга, шунингдек, хизматни ўташнинг тегишли тартиби ва шароитлари таъминланиши керак. Ҳақ тўлаш ва судьялар томонидан хизматни ўташ шароитлари мазкур суд судьялари ёки уларнинг аксарияти розилик билдирган умумий ижтимоий-иқтисодий чоранинг ажралмас қисми бўлгани ҳолатидан ташқари, бутун хизмат муддати даврида уларга зиён етказадиган даражада ўзгартирилмаслиги керак.

32 Судьялар миллий қонунларга мувофиқ, муайян шикоят киритиш ёки давлат томонидан компенсация тўлалиши ҳуқуқи ёхуд бирон бир интизомий тартибга зиён етказ-

маган ҳолда ўз судьялик вазифаларини бажариши жараёнида кузатилган талаб даражасида бўлмаган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар натижасида моддий зарар етказилиши муносабати билан фуқаролик даъволарига қарши шахсий иммунитетдан фойдаланиши зарур.

Ваколатлилик

33 Суд органлари суд хусусиятидаги барча масалаларга нисбатан ваколатга эга ва уларнинг берилган иш қонун билан белгиланган ваколатига кириши ёки кирмаслигини ҳал этишга оид мутлақ ҳуқуқи мавжуд.

34 Жамиятда олий суд инстанцияси ваколоти мазкур суд аъзолари розилигисиз чекланиши ёки қисқариши мумкин эмас.

Суд маъмурияти

35 Судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш суд маъмурияти вазифаси бўлиб, унинг устидан якуний назорат тегишли суднинг бош мансабдор шахси томонидан амалга оширилиши лозим.

36 Судни идора қилиш бўйича асосий вазифалар, шу жумладан, маъмурий персонал ва ёрдамчи ходимларни тайинлаш, назорат қилиш ва интизомий кузатиш суд ҳокимияти ёки суд ҳокимияти мавжуд бўлган ва фаол қатнашаётган органга юклатилади.

37 Судлар бюджети ваколатли орган томонидан суд маъмурияти эҳтиёжлари ва талабларини ҳисобга оладиган суд ҳокимияти вакиллари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиши зарур. Ажратилган маблағ миқдори ҳар бир судга иш ҳажми ҳаддан ташқари ошмаган ҳолда фаолият юритиш имконини бериш учун етарли бўлиши керак.

Ижро ҳокимияти билан муносабатлар

38 Судьяларнинг эгаллаб турган лавозими, уларни рағбатлантириш ёки ресурслари ҳолати нуқтаи назаридан таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ижро ҳокимияти алоҳида судья ёки судьяларни қўрқитиш ёхуд уларга тазйиқ ўтказиш учун қўлланилмаслиги керак.

39 Судьяларга уларнинг ўз судьялик вазифаларини бажаришига таъсир қилувчи ёки таъсир қилиши мумкин бўлган рағбатлар ёхуд манфаатлар таклиф этилмаслиги ҳамда улар томонидан қабул қилинмаслиги зарур.

40 Ижро ҳокимиятининг бошқарув органлари судьялар ва уларнинг оила аъзолари хавфсизлиги ва жисмоний ҳимоясини ҳар доим таъминлаши керак.

Ресурслар

41 Судьяларга ўз вазифаларини бажаришлари учун зарур бўлган ресурслар тақдим этилиши зарур.

42 Иқтисодий чекловлар оқибатида судьялар ўз вазифаларини бажариши учун зарур, деб ҳисобланган маблағлар ва ресурслар суд тизимига ажратилиши қийин бўлган жойларда, ҳуқуқ устуворлиги принципи ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш алоҳида муҳим аҳамият касб этганлиги боис, ресурслар тақсимланишида суд ҳокимияти ва тизими эҳтиёжлари энг устувор, деб эътиборга олиншини талаб этади.

Фавқулодда вазиятлар

43 Судьялар мустақиллигидан четланиш миллат ҳаётига таҳдид қилувчи фавқулодда вазиятлар вақтида, лекин фақат қонун билан белгиланган шароитларда ва тегишли халқаро ҳуқуқ билан эътироф этилган минимал андозаларга қатъий

амал қилган ҳолда, уларнинг судлар томонидан қайта кўриб чиқилиши шарт билан йўл қўйилиши мумкин. Бундай фавқулодда вазиятлар даврида давлат муайян жиноий ҳуқуқбузарликларда айбланаётган оддий шахслар ишлари фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилиши, шунингдек, шахсларни айблов қўйилмасдан маъмурий тартибда ҳибсга олиниши судлар ёки бошқа мустақил орган томонидан «хабеас корпус» тартибида ёхуд бошқа шу каби тартиблар ёрдамида кўриб чиқилиши учун барча саъй-ҳаракатларни ишга солиши зарур.

44 Ҳарбий трибуналлар ваколати ҳарбий жиноятлар билан чекланиши зарур. Ҳар доим бундай трибуналлар қарорларини апелляция судида ёки қонун асосида ёки бошқа ҳуқуқий ҳимоя воситаси ёрдамида тузилган трибуналда қайта кўриб чиқиш ёки қарорни бекор қилиш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқи тақдим этилиши керак.

АФРИКА МИЛЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИНИНГ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ УЧ ТАРМОҒИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА УЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРГА ОИД ПРИНЦИПЛАРИ (ЛАТИМЕР-ХАУС БОШҚАРУВ ПРИНЦИПЛАРИ) ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ⁶²

1998 йил июнь ойида бир гуруҳ таниқли парламент аъзолари, судьялар, ҳуқуқшунослар ва ҳуқуқшунос олимлар Буюк Британиянинг Бакингемишр шаҳридаги Латимер Хаус саройида ўтказилган коллоквиумда тўпланган ва мазкур коллоквиумда «Парламент ва суд мустақиллиги бўйича Латимер Хаус кўрсатмалари» биринчи бор эълон қилинган. 2003 йил декабрь ойида Нигериянинг Абуджа шаҳрида кўрсатмалар қайта кўриб чиқилган ва «Ҳокимиятнинг учта тармоғи бўйича Ҳамдўстлик (Latimer House) принциплари» сифатида маъқулланган⁶³.

II. Суд мустақиллигини сақлаш

1 Суд лавозимига тайинлаш

Юрисдикцияларда суд лавозимига тайинлаш учун талаб даражасидаги мустақил жараён белгиланиши зарур. Мустақил тизим мавжуд бўлмаган жойда эса тайинлаш суд тизими комиссияси (Конституция ёки қонунчилик ҳужжати асосида тузилган) ёки давлатнинг шундай комиссия тавсиясига кўра фаолият юритаётган тегишли мансабдор шахси томонидан амалга оширилиши лозим.

Тайинлаш жараёни, унда тегишли равишда тузилган ва тақдим этилган суд тизими комиссияси иштирок этиши ёки этмаслигидан қатъи назар, суд тизимининг барча даража-

62. Сулаймонов О.Р. Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартлар. Монография. – Тошкент. “Tafakkur qanoti” нашриёти. 2020. 327-334 б.

63. Standing Committee on administration and procedure. Latimer House Principles. August 2009. Report 2. pp3

ларида тайинлаш учун танланадиган номзодларнинг сифат кўрсаткичлари ва мустақил фикрлаш жиҳатлари кафолатландиган тарзда шакллантирилиши керак.

Суд тизимининг барча даражаларида судьяликка тайинлаш касбий фазилатлар асосида амалга оширилиши ва гендер номутаносиблиги ва бошқа тарихий камситувчи омилларни босқичма-босқич бартараф этишни назарда тутиши зарур. Судьяларни тайинлаш, қоидага кўра, муддатсиз бўлиши керак; шунга қарамай, айрим юрисдикцияларда шартнома бўйича тайинлашлар муқаррар бўлиши мумкин, бундай тайинлашларда лавозимда бўлиш муддатлари талаб даражасида таъминланиши керак. Судьяликка бўш лавозимлар мавжудлиги ҳақида эълонлар чоп этилиши лозим.

2 Молиялаштириш

Суд тизимига ўз вазифаларини энг юқори андозаларга мувофиқ бажариш имкониятини бериш учун у етарлича ва барқарор молиялаштирилиши зарур. Суд тизими учун қонунчилик томонидан аввал ажратилган бундай молиялаштириш олиб қўйилиш ёки ўз мақсади йўлида сарфланмасликдан ҳимояланган бўлиши керак. Молиялаштириш ёки уни тўхтатиб туриш суд тизими устидан тегишли бўлмаган назоратни амалга оширишнинг воситаси сифатида қўлланилмаслиги керак.

Муносиб иш ҳақи ва имтиёзлар, ёрдамчи ходимлар, ресурслар ва асбоб-ускуналар суд тизими талаб даражасида фаолият юриштиши учун ниҳоятда муҳим. Суд мансабдор шахсларининг иш ҳақи ва имтиёзлари мустақил орган томонидан тайинланиши ва уларнинг миқдори пасаймаслиги ўта муҳимдир.

3 Тайёргарлик

Суд таълими маданиятини такомиллаштириш зарур.

Тайёргарлик уюшган, тизимли ва узлуксиз бўлиши керак, бунда молиялаштириладиган суд органи томонидан у талаб даражасида назорат қилиниши керак.

Суд тайёргарлиги ҳуқуқ, суд кўникмалари ва ижтимоий контекстни, шу жумладан, этник ва гендер масалаларини ўқитишни камраб олиши зарур.

Дастур суд мансабдор шахслари томонидан юрист бўлмаган мутахассислар кўмагида назорат қилиниши керак. Судьяларни тайёрлаш учун тегишли шароитларга эга бўлмаган юрисдикцияларда бошқа юрисдикцияларда ўқитиш воситаларидан фойдаланиш имконияти таъминланиши зарур. Амалиётчи юристларга уларнинг касбий ўсишини давом эттириш мақсадида ўқитишнинг бир қисми сифатида суд соҳасида таълим курслари таклиф этилиши керак.

[...]

V. Суд ва парламент одоб-ахлоқи

1 Суд одоб-ахлоқи

(а) Ҳар бир суд тизими томонидан судьяларнинг жавобгарлигини таъминлашнинг воситаси сифатида одоб-ахлоқ ва ҳуққ-атвор Кодекси ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши керак;
[...]

VI. Жавобгарлик механизмлари

1 Суд жавобгарлиги

(а) Интизомий жавобгарликка жалб қилиш:

Судьяга лавозимдан бўшатилиш хавфи мавжуд бўлганда, у ўзига нисбатан қўйилаётган айблов ҳақида тўлиқ хабардор бўлиш, иши судда кўриб чиқилиши жараёнида иштирок этиш, ҳар томонлама ҳимояни амалга ошириш ҳамда унинг иши мустақил ва ҳолисона суд томонидан кўриб чиқилишига оид ҳуқуқларга эга. Судьяни ишдан бўшатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- (i) суд вазифаларини бажара олмаслик; жиддий қилмишлар;
- (ii) барча қолган масалалар бўйича иш юритуви тегишли суд раиси томонидан ўтказилиши керак;

(iii) интизомий чора турлари судьяларга ошкора ҳайфсан эълон қилинишини назарда тутмаслиги лозим.

(b) Ошкора танқид:

(i) суд тизими самарадорлигининг қонуний тарзда ошкора танқид қилиниши унинг жавобгарлигини таъминлашнинг воситасидир;

(ii) судга нисбатан ҳурматсизлик кўрсатиш учун жиноий таъқиб судларни қонуний танқид қилишни чеклашнинг талаб даражасидаги воситаси эмасдир.

[...]

VII. Суд ва парламентдан ташқари муассасалар роли

[...]

2 Ижро ҳокимияти матбуот эркинлиги, шу жумладан, расмий рекламадан талаб даражасида фойдаланмаслик каби билвосита усулларни чеклашга қаратилган ҳар қандай чоралардан тийилиши зарур.

3 Мустақил, уюшган юридик касб ҳуқуқ устуворлиги принципини ҳимоя қилишнинг энг муҳим таркиби ҳисобланади.

4 Кам таъминланган ва ноқулай шароитда бўлган даъвогар ёки жавобгарлар учун бепул ҳуқуқий ёрдам, шу жумладан, давлат адвокатларидан фойдаланишга оид тегишли имкониятлар кўзда тутилиши лозим.

5 Касбий юридик ташкилотлар кам таъминланганларга бепул юридик хизматлар кўрсатиш орқали одил судловдан фойдаланиш имкониятини тақдим этишга кўмаклашиши керак.

6 Ижро ҳокимияти мустақил юристлар иш фаолиятига уларнинг касби органларига лицензия беришни рад этиш каби воситалар орқали тўсқинлик қилишдан тийилиши зарур.

I) Давлат ҳокимиятининг учта тармоғи

Ҳар бир Ҳамдўстлик мамлакатларидаги парламент, ижро ва суд органларининг ҳар бири ўзига тегишли соҳада ҳуқуқ устуворлиги, инсоннинг асосий ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш ҳамда ҳалоллик, пора олмаслик ва жавобгарликнинг энг юксак андозаларига асосланган талаб даражасидаги бошқарувни амалга ошириш кафолати ҳисобланади.

II) Парламент ва суд ҳокимияти

a Парламент ва суд ҳокимияти ўртасидаги муносабатлар парламентнинг, бир томондан, қонунларни қабул қилиш бўйича асосий вазифасини ва бошқа томондан – суд ҳокимиятининг қонунларни изоҳлаш ва қўллаш бўйича вазифаларини ҳурмат қилиш принципига бўйсунishi керак.

b Суд тизимлари ва парламентлари ўзининг тегишли, аммо ҳуқуқ устуворлигини илгари суришдаги ниҳоятда муҳим ролини бажариши ва бир-бирини тўлдириши, ўзаро қўллаб-қувватлаши лозим.

[...]

IV) Суд ҳокимияти мустақиллиги

Мустақил, ҳолисона, ҳалол ва малакали суд ҳокимияти ҳуқуқ устуворлигини сақлаш, жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаш ва одил судловни амалга оширишнинг ажралмас қисмидир. Суд ҳокимиятининг функцияси ҳар бир Ҳамдўстлик мамлакатлари миллий ҳуқуқий асоси қанчалик имкон берса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциялар ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ миллий конституциялар ва қонунчиликни шарҳлаш ва қўллашдан иборат.

Мазкур мақсадларни таъминлаш учун:

a Суд лавозимларига тайинлаш аниқ белгиланган мезонлар асосида ва ошқора эълон қилинган тартиблар орқали амалга оширилиши лозим.

Жараён қуйидагиларни таъминлаши керак:

- суд лавозимига тегишли танловнинг мезонларига мос бўлган барча номзодлар учун имкониятлар тенглиги;
- хизматларига яраша тайинлаш;
- гендер тенглигига босқичма-босқич эришиш ва бошқа тарихий камситиш омилларини бартараф этиш зарурлигига етарлича эътибор;

b Судьяларнинг лавозимда бўлиш муддатларини ва рағбатлантириш миқдорини талаб даражасида ҳимоя қилиш учун чоралар кўриш зарур;

c Суд тизимига кутилган мустақилликни сақлашга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган бирон-бир номақбул босимсиз самарали иш юритиш учун етарлича ресурслар тақдим этилиши керак;

d ижро ва суд ҳокимияти ўртасидаги ҳамкорлик, агар бу мавжуд бўлса, судьялар мустақиллигини хавф остига қўймаслиги зарур. Судьялар ўз вазифаларини бажаришга қодир эмаслиги ёки уларнинг вазифаларни бажариш учун яроқсиз эканлигини яққол намоён этувчи қилмиш содир этилганлиги сабаблигина лавозимдан четлатилиши ёки бўшатилиши мумкин.

Суд иш юритуви, агар бошқаси қонун ёки жамоатчиликнинг эътироф этилган манфаатлари билан белгиланган бўлма-са, жамоатчилик учун очиқ бўлиши керак. Юқори инстанция суди қарори чоп этилиши ва жамият учун очиқ ҳамда ўз вақтида чиқарилиши зарур. Профессионал юристларнинг мустақиллиги, самарадорлиги ва ваколатлилиги ҳуқуқ устуворлигини сақлаш ва суд ҳокимияти мустақиллигининг асоси ҳисобланади.

V) Давлат мансабдор шахслари

a Давлат лавозимларига тайинлаш ишлари хизматдаги ҳиссаси ва юксак маънавий фазилатлари каби мезонларга биноан амалга оширилиши лозим.

b имкон қадар (а) бандидаги каби давлат лавозимларини эгаллаган шахслар, умуман олганда, жинси, миллати, ижтимоий ва диний гуруҳлар ҳамда минтақавий вакиллик

нуқтаи назаридан жамият таркибини акс эттиришини таъминлаш чоралари кўрилиши лозим.

VI) Одоб-ахлоқ бўйича қўлланма

Вазирлар, парламент аъзолари, суд ва давлат мансабдор шахслари ҳар бир юрисдикцияда хулқ-атворга оид тегишли амалий принципларни ишлаб чиқиши, қабул қилиши ва мунтазам қайта кўриб чиқиши зарур. Улар шаффофлик, ҳисобдорлик ва жамоатчилик ишончи даражасини ошириш мақсадида манфаатларнинг амалдаги ёки тахмин қилинаётган низолари масаласини тартибга солиши лозим.

VII) Жавобгарлик механизмлари

[...]

b Судьялар жавобгарлиги Судьялар Конституция ва қонунлар олдида жавобгар бўлиб, уларни ҳалоллик, мустақил ва адолатли тарзда қўллашлари зарур. Суд жавобгарлиги ва мустақиллиги принциплари жамоатчиликнинг суд тизимига ишончини ва суд ҳокимиятининг масъулиятли бошқарув асосини ташкил этувчи учта устуннинг бири сифатидаги ролин мустаҳкамлайди.

Судьяларнинг ўз вазифаларини бажаришга қодир эмаслиги ёки муайян қилмишни содир этганлиги сабабли лавозимдан бўшатишга оид тегишли жараёнлардан ташқари, суд ҳокимияти мустақиллигини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган чоралар адолатли ва холисона амалга оширилиши керак. Суднинг мансабдор шахсини лавозимдан бўшатишга олиб келиши мумкин бўлган интизомий иш юритуви адолатни таъминлашга қаратилган тегишли ҳимоя механизмларидан иборат бўлиши зарур.

Судга нисбатан ҳурматсизлик учун жиноий таъқиб суд тизимини қонуний тарзда танқид қилишни чеклаш мақсадида қўлланилмаслиги керак.

с Суд назорати Демократиянинг асосий принциплари ҳукуматнинг сайй-ҳаракатлари қабул қилинган қарорлар Конституция, тегишли қонунчилик ҳужжатлари ва бошқа ҳуқуқ меъёрлари, шу жумладан, одил судлов принципларига оид ҳуқуқларга мослигини таъминлаш мақсадида судлар томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкинлигини талаб этади. [...]

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
I. Судлар фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш назарияси ва амалиёти	5
II. Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқларининг суд ҳокимияти орқали ҳимояси	20
III. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ҳамда нормалари судлар амалиётида	32
IV. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва судьялар мақомига оид халқаро стандартлар	139
Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари	139
Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларини самарали амалга ошириш тартиблари	145
Судьяларнинг одоб ахлоқига оид Бангалор принциплари	151
Умумжаҳон судьялар хартияси	162
Одил судлов мустақиллиги тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси	166
Судьялар мақоми тўғрисидаги Европа хартияси	178

Судьялар мақоми тўғрисидаги Европа хартияси186

Осиё-тинч океани минтақасида (lawasia) суд муассасалари
мустақиллигининг принциплари тўғрисида
Пекин баёноти.....203

Африка миллатлар ҳамдўстлигининг давлат ҳокимияти
уч тармоғининг жавобгарлиги ва улар ўртасидаги
муносабатларга оид принциплари (латимер-хаус бошқарув
принциплари) ва унинг шаклланиш тарихи212

СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф
этилган нормалари

ўқув қўлланма

Босишга рухсат этилди 2022 й. Бичими 60x84 1/16 Офсет қоғози.
Офсет усулда. Times New Roman гарнитураси. Шартли босма табоғи 14.
Адади ... нусхада. Буюртма № ...

... нашриёти